

O'ZBEKISTON

QISHLOQ VA SUV XO'JALIGI

ISSN 2181-502X

№6. 2021

2021 ЙИЛ – ЁШЛАРНИ
ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ
ВА АҲОЛИ
САЛОМАТЛИГИНИ
МУСТАҲКАМЛАШ
ЙИЛИ



ЎЗБЕКИСТОНДАН ЯКУТИЯГА МЕВА ВА САБЗАВОТЛАР ЕТКАЗИБ БЕРИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигига Саха Республикаси (Якутия) ҳукумати раиси Андрей Тарасенко бошчилигидаги делегация билан учрашув бўлиб ўтди.

Музокаралар чоғида қишлоқ хўжалигидаги ўза - ро муносабатларнинг истиқболли соҳалари, шу жумладан, мева-сабзавотчилик, уруғчилик, қишлоқ хўжалигига илм-фан ва таълим йўналишлари му - ҳокама қилинди.

Учрашув доирасида томонлар Ўзбекистондан Якутияга мева ва сабзавотларни тўғридан-тўғри ва тизимли равища етказиб бериш тўғрисида келиш - дилар.

Россия томони ўзбек мева-сабзавотларини узоқ муддатли асосда импорт қилишга тайёрлигини бил - дирди.



ВЕТЕРИНАРИЯ МУТАХАССИСЛАРИГА МАХСУС АВТОТРАНСПОРТЛАР ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 сентябрдаги “Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда Халқаро тараққиёт ассоциацияси иштирокида “Ўзбекистон Республикасида чорвачилик секторини ривожлантириш” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарорига мувофиқ Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат кўмитаси, Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда Халқаро тараққиёт үюшмаси иштирокидаги “Ўзбекистон Республикасида чорвачилик секторини ривожлантириш” лойиҳаси амалга оширилмоқда.



Лойиҳа доирасида мамлакатимизда ветеринария хизматини ривожлантириш учун Жаҳон банкининг 2,0 млн. АҚШ доллари ва Европа иттифоқининг 2,0 млн. АҚШ доллари гранд маблағлари ажратилган.

Мазкур гранд маблағлари ҳисобидан Халқаро эпизоотик бюронинг консультантлари билан ҳамкорлиқда ветеринария хизматини халқаро стандартларга мослаштириш учун зарур асбоб-ускуналар, замонавий технологиялар ва хизмат турлари ва уларни харид қилиш учун талаб этиладиган инвестициялар, Халқаро молия ташкилотларининг кредит ва грант маблағлари миқдори ва қиймати бўйича ҳисоботи (ГАП анализ) тайёрланди.

Шунингдек, ушбу грант доирасида ҳайвонларнинг ўта хавфли юқумли касаллеклари келиб чиқиши ва тарқалишининг олдини олиш мақсадида ветеринария назорати остидаги обьектларни дезинфекция ва дезинсекция қилувчи 14 дона махсус автотранспорт (ДҮК) воситалари етказиб харид қилиниб, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларга тарқатилди.

Бундан ташқари, шу йил охирига қадар 6 дона кўчма ветеринария лабораториялари етказиб берилиши режа - лаштирилган.



ТЕЖАМКОР СУГОРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ – ДАВР ТАЛАБИ

Минтақада сувга талаб ва эҳтиёж йилдан йилга ортиб борар экан, давлатимиз ва ҳукуматимиз сувни тежаш, ундан оқилона фойдаланиш ва сув ресурсларини самарали бошқариш бўйича изчил чора-тадбирларни амалга ошироқда. Шулардан энг асосийларидан бири сув тежовчи технологиялар жорий этилган майдонларни кенгайтиришdir.

Президентимиз Олий Мажлисга ва халқимизга йўллаган Мурожаатномасида 2021 йилда сувни тежайдиган технологиялар жорий этиладиган ер майдонларини 5 баробарга кўпайтириш ва 430 минг гектарга етказиш вазифасини қўйди. Шундан 200 минг гектар майдонда ерларни лазер ускунаси ёрдамида текислаш белгиланди.

Бу ишларни амалга оширишда сув тежовчи технологияларни жорий этган қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизми йўлга қўйилганлиги ўз натижасини бермоқда. Президентимизнинг 2020 йил 11 декабрда қабул қилинган “Қишлоқ ҳўжалигида сувни тежайдиган технологияларни жорий этишини янада жадал ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПК-4919-сонли ижроатни 11 майда қилиш юзасидан.

Давлат қўллаб-қувватловидан руҳланган фермерлар ва кластер ташкилотларининг сув тежовчи технологияларни қўллашга бўлган қизиқишилари йилдан-йилга ошиб бормоқда. Хусусан, жорий йилда 160 минг гектар пахта, 30 минг гектар боф, 15 минг гектар узумзор ва 5 минг гектар бошқа экинлар етиштириладиган майдонлarda томчилатиб сувориш, 14 минг гектар бошоқли дон, 2 минг гектар сабзавот ва полиз ҳамда 2 минг гектар озуқабоп экин майдонларида ёмғирлатиб сувориш, 623 гектар пахта майдонларида дискретли сувориш технологияларини жорий этиш бўйича шартномалар расмийлаштирилди.

Шундан 24 май ҳолатига 184 минг 296 гектар майдон учун тижорат банклари ҳамда ташаббускорларнинг ўз маблаглари ҳисобидан 3 трлн 630 млрд. сўм маблағ молиялаштирилди. Айни пайтда 157,2 минг гектар майдонда технологияларни қуриш ва монтаж қилиш ишлари олиб борилмоқда.

Таҳлилларга кўра, 2019 йилда 34,5 минг гектар майдонда томчилатиб сувориш технологияси жорий қилинган бўлиб, мамлакатимизда фаолият юритаётган корхоналар баромок билан санаарли бўлганлиги учун технологияларнинг 90 фоиз ускуналари ва бутловчи қисмлари хорижий давлатлардан келтирилган эди.

Ўтган 2020 йилда сувни тежовчи технологияларнинг асбоб-ускуналари ва бутловчи қисмларини ишлаб чиқарувчи маҳаллий корхоналар сони 10 тага етказилди. Йил давомида 43 минг гектарда томчилатиб сувориш технологияси жорий этилган бўлса, шундан 30 фоизи, яъни 13 минг гекта-

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2020 йил 11 декабрдаги
“Қишлоқ ҳўжалигида сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПК-4919-сонли ижроатни 11 майда қилиш юзасидан



ри маҳаллий корхоналар маҳсулотига тўғри келди.

Ушбу технологияларга талаб ортар экан, бугунги кунда сувни тежовчи технологияларнинг ускуналари ва бутловчи қисмларини маҳаллий шароитда ишлаб чиқарувчи корхоналар сони 35 тага етди. Бу билан 2021 йилда сув тежовчи технологиялар жорий қилинадиган майдонларнинг 30 фоизини маҳаллий корхоналар маҳсулоти қамраб олишига имкон яратилди.

Келгусида ана шундай корхоналар сонини 100 тага етказиб, соғлом рақобат муҳитини юзага келтириш ва сифат бочқичига катта эътибор қартиш мўлжалланган. Натижада сувни тежовчи технологияларни маҳаллийлаштириш даражаси ошиб, маҳсулот таннархи сезиларли даражада пасаяди ҳамда бу турдаги технологияларни жорий этиш имкониятлари кенгаяди.

2021 йилда сувни тежайдиган технологияларни жорий этишини қўллаб-қувватлашни 1,5 трлн. сўм субсидия маблағлари, шундан 330 млрд. сўмини давлат бюджетидан, 1 170 млрд. сўмини бюджетни қўллаб-қувватлаш учун халқаро молия институтларидан жалб қилинган қарз маблағлари ҳисобидан молиялаштириш белгиланган.

Ушбу тадбирларни амалга ошириш эвазига йил якунига қадар суворила-диган майдоннинг 15 фоизида сув тежовчи технологиялар жорий этилади.

Энг муҳими, сувни тежайдиган сувориш технологияларини жорий қилинган майдонларда 50 фоизгача сув иқтисод қилинади ва тақорорий экинлар экишга йўналтирилади.

Рустам ҚАРШИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Сув ҳўжалиги вазири ўринбосари.

ИХТИРО КҮП БЁЛСА, МУШКУЛ ОСОНЛАШАДИ

Хабарингиз бор, давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида “Ҳаёт давомида ўқиш” тамойили ҳақида сўз юритилиб, назария ва амалиёт уйғунлигисиз ҳеч қандай натижага эришиб бўлмаслиги, шунинг учун давлат идоралари ва ишлаб чиқариш субъектлари ҳамда таълим жабҳасидаги узвий ҳамкорлик йўлга қўйилиши алоҳида таъкидланган эди.

Бугун илм-фан ва ишлаб чиқариш уйғунлиги қай тарзда? Фан ютуқлари амалиётга қай даражада татбиқ этилаяпти? Бу борада иқтисодиётнинг турли тармоқларида қандай тизимлар мавжуд?

Шу каби саволларнинг ветеринария ва чорвачилик тармоғидаги жавоблари хусусида ўз мухбиримиз Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Шуҳрат Жабборов билан суҳбатда бўлди.

– Айтингчи, сиз фаолият юритаётган қўмита фан ва ишлаб чиқариш уйғунлиги тамоили или бўйича қандай ишларни амалга оширмоқда?

– Мазкур тамойил асосида Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан тизимдаги мутахассислар ва чорвачилик, балиқчилик ҳамда паррандачилик йўналишларида фаолият юритаётган хўжалик мутахассисларининг малакасини узлуксиз ошириб бориш бўйича маҳсус дастур ишлаб чиқилди. Даструга мувофиқ, чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик ва асаларичилик йўналишлари бўйича йил давомида бўлиб ўтадиган маҳсус ўқув-семинарлари ташкил этилди. Шу кунга қадар вилоятларда соҳа олимлари, мутасаддилар иштирокида 25 марта ўқув-семинарлари ўtkazildi. Семинарларда жами 3500 нафардан ортиқ чор-

вачилик, паррандачилик ва балиқчилик йўналишларида фаолият юритаётган фермер хўжаликлари, ишлаб чиқариш корхоналари вакиллари ҳамда 500 дан зиёд мутахассислар иштирок этди.

– Хорижда ишлаб чиқилаётган препаратларни маҳаллийлаштириш ва ўзимизда ихтиро қилинаётган ветеринария дори воситалари хусусида қандай янгиликлар бор?

– Мутахассис ва олимлар томонидан хорижда яратилган санарадорлиги юқори препаратлар, кўшимча озуқалар босқичма-босқич маҳаллийлаштирилмоқда. Олимларимиз янги дори воситаларини ихтиро қилмоқда. Дейлик, йил бошида Ветеринария илмий-тадқиқот институти олимлари томонидан чорва хайвонларининг туберкулёз (сил) касаллигини тезкор аниқловчи антиген ихтиро қилинди ва кенг кўламда ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилди. Тадқиқот устида иш олиб борган олимлар жамоасининг фикрича, ўтган йилнинг август ойида Тошкент вилоятининг чорвачилик хўжаликларида мазкур антигеннинг клиник синовлари ўтказилган ва **98,2 фоиз самарадор** эканлиги исботланган. Айни пайтда мазкур антигенин кенг кўламда ишлаб чиқариш учун ветеринария дори воситаларини ишлаб чиқарувчи “BIOVET” МЧЖ ва Ветеринария илмий тадқиқот институти ўртасида бир юз ўн бир миллион сўмлик шартнома имзоланган. Ўзбек олимлари томонидан ихтиро қилинган мазкур антиген чорва ҳайвонларининг туберкулёз (сил) касаллиги қўзғатувчисини бугун дунё бўйлаб ишлатилаётган шу турдаги воситалардан икки баробар тез ва юқори сифатда аниқлаши тасдиқланди.

– Ажойиб янгилик экан!



– Албатта. Яқинда қўмита раисининг чорва моллари ва паррандаларнинг гельминтозларига қарши маҳаллий воситаларни амалиётта татбиқ этиш тўғрисидаги бўйруғи чиқди. Бу ҳам юқорида сиз тилга олган хорижий дори воситаларни маҳаллийлаштириш ишлари сирасиға киради. Айни пайтларда чорва молларининг фасциолёз, шистосомоз (ориентобильгарциоз) ва парамфистоматозларининг олдини олишда янги, маҳаллий моллюскочицид воситаларни қўллаш бўйича қўлланма яратилмоқда. Қўй гельминтозларига қарши албендазол, мис купороси ва туз аралашмасини тайёрлаш ва қўллаш бўйича қўлланма тайёрланди. Қоракўлчилик хўжаликларида гельминтозларга қарши янги кимёвий восита-бентонитли антигельминт-туз аралашмаларни қўллаш бўйича қўлланма ва йўриқномалар ишлаб чиқилмоқда. Парранда маҳсулдорлигини рағбатлантирувчи восита – госспрен ва уни қўллаш бўйича қўлланма устида ҳам ишлар олиб бормоқдамиз. Ҳайвонлар касалликлари ташхиси ва озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги давлат марказлари базасида илмий ечилмаларни амалиётта кенг жорий этиш мақсадида, чорвачилик ва паррандачилик фермер хўжаликларида шартнома асосида пуллик ветеринария хизмати кўрсатиш тизимини ташкил этмоқдамиз. Албатта, пуллик ветеринария хизматидан тушган маблағлар ҳисобидан зарурий воситалар, дори-дармонлар, асбоб-ускуналар сотиб олишимиз ва илмий ечилмаларни амалиётта татбиқ этишимиз осон кечади.

Ўз мухбиримиз суҳбатлашди.

ГУЛЛАР КЎСАККА АЙЛАНМОҚДА

Fўзанинг амал ўсув даврида (ниҳоллар пайдо бўлгандан) 4-7 марта гача культивация ўтказилади. Ўсимликларни ривожланишининг бошланмич даврларида 60, 76 ва 90 см қатор орасига экилганда четки ишчи органлари 6-8 см чукурликда ўрнатилиб, эгатни ўртасини юмшатиш учун уларни 12-15 см. да жойлаштирилади, химоя зонасининг кенглиги иккى ҳолатда ҳам 10-12 смдан ошмайди. Культивацияни эрта ўтказиш тупроқнинг юқори қатламини яхши исишини ва қуришини таъминлайди, айниқса, ёғингарчилик миқдори кўп бўлган йилларда ҳамда ер ости сизот сувлари яқин бўлиб, намлиги юқори бўлган тупроқларда ўсимликларни илдиз чириш касаллиги билан заарланишини камайтиришга ёрдам беради. Кейинги культивацияларда чуқур юмшатиш эгат кенглигига боғлиқ ҳолда дифференциялаштирилади: 60 см қатор орасида четки ишчи органлар 8-10 см чукурликка жойлаштирилиб, ўртадагилари 12-14 смга, 90 см қатор орасида уларнинг чуқурлиги мос равишда 8-10 см ва 14-16 см. да, физик хусусияти ёмон бўлган тупроқларда чуқурлиги 18 см. гача бўлиб, химоя зонасининг кенглиги 10-12 смдан ортиқ бўлмайди.

Культивация юқори самарали бўлишда культиваторнинг ишчи органларини тўлиқ жиҳозлаш ва уларни ўсимлик ҳолатига қараб тўғри таъминланган культиваторлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқидир.

Культивациянинг кўп ўтказилиши тупроқнинг структурасини, сув-физик хоссаларини ёмонлаштириб, ишчи органлари билан ғўзага шикаст етказилиши оширади. Қатор орасига ишлов бериш сонини технологик операцияларни юмшатиш, эгат очиш, ўғитлаш ва бошқаларни биргаликда ўтказиш орқали камайтириш мумкин. Бу тупроқ структурасини сақлашга, ўсимликларни ўсиб ривожланиши учун яхши шароит яратишга, маблағларни тежашга имкон яратади.

Ғўза қатор ораларига ишлов бериш. Культивация ишларини ўз вақтида ва сифатли ўтказилиши гоммоз, илдиз чириш касалликларининг олдини олиб, ғўзани соғлом ўсиб, ривожланишини таъминлайди.

Ғўза қатор ораларига ишлов беришда энг аввало культиватордаги ишчи органлар сонининг тўлиқ бўлиши ва ишлов бериш чуқурлигига алоҳида

Июнь ойида ғўза парваришида нималарга ётибор бериш зарур



ётибор бериш керак. Бундан ташқари, чигит эрта экилган майдонларда культивацияни озиқлантириш билан бирга ўтказиш, кеч экилган, ёки сел ва дўл таъсирида қайта экилган нами юқори бўлган майдонларда ер етилиши билан қўшимча 1-2 марта ишлов бериш лозим. Бунда ўртадаги ишчи орган босқичмабосқич чуқурлаштириб ўрнатилса, намлик тез ўйқотилишига эришилади, агар бирданига чуқур ишлов берилса унда намлик юқори бўлгани сабабли кесак кўчади ва илдиз системасига салбий таъсири этади.

Бегона ўтларга қарши кураш, чопик ва ўтоқ ўтказиш. Бегона ўтларга қарши курашишда чопик ишларини ҳам сифатли ва ўз муддатида бажарилишини ташкил этиш зарур. Шунингдек, кўп ва бир йиллик begona ўтларга (фумай, ажриқ ва бошқалар) қарши ғўзанинг шоналаш даврида (бегона ўтларнинг бўйи 10-15 см бўлганда) Зелекс 1,0 -1,5 л/га меъёрда гербицидини штангали сепиш аппарати ёки ОВХ мосламалари ёрдамида белгиланган меъёрларда туркаш ҳам мумкин.

Ғўзани озиқлантириш. Минерал ўғитлар билан қўшимча маҳаллий ўғитлар кўлланилса, ғўзанинг ўсиши жадаллашади, ҳосили кўпаяди, тола ва чигит сифати ошади.

Ғўзани минерал ўғитлар билан озиқлантиришда, фосфорли ва калийли ўғитларни йиллик меъёрлари мўлжалланган ҳосил учун белгиланган азотли ўғитларни йиллик меъёрларига (N:P:K – 1,0:0,7:0,5) нисбатан олинади ҳамда тупроқдаги ҳаракатчан фосфор ва алмашинувчи калий миқдорларига боғлиқ ҳолда табақалаштирилиб солинади.

Жорий йил шароитида органик ва минерал ўғитларнинг аралашмаларидан фойдаланиш зарур. Бунда, ғўза қатор ораларига 2-чи ишлов бериш

даврида гектарига 250-300 кг чириган, қуритилган ва элақдан ўтказилган маҳаллий ўғитларни махсус мосламалар ёрдамида ғўза қатор ораларига (14-16 см узокликка ва 15-17 см чукурликка) солиш яхши самара беради.

Ғўзанинг шоналаш ва гуллаш даврларида гектарига 400-500 кг қуруқ гўнгни азотли ўғитлар билан биргаликда кўллаш ҳам пахта ҳосилини гектарига 2,0-3,0 центнергача оширади.

Айrim тупроқ унумдорлиги паст ерларда ҳамда механик таркиби енгил қўмлоп тупроқларда ғўзалар шонага кирган майдонларда гектарига соф ҳолда 70-75 кг азот ва 40-50 кг калий бериш керак, бу эса гектарига 210-225 кг аммиакли селитра ёки 150-160 кг мочевина ва 65-80 кг калий хлоридни ташкил этади.

Ғўзалар гулга кира бошлаган пайкалларда азот ва фосфорли ўғитлар гектарига соф ҳолда 70-75 кг азотни (аммиакли селитра 210-225 кг) ва 40-50 кг соф ҳолда фосфорни (аммофос 80-100 кг ёки оддий суперфосфат 220-275 кг ёки супрефос 170-215 кг) ташкил килади.

Ўсув давридаги озиқлантиришни охирги муддати ғўза гуллай бошлашининг 10- кунига тўлиқ туталаниши керак. Бундан кечикса, ғўзанинг ривожланиши даври чўзилиб кетиши мумкин.

Қўшқатор экилган майдонларда минерал ўғитлар солишида ернинг озиқа билан таъминлангани ва кўчат қалинлигидан келиб чиқиб 5-10% ошириш мақсадга мувофиқ.

Ғўзани баргидан озиқлантириш. Ниҳолларнинг яхши ўсиши, ривожланиши, юқори ва сифатли ҳосил бериши учун уларни қўшимча равишда баргдан озиқлантиришда суспензия ва стимуляторлар сепиш тақозо этилади. Бунда, ўсимлик озиқа моддаларни барг ва поялари орқали ўзлаштиради. Ғўза шоналаш дав-

рида тайёр ҳолдаги суюқ ўғитлардан КАС (карбамид-аммиакли селитра, 28-30% N,) ўғитидан 7 л/га ёки суюқ азот кальций ўғитидан (САКҮ, 25,4% N, 9,1% Ca) 10 л/га мөйёрларда қўллаш тавсия этилади. Фўза ривожи орқада қолган майдонларда суспензия гуллаш даври бошида гектарига КАС ўғитини 9,0 л/га, суюқ азот кальций ўғитидан (САКҮ) 15 л/га мөйёрларда ишлатилганда яхши самара беради. Суспензия сепишда ишчи эритма ҳар гектарига 300 литрдан кам бўлмаслиги зарур.

Суспензия билан ишлов беришда Фитовак (200-300 мл/га), Гумимакс 0,15-0,20 л/га, Узгуми 0,3-0,4 л/га, Альбит 40-50 мл/га, Оберегъ 10 мл/га, Биодукс 2,0 мл/га ва бошқа шунга ўхшаш стимуляторларни кўшиб ишлатилса, фўзанинг ўсиши ва ривожланишига ижобий таъсири янада ортади.

Суспензияни эрталаб ва кечкурун ҳаво ҳарорати 20-25 °C дан ошмаган пайтда сепиш тавсия қилинади. Ҳаво илик ва булути кунларда суспензияни кун давомида сепиш мумкин. Ёмғир ёғаётган пайтда суспензия сепиш тавсия қилинмайди, чунки озиқа моддалари ювилаб ўғитларнинг самараси пасайиб кетади.

Ғўзани сұғориш. Ғўзани шоналаш даврида сұғориш меъёри енгил тупроқларда гектарига 600-700 м³, ўтра ва оғир тупроқларда 700-800 м³ бўлиши керак. Ғўза гуллаш даврида эса сұғориш меъёри енгил тупроқларда



гектарига 900-950 м³, ўтра ва оғир тупроқларда 1050-1200 м³ ни ташкил этиши лозим.

Сұғориладиган эгатларнинг узунлиги 90 см қатор оралиғида 80-100 метрдан, 60 см ли схемаларда 60-80 метрдан ошмаслиги керак. Чунки эгат узун бўлса, охирига ёткунча 2-3 суткалаб сув оқади, сув эса исроф бўлади.

Сұғоришнинг давомийлиги енгил тупроқларда ғўза гулга киргунча 10-12, ўтра ва оғир тупроқларда 12-14, гуллаш даврида эса мос равишда 14-16 ва 16-18 соатдан ошмаслиги керак. Сизот чукур жойлашган бўз тупроқларда сұғориш сони ўртача 3-4 марта, меъёри гектарига 800-900 м³ ни ташкил қиласди ва сұғоришни 14-16 кун оралатиб ўтказиш мумкин.

Сизоб чукурлиги 2-3 метрга борадиган бўз-ўтлоқи тупроқларда ғўза гектарига 700-800 м³ меъёра 2-3 марта сұғорилиб, бу ҳолда сұғоришлар орасидаги даврлар 18-20 кунгача узайтирилади. Сизот сатҳи 1-2 м чукурлиқда бўлганда 20-25 кун оралатиб икки марта сұғорилади.

Бу йилда кутилаётган шароитда ғўза парваришида сувдан самарали фойдаланишида эгилувчан қувурлар ёрдамида ҳамда эгат орасига плёнка (сув сарфини 10-15%, қатор орасига ишлов беришни 2-3 марта камайтиради) тўшаб сұғоришга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ бўлади.

ПСУЕАИТИ олимлари томонидан тайёрланди.

Polimer Galantry

ПЛЁНКА ПОЛИЭТИЛЕНОВАЯ:

- ГИДРОИЗОЛЯЦИОННАЯ
- ПАРНИКОВАЯ 3-Х ГОДИЧНОГО СРОКА ИСПОЛЬЗОВАНИЯ
- ТЕРМОУСАДОЧНАЯ УПАКОВОЧНАЯ
- ТРЁХСЛОЙНАЯ
- МЕШКИ И ПАКЕТЫ

Адрес: г. Ташкент, Алмазарский район, улица Янги Олмазор 51.

Надёжная полимерная продукция от производителя

(+998) 94-638-33-33

(+998) 95-142-31-19

(+998) 97-342-50-08

polimergalantry@mail.ru

www.polimergalantry.uz



ҒАЛЛА ЎРИМИ ВА ПЕШМА-ПЕШ ШУДГОР

Демак, фермерлар, комбайнчилар, агрокластер ва туман “АгроСервис МТП” раҳбарлари ҳамда мутахасислари, сервис марказлари мұхандислари, ўрим-йигим отрядларининг бошлиқлари ғалла ўрими ва шудгорлашга катта масъулият билан қарашлари ва ўзларига юқлатиленган вазифаларни сидқидилдан бажаришлари лозим. Шу боис қуидаги масалалар жуда долзардир.

Фермерлар, агрокластерлар раҳбарларининг вазифалари:

- ғаллазорларга кирадиган йўллар, кўприкларни сифатли қилиб тайёрлаш, ўқариқларни текислаш;
- йўл четидаги дараҳтларнинг осилиб ётган шоҳларини кесиб ташлаш, ўримга киришишдан олдин карталарни тўртбурчак ҳолига келтириш, комбайн боролмайдиган чекка жойлардаги ғаллани қўлда ўриш;
- далани печак, чирмовиқ, шўра каби бегона ўтлардан, ҳар хил темир-терсаклардан тозалаш;
- комбайннинг бемалол қайрилишини таъминлаш, пояларнинг ғилдираклар билан эзилишининг олдини олиш мақсадида дала атрофи бўйлаб камидаги 8 м кенгликдаги ғалла пояларини олдиндан ўриб олиш, ёнғин чиқишига йўл қўймаслик учун дала четларини камидаги 4 м кенгликда шудгорлаб қўйиш.

Мұхандисларнинг вазифалари. Улар энг аввало, ишга тайёр ғалла комбайнларини қуидаги талабларга қайдаражада жавоб беришини яна бир бор текширишлари керак: комбайн двигатели яхши ва равон ишлайди; жатканинг асосий балкаси тўғри, ёриқлар йўқ; сирпанувчи бошмоқлар пачоқланмаган ва дарз кетмаган; мотовилонинг марказий ва паншаха трубалари эгилмаган, қадалмасдан айланади; бармоқли бруслари эгилмаган, тўғри; сегмент пичоқлари бутун, қарши кесувчи пластинкалар сийқалашмаган, дарз кетмаган; шнек цилиндрлари пачоқсиз, ўрамлари эгилмаган ва узилмаган; ўриштириш барабанининг вали ва бармоқлари қийшаймаган, синмаган; қия камера корпусида ёриқлар йўқ, транспортер планкалари синмаган, қайишлари едирилмаган, пружиналари таранг; янчиш барабани (ротори)нинг вали эгилмаган, дон савагичлари едирилмаган, барабан (ротор) остигининг тишлари бутун; сомон элаги клавишаларининг подшипниклари едирилмаган, ёрилмаган; ғалвирлардаги тешиклар катталашмаган, жалюзалар сегментлари синмаган; силкитувчи тахтадаги тарам-тарам листлар дарз кетмаган; элеваторлар

Бу йил республикамизда 1 миллион 223 минг гектар майдонда ғалла етиштирилди. Маълумки, даладаги ғалла ҳосили пахтага ўшаб бирин-кетин эмас, бир пайтда пишиб етилади. Шу боисдан ҳам ҳосил “Доминатор-130”, “НьюХолланд ТС-5060”, “Кейс-2366”, “Вектор” каби комбайнлар ёрдамида фақат бир ўтишда нест-нобудгарчиликка йўл қўймасдан ўрибянчиб олиниши лозим. Чунки тўкилган донни ердан қайта ўриштириб олишнинг сира иложи йўқ. Ғалладан бўшаган майдонлар сомондан тозаланиб, пешма-пеш шудгор қилинади.

ПЕШМА-ПЕШ ШУДГОР

кураклари синмаган, ленталари узилмаган; втулкалар, валиклар, пластинкалар ейилмаган; дон, бошок ва бўшатиш шнекларининг ўрамлари ўткирлашмаган ва бутун, филофларида тешик ёки ёриқлар йўқ.

Ўрим-йигим отрядларининг вазифалари. Отрядлар кластерлар ёки туман қишлоқ хўжалиги бўлимлари томонидан тузилади. Ҳар бир отряд таркибида 2 ёки 4 та “Кейс”, “Клаас” комбайни, 4 ёки 8 та дон ташийдиган автотранспорт, 1 та кўчма устахона, 1 та занжирили трактор плуги билан ва майший хизмат звеноси киради.

Отряд раҳбари туман қишлоқ хўжалиги бўлими, агрокластер, автокорхона ҳамда фермерлар билан биргаликда ўзига бириктирилган ғалла майдонларининг ҳажмини, дала контурлари бўйича ғалланинг ҳолати ва дон ҳосилдорлигини аниқлаб, ўрим-йигим графигини тузади.

Отряд таркибида ҳисобчи ва дон қабул қилиш шоҳобчасидаги вакили фаолият кўрсатади. Отряд ҳисобчиси ўриладиган майдонларнинг ҳақиқий катталигини, ғалла ҳосилдорлигини бевосита ўримдан олдин ўлчашлар йўли билан аниқлади. Ўрилган майдонлар учун фермер, кластер ёки “АгроСервис МТП” билан, жўнатилаётган дон учун транспорт корхоналари билан ҳисоб-китоб хўжжатларини расмийлаштиради. Ўрибянчиб олинган ва омборларга топширилган дон ҳақидаги хўжжатлар барча фермерлар учун алоҳида-алоҳида тузилади.

Отряднинг дон қабул қилиш шоҳобчасидаги вакили топширилаётган доннинг офирилигини, намлик ва ифлослик даражасини ўлчайди ҳамда унинг кондицион вазнини аниқлаб тегишили хўжжатни расмийлаштиради ва уни отряд раҳбари топширади. Отряд раҳбари ҳар бир фермер хўжалигининг бутун майдонидаги пишган ҳосилни тўлалигича ўриштириб олиш, ҳисоб-китобларни тўғри юритиш, дон нобудгарчилигининг олдини олиш, ўрим қатнашчиларига зарур шарт-шароитларни яратиб бериш тадбирлари учун масъул шахс ҳисобланади.

Ўрим-йигим отрядини етарли транспорт воситалари билан таъминлаш, ташиш жараёнида дон нобудгарчилигининг олдини олиш, автомашиналарни техник жиҳатдан доимо соз ҳолатда ушлаб туриш вазифалари автокорхона раҳбари зиммасига юқлатилади.

Комбайнчилар, ҳайдовчилар ва ўрим-йигим мавсумининг бошқа қатнашчиларига медицина хизматини кўрсатиш, уларни иссиқ овқат билан узлуксиз таъминлаш

тадбирларини фермерлар, маҳалла фаоллари ва туман соғлиқини сақлаш бўлими ходимлари бажаради.

Сервис марказлари мұхандислари ва комбайнчиларнинг вазифалари:

- ўриш жараёнида дон бошоқлардан уриб туширилганда мотовило тезлиги камайтирилади, уни пастга тушириб, вали пичоқларга яқинлаштирилади;

- бошоқлар ерга кўп миқдорда тўкила бошласа, мотовило тезлиги камайтирилади, паншахаларни пичоқларга яқинлаштириб, уларнинг орқа томонга қиялиги бироз оширилади, паншахалар ва шнек қанотлари орасидаги тирқиш кенглиги торайтирилади;

- дон қирқимаган поялар бошоқларида қолиб кетганда синган сегмент ва бармоқлар янгисига алмаштирилади, хедер пастга туширилади, мотовило пастлатилади ва олдинга чиқарилиб, тезлиги оширилади;

- бункерда синик дон миқдори ошиб кетганда, ротор билан дека орасидаги тирқиш кенгайтирилади, ротор (барабан) тезлиги камайтирилади, тирқиш ичига тиқилиб қолган похол ва ўт-ўланлар олиб ташланади;

- сомон орасида тўлиқ янчилмаган бошоқлар учраганда тирқиш кенглиги камайтирилади, ротор тезлиги оширилади, ғалвир жалюзалири кенроқ очилади, комбайн тезлиги пасайтирилади;

- бункердаги дон ифлослиги юқори бўлса, ғалвир жалюзалири торайтирилади, вентиляторнинг шамол кучи оширилиб, хедер бироз тепага кўтарилади;

- ҳосилдор ва баланд бўйли ғаллани сифатли йигиб олиш учун пичоқлар 25-30 см қирқиш баландлигига ўрнатилади, комбайн тезлиги ва хедернинг қамров кенглиги шундай танланадики, бунда янчиш аппаратига секундига 3-5 кг атрофида ғалла массаси келиб тушади.

Ғалла комбайнларидан кейин кетма-кет сомон йигидаган машиналарни юргизиш даркор. Сомон поялари 15 сантиметрдан баланд ўрилган майдонлардаги поялар КОС-2,1; КРС-2,1; КДП-4 ва КИР-1,5Г «Умид» сингари ўт ўрадиган агрегатлар ёрдамида ўриб-йигиб олинади. Акс ҳолда, қолдиқ пояларнинг бир қисми шудгор пайтида тупроқ остига тўлиқ кўмилмасдан ва чириндига айланмасдан, ер бетида қолиб кетади. Улар шудгорлаш ва ерларни экишга тайёрлаш сифатига салбий таъсир этади. Ўримдан кейин ерда қолган сочма сомон ва ўт-ўланларни ўша куннинг ўзидаёт тўплаб, йигиб олиш лозим. Бунда ПМТ-Ф-1,8; ПС-1,8; ППЛ-Ф-1,6 русумли тўплагич-зичлагичлардан фойдаланилади.

Ғалладан бўшаган майдонларда қолган поялар ва сомонга ўт қўйиб, ёқиб юбориш асло мумкин эмас!

Шудгорлаш сомон йигимидан кейин, ҳатто, 1-2 кунга кечикса, жазира машина иссиқ таъсирида тупроқ намлиги тез кўтарилиб, ернинг қотиб қолиши оқибатида катта-катта кесаклар кўчишига олиб келади.

Шу боис, сомон йифишириб олинган куннинг ўзидаёт

шудгорлашни бошлаш (тупроқдаги намлик етарли даражада бўлади, катта кесаклар кўчмайди ва тупроқ майнин чиқади), тупроқнинг юза қатлами куриб кетган ва намлиги 14-16 фоиздан кам бўлса, майдонларни тезликда суғориш ва ер етилиши билан шудгорни бошлаш керак.

Далалар чимқирқарли ПН-4-35, ПЛН-5-35, LD-100 ҳамда икки ярусли ПЯ-3-35, ПД-4-45, МР-2/3-45 плуглари билан ҳайдалиши зарур. Чимқирқарли плуглар бегона ўтлар кам ёки бутунлай йўқ далаларни ҳайдашда ишлатилади. Бегона ўтлар кучли тарқалган майдонлар эса факат икки ярусли плуглар билан ҳайдалиши шарт.

Ҳайдов отряди бошлиғи, механизатор ва фермер қуидагиларга алоҳида эътибор беришлари даркор:

- шудгорлаш ишларини икки сменада ташкил этиш, ҳайдов агрегатларини эрга тонгда ва кечкурун юқори унум билан ишлатиш (трактор двигатели қизиб кетмайди, ёнилғи ва мой кам сарфланади);

- механизаторлар, таъмирловчи чилангарлар ва барча ишчиларга етарли майшиш шароитларни яратиш, қисқа муддатларда сифатли бажарилган шудгор учун уларни моддий рағбатлантириш;

- ҳайдаш чуқурлигининг барқарорлиги, тупроқнинг майнин таъминлаш;

- электр ёки алоқа симларининг таянчлари, майдонлар

ичидаги дараҳтлар атрофларини 2-3 корпусли плуглар ёрдамида олдиндан ҳайдаб қўйиш;

- ҳайдов трактори ва плугни техник соз ҳолатда ушлаб туриш, кундалик техник қаровларни сифатли бажариш, двигателнинг совутиш ва мойлаш тизимлари ишини қаттиқ назорат килиш;

- кўчма устахоналарда лемех, отвал, дала доскаси, сақловчи болт каби плугнинг ишдан тез чиқадиган деталлари, трактор учун мотор ва гидравлика мойлари захирасини етарлича барпо этиш;

- ҳар бир ҳайдов агрегатига икки нафардан малакали механизатор ва бир нафардан уста механикни бириктириш;

- ҳайдов агрегатларига техник хизмат кўрсатиш, уларга ёнилғи қўйиш ишларини кўчма устахоналар ва маҳсус агрегатлар воситасида даланинг ўзида бажариш.

Кластерлар ва фермерлар томонидан бажарилиши лозим бўлган яна бир муҳим тадбир – бу шудгорланган далаларни изма-из бороналаш ёки дискалашдир.

Шундай қилиб, ғалла ўрими, далаларни сомондан тозалаш ва шудгорлаш сифати техника воситаларини тўғри ишлатиш, механизаторлар, фермерлар ва барча ўрими-йигим қатнашчиларининг мазкур тадбирларга масъулият билан қарашлари вақтни ғанимат билган дехқонларимиз учун ниҳоятда муҳимдир. Зеро такорий экинлар экиш ишлари тезлашади. Бу яна ҳосилга ҳосил, даромадга даромад кўшади, албатта.

**Муҳаммаджон ТОШБОЛТАЕВ,
т.ф.д. (ҚҲМИТИ).**



Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 2 февралдаги “Шоли етиштиришни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг 2-иловасида республикамиизда такрорий экин сифатида 62 612 гектар майдонга шоли экиш режалаштирилганлиги ҳам ушбу соҳага катта эътибор берилаётганлигидан далолат беради.

Такрорий экин экиш учун ерни тайёрлаща бошоқли дон экинлардан бўшаган майдонлар фалла қолдиқларидан тозаланиб, 15-20 см чукурликда шудгор қилинади. Шудгор мола-борона қилиниб, далаларнинг табиий текислигига мос равишда поллар олинади. Сўнгра сув бостирилиб, сувда фреза билан ишлов берилади.

Ҳар бир гектар шоли майдони учун 0,07-0,08 га майдонда кўчачатхона ташкил этилиб, кўчачатхонага уч кун давомида ундириб олинган 50 кг сара урургар сепилади.

Кўчач ёши, яъни кўчириб асосий далага ўтказиладиган шоли майсаларининг кўчачатзорда туриш даври эртапишар ва ўртапишар навларда 25-30 кунгача бўлиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Тайёр бўлган шоли кўчачлари кўлда экилганда ўртапишар навлар учун 15x15 см, эртапишар навлар учун 15x10 см ҳар бир уяга 2-3 донадан, машиналар билан экилганда мос равишда 30x12, 30x10 см схемада ҳар бир уяга 4-5 донадан экиш тавсия қилинади.

Барча кейинги босқичда бажариладиган агротехник тадбирлар.

Сув меъёри. Шолининг бошқа ўсимликлардан фарқи у бутун ўсув даври давомида сув бостирилган шароитда ўсади. Кўчач усулида шоли етиштиришда сув режимига алоҳида эътибор бериш керак. Кўчач ўтказилгандан кейин сув сатҳи 10-15 кун давомида 4-5 см қалинлиқда бўлиши, кейинчалик уни 7-10 см гача кўтариш мақсадга мувофиқидir.

Шоли ўсимлигининг сувга бўлган талаби ривожланиш даврида турлича бўлади. Шоли кўчачларини тайёрлаш жараёнинда сув режимини бошқаришда кўйидагиларга эътибор қартиши керак:

- шоли уруғлари кўчач етиштирилладиган майдонларга сепилгандан сўнг кун давомида 2-3 см қалинлиқда сув ушлаб турилади;
- шоли кўчати 25 кунлик бўлгунга қадар вақти-вақти билан сурғори турилади;
- шоли кўчати 25 кунлиқдан то асосий майдонига ўтказилгунга қадар сув 3-5 см қалинлиқда ушлаб турилишига риоя қилинади;
- шолида тупланиш бошланганда поллардаги сув сатҳи 4-5 см қалинлиқда;
- ёппасига тупланиш даврида сув сатҳи 7-10 см қалинликкача кўтарилади ва шолининг мум пишиш давригача шу сув ушлаб турилади.

Кўчачлар далага кўчириб ўтказилгандан сўнг гектарига 30-40 кг миқдорида азотли ўғитлар солинади.

Шолини парваришишлаш. Шоли экилгандан токи тўлиқ пишиб етилгунча парваришиланади: поллар сув бостирилгандан сўнг сув юзига чиқиб қолган ҳар хил ўсимлик қолдиқларидан тозаланади. Шолидан юқори ҳосил олишда бир текисда униб чиқсан кўчач сони асосий омил ҳисобланади. Шунинг учун шоли тўлиқ униб чиқсандан кейин кўчач сийрак ва бўш жойларга уроғ ивитиб сепилади, ёки уроғ экишга кечикилса шоли 2-3 та барг чиқаргандан кейин кўчач қилиниб поллардаги кўчач сони тикланади.

Шолини ўғитлаш. Шоли минерал озиқалардан азот, фосфор, калий элементларига талабчандир. Ўзбекистон шароитида 1 цон ва 1 ц поҳол етиштириш учун 2,3 кг азот, 0,8 кг фосфор, 3 кг калий элементи сарфланади. Шолидан 60 ц/га ҳосил олиш учун соғ ҳолда 150-180 кг/га азот, 60-70 кг/га фосфор ва 150-170 кг/га калий билан озиқлантирилади. Шолининг ўсиши ва ривожланиши ҳамда сифатини яхшилашда минерал ўғитлар билан бир қаторда органик ва микроўғитлар ҳам кўлланилади. Органик ўғитлардан гўнг, кўкат ва оралиқ экинлар (нўхат, буғдој, беда ва бошқалар) илдиз, ўрилма қолдиқлари тавсия қилинади. Микроўғитлардан молибден, марганец, мис, рух, кобальт ва бор тавсия қилинади.



ТАКРОРИЙ ЭКИН СИФАТИДА ШОЛИ ЕТИШТИРИШ

Шоличилиқда азотли ўғит сифатида аммоний сульфат ва мочевина ишлатилади. Аммиакти селитра таркибидаги азотни бир қисми нитрат ва аммиакли шаклларда бўлганлиги учун, бу ўғитни шолига охирги озиқлантиришда тавсия қилинади. Азотли ўғитларнинг йиллик миқдори тақсимланганда 35% тупроққа ишлов бериш пайтида, 35% тупланиш бошланишида, 30%и тўла тупланганда солинса фойдалидир.

Шолидаги касалликларга қарши кураш чора-тадбирлари. Агротехник кураш-шолини экиш олдидан ортиқ азот сепиш тавсия этилмайди, чунки меъёрдан ортиқ азот шолининг фузариоз ва пирикуляриозга мойиллигини оширади. Ҳар йили пирикуляриоз пайдо бўладиган майдонларга азот солинши чеклаш зарур.

Шолини ўз вақтида муддатидан кеч экилишига йўл қўймаслик лозим. Акс ҳолда ёш ниҳоллар фузариоз ҳамда бошқа касалликларга тезроқ чалинади. Шолипоя марззалири, зовурлар ва ариқ бўйларидаги ёввойи ўтларни ўриб ташлаш, пайкалларнинг узоқ вақт куриб қолишига июнь-июль-август ойларида йўл қўймаслик лозим. Бундай ҳоллар экинларни тупланиш, рўвак чиқариш даврида, гербицидлар билан ишлаш пайтида рўй беради, чунки узоқ вақт ернинг сувсиз, куруқ турини пирикуляриоз ва фузариоз касалликларининг интенсив ривожланишига олиб келади.

Кимёвий кураш. Пирикуляриоз билан касалланган майдонлар фунгицидлар билан кўйидаги меъёрларда ишлов берилади:

Фоликур БТ 25% эмульсияланувчи концентратини гектарига 1 л ёки Топсин-М 70% намланувчи кукунидан 1,0-1,2 кг 400 литр сувга кўшиб ишчи эритмаси тайёрланади. Авиация ёрдамида пуркалганда гектарига 200 л эритма, дала аппарати билан сепилганда гектарига 400 л ишчи эритма сарфланади. Бунда дастлабки ишлов бериш рўвак чиқариш олдидан, иккинчиси гуллаш даврида, учинчиси эса шундан кейин 10 кун ўтгач, айни касаллик интенсив ривожлана бошлаган пайтда ўтказилади. Шолига гуллаш чоғида ишлов бериш куннинг иккинчи ярминда ўтказилади.

Шолини ўриб-йигиб олиш. Шолининг сут пишиқлик даври бошланиши билан полларга кирадиган сувни камайтириш лозим. Мум пишиш даври бошланганда эса комбайнларнинг яхши юришини таъминлаш мақсадида сув бериш тўхтатилади. Шоли ётиб қолишининг олдини олиш мақсадида поллардаги сув сатҳи аста-секинлик билан камайтириб борилади.

Шолини механизмлар ёрдамида ўриб йигишириб олишни икки усулда, яъни олдин жаткалар билан ўриб, кейин комбайнлар билан янчилади ва алоҳида йигиширилади. Тўғридан-тўғри йигиширишда юқори унум билан ишлайдиган КЕЙС, КЛААС, ДОН, ДЖОН-ДИР фирмаларининг комбайнларидан фойдаланилади.

Тўғридан-тўғри йигишириб олишда доннинг намлик даражаси 18-20% бўлиб, уни 15% намлик меъёргача қуритиш талаб этилади.

**Масъуджон САТТАРОВ, қ.х.ф.н., к.и.х.,
Мухаммаджон ЭРГАШЕВ, қ.х.ф.н., к.и.х.,
Шоличилик илмий-тадқиқот институти олимлари.**

БОҒНИ БОҚСАНГ БОЛ БЕРАР

Бу йил боғбон-соҳибкорларимиз учун жуда мураккаб келди.

Шундай бўлса-да, эрта баҳорда жуда катта майдонларда янги боғлар ва токзорлар барпо этилди. Баҳордаги ёмғирлар янги экилган ниҳолларнинг кўкариб кетишига имкон яратган бўлса, уларнинг яхши ўсиб ривожланиши учун янги кўчатлар қатор ораларини юмшатиб, туп атрофларини бегона ўтлардан тозалаб, юмшатиш керак. Июнь ойида янги экилган боғ ва токзорлар ҳаво ҳарорати ва тупроқ намлигига қараб икки-уч марта сугорилади. Ҳар сугоришдан кейин эгатлар ва дараҳт атрофидаги тупроқ юмшатилади.

Ёш боғ ва токзорларда тупроқдаги намни сақлаш ва бегона ўтларни йўқотиша мақсадида 10-12 см. чукурликда культивация қилинади ва туп оралари юмшатилади, ўсиб чиқсан бачки новдалари кесисиб олиб ташланади.

Интенсив боғлар майдони йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Янги экилган кўчатларнинг яхши ўсиб ривожланиши учун июнь ойида тез-тез томчилатиб сугориш билан бирга кўчат атрофига иккинчи марта 100-120 г. дан азотли ўйт солиш тавсия этилади.

Хосилли боғларда қатор ораларини сугориш учун бир-биридан 70-80 см. оралиқда 4-5 та 22-24 см. чукурликда ариклар олинниб, бир-бир ярим кун давомида тупроқ яхши захлагунча сугорилади.

Оғир соз, бўз тупроқларда битта сугориш меъёри гектарига 700-800 м³, тошлок, шағалли тупроқларда 400-500 м³ ни ташкил қиласди.

Хосилли боғларда олма, нок, олхўри курти ва нок шира бургасига қарши июнь ойи бошларида 10-15 кун оралатиб боғларга кимёвий ишловлар берилади. Ушбу тадбир хосилли боғларда меваҳўр куртакларнинг 2-наслига қарши бўлиб, олмалар гуллаб бўлгандан сўнг 40-45 кун ўтгач бажарилади. Ушбу муддатларда хосилли олма, нок, олхўри боғларда қўйидаги препаратлардан бирни кўлланилади: Карбофос (100 л. сувга 200-300 г. ҳисобидан), Циперфос 100 г. ёки Децис, Каратэ, Толетар, Циракс 30-40 г., Фуфанон 100 г. ҳисобидан, олма куртига қарши Вектра 30 г., Сапроль ва Топсин 100 г. ҳисобидан пуркалса яхши самара беради.

Эртапишар олма навларига кимёвий препаратлар билан ишлов берилмайди.

Июнь ойи бошларида ёғингарчилик бўлса, шафттоли ва олхўри дараҳтларини клястероспориоз, барг бужмалоқлиги ва ун-шудринг каби замбурурги касалларига қарши бордо суюқлигининг 1% лиги ёки намланувчи олтингугурт билан такрор пуркаса бўлади.

Дараҳтларга кимёвий препаратларни кўллаш билан бир қаторда дараҳтлар атрофини юмшатиш, уругли мева дараҳтларининг тана ва она шоҳларига тутқич белбоғлар боғлаб, бир ҳафта-үн кун ичидаги тушган куртларни йўқотиши, тушган меваларни териб олиниб, ҳалқимиз дастурхонига етказиб берилиши билан бирга қайта ишлаш корхоналарига ҳамда маълум миқдори экспорт қилина бошланди.

Резавор мевалилар ичидаги кулупнай меваси эрта етилиб май ойи ичидаги мевалари териб олинди. Навбат тезлик билан кулупнайзорни қатор ораси культивация қилинниб, туп атрофлари бегона ўтлардан тозаланади.

Кулупнайзорга 90-120 кг. ҳисобида азотли, 60-90 кг. ҳисобида фосфорли ўйт солиб сугорилади. Ушбу тадбирдан сўнг қулупнай ёнларидан ўсиб ривожланаётган ипсизмон ўсимталарнинг ўсиши тезлашади.

Ушбу тадбирдан сўнг қулупнай ёнларидан ўсиб ривожланаётган ипсизмон ўсимталарнинг ўсиши тезлашади.



Ушбу ипсизмон ўсимталар ерга қадалиб кўпайтирилади ҳамда июль ойининг бошидан кўчатлар қазиб олинниб, янги майдонларга экиласди.

Июнь ойининг бошидан янги кулупнайзор барпо этиш учун қулупнай кўчати экиласидаги майдонларни тайёр-



лаш ишларини олиб бориш керак. Бунда танлаб олинган майдонга 30-40 тонна маҳаллий ўйт солиниб, тупроқ 30-40 см. чукурликда ҳайдалиб, чизель қилиниб текисланади, сўнг кўчат экиш учун ариклар олинади. Арикларнинг кенглиги 70 см., шағалли ерларда 60 см. қилиб олинса ҳам бўлади.

Токзорларда ток туплари қалинлашиб кетишига йўл кўймаслик керак. Бу йил токзорларда ғўра хомтогини ўтказиш анча олдин бошланади. Шунинг учун новдаларни яхшилаб кун тушадиган қилиб боғлаш зарур.

Токзорларда ток қаторидан 50-60 см. қочириб иккита сугориш ариғи олинади ва 24-30 соат давомида яхшилаб сугорилади.

Токзорларда оидиум, антракноз касалларига ривожлана бошласа, уларга қарши 8-10 кун оралатиб иккি марта олтингугурт (1 гектар токзорга 25-30 кг. сарфи билан) чанглатиб чиқиш зарур. Олтингугуртга 10 кг. оҳак кукуни қўшилса, ўтказилаётган тадбиримизнинг самардорлиги ошади. Кичик майдондаги ток тупларини даволашда олтингугуртни кўллаш имкони бўлмаса Вектра, Топаз, Тиль (10 л. сувга 3-5 г.) ёки Топсин (10 г.) препаратини кўлласа бўлади.

Шуни таъкидлаш керакки, токзорларимизда хомток ишлари ўз вақтида ва сифатли олиб борилса, касалларининг ривожи сусайди ва унинг ҳисобига кимёвий ишлар сони камаяди, самара раси эса ошади.

Юқорида қайд этилган агротехник тадбирлар ўз вақтида ва юқори даражада олиб борилса, боғ-токзорлардан мўл, сифатли мева-узум маҳсулоти олишга эришилади.

Ҳилола АБДУЛЛАЕВА,

қ.х.ф.ф.д.(PhD),

Ахмаджон ҚОСИМОВ,

қ.х.ф.ф.д.(PhD),

Абдурахмон ПАРДАБОЕВ,

кичик илмий ходим,

Дилфузা АЙТБАЕВА,

кичик илмий ходим,

Академик М.Мирзаев номидаги

БУЕВАТИ.

ТАКРОРИЙ ЭКИНЛАР - ҚҰШИМЧА ДАРОМАД МАНБАИ

Республика аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондириш, экспорт салоҳиятини янада ошириш мақсадида худудларнинг тупроқ-иқлим шароити ва сув таъминотидан келиб чиқиб жорий йилда такрорий майдонларга жами 872,8 минг га, шундан 111,6 минг га сабзавот, 32,8 минг га картошка, 39,3 минг га полиз, 58,3 минг га мойли, 295,9 минг га дуккакли, 62,7 минг га шоли, 42,1 минг га тарик, 7,6 минг га супурги ва 222,6 минг га озуқа экинлари экилиши белгиланган.

Ушбу майдонлардан жами 10,5 млн тонна, жумладан 2,2 млн тонна сабзавот, 474,4 минг тонна картошка, 734,8 минг тонна полиз, 114,3 минг тонна мойли, 442,8 минг тонна дуккакли, 260,5 минг тонна шоли, 73,9 минг тонна тарик, 57,9 минг тонна супурги ва 6,2 млн тонна озуқабоп маҳсулотлар етиширилиши прогноз қилинмоқда.

Сабзавотчиликда такрорий экин экиш ва ҳосил етиширишнинг ўзига ҳос хусусиятлари мавжуд бўлиб, такрорий муддатда асосан оқ бош карам, гул карам, турп, шолғом, ош лавлаги, редис, бодринг, турли кўкат сабзавотлар, редис билан биргалиқда эртапишар помидор, ширин қалампир, тарвуз каби экинлардан мўл ҳосил етишириш имконияти мавжуд.

Ушбу тадбирларни сифатли амалга ошириш учун соҳа олимлари томонидан илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқилди.

Қуйида соҳибкорларга уларни баён этамиз.

Ширин қалампир. Бу ўсимлик бўз, ўтлоқи ва ўтлоқ-ботқоқ тупроқларда яхши ўсади. Сизот сувлари юза жойлашган, шунингдек, шўрланган тупроқларда яхши ривожланмайди. Алмашлаб экинда карам, бодринг ва пиёз энг яхши ўтмишдош экин ҳисобланади.



Ширин қалампирнинг маҳаллий эртапишар “Наргиза”, “Тонг”, “Жайхун F₁”, ўртапишар “Маржона”, “Заря Востока”, “Дар Ташкента”, кечпишар “Зумрад” чет элнинг “Долфин”, “Фламинго”, “Денвер”, нав ва дурагайларини экиш тавсия этилади.

Тайёр ширин қалампир кўчатларини узунлиги ўртача 16-18 см ва улардаги барвлари сони 5-6 тадан бўлган даврида очик майдонларга экилади.

Ёзги муддатда жанубий вилоятларда: 1-10 август; марказий вилоятларда: 1-10 июлда экиш тавсия этилади. Кўчатларни 70x30 см ёки 70x40/2 см схемада, ер ости сувлар яқин бўлган ерларда 90x25 см схемада экилади.

Оқбош карам. Ушбу экин органик моддаларга бой, салқин, сув сифими яхши ўйтланган қорамтири ўтлоқи ерларда яхши ўсади. Енгил бўз ва қумлоқ ерларга экилган карам яхши ривожланмайди. Шўрланган ва ботқоқланган ерлар карам экишга тўғри келмайди. Алмашлаб экинда кечки карамни эртаги картошка, сабзи, бодринг, ош лавлагидан бўшаган ерларга такрорий экин сифатида ва ғалладан кейин экиш мумкин.

Оқбош карамни маҳаллий “Тошкент 10”, “Судья Ўзбекистон”, “Термиз 2500” навларини экиш тавсия этилади.

Экиладиган уруғ 3-5 фоизлик ош тузи эритмасига 1 соат давомида солиб кўйилади. Эритма остига чўккан уруғларни тоза сув билан 2-3 маротаба юшиб, сўнгра уларни ёйиб куритилади.

Ҳар 1 га очик майдонга экиш учун етарлик микдорда карам кўчати тайёрлашга 350-400 г ҳисобида уруғ сарфланади.

Ҳар 10 л сувга 13-15 г азотли; 18-25 г фосфорли ва 15-20 г калий ўғитлари солиниб эритилади ва ҳар 3-3,5 м² майдондаги кўчатларни озиқлантириш учун сарфланади.

Карам кўчатларини сўнгги озиқлантириш очик майдонга экишдан 15-18 кун олдин амалга оширилади. Бунда 10 л сувга маданий ўғитлар микдори икки марта кўпроқ солинади.

Экишга тайёр бўлган карам кўчатларининг ёши 40-45 кунлик ва узунлиги ўртача 14-16 см, барвлар сони 6-7 тадан бўлганда очик майдонга экилади.

Кечки карам навларининг кўчати жанубий вилоятларда 1-15 август; марказий вилоятларда 15 июнь - 10 июль; шимолий вилоятларда 25 май-5 июнда экилади. Далага экиш пайтида кўчатларда 6-7 та барг бўлиши керак. Ўртаги-кечки карам кўчати 70x40 см ёки 90x40 см схемада экилади.

Гулкарар. Гул карам органик моддаларга бой, салқин, сув сифими яхши

ўйтланган қорамтири ўтлоқи ерларда яхши ўсади. Енгил бўз ва қумлоқ ерларга экилган карам суст ривожланади. Алмашлаб экинда картошка, бодринг, полиз экинлари ва дон-дуккакли ўсимликлар гул карам учун яхши ўтмишдош экин ҳисобланади. Гул карамдан олдин пиёз, кўк нўхат ва сабзиларни экилса самарали натижага эришиш мумкин. Гул карамни эртаги картошка, сабзи, бодринг, ош лавлагидан бўшаган ерларга такрорий экин сифатида экиш мумкин.



“Отечественная”, “Скайвокер F₁”, “Фарго F₁”, “Кашмер F₁”, “Барселона F₁”, “Меган F₁”, “Вайт Иксель F₁”, “Юкон F₁” нав ва дурагайлари экишга тавсия этилади.

Такрорий муддатда экиш учун иситилмайдиган ва очик майдонларда етиширилади. Ҳар 1 га очик майдонга экиш учун етарли микдорда гул карам кўчати тайёрлашга 300-350 г ҳисобида уруғ сарфланади.

Кўчатхонада майсалар чиққандан сўнг орадан 15-18 кун ўтгач, яъни майсаларни ер устки қисми 5-7 см гача ўсиб, уларда 1-2 тадан чин барг пайдо бўлгач уларни сифатли ва бақуват бўлиб етилиши учун бошқа жойга озиқа майдонларини (4x5 ёки 5x5 см) кенгайтириб, кўчириб экилади. Улар тўлиқ тутиб олгач, орадан 10-12 кун ўтгач майсалар биринчи марта озиқлантирилади.

Гул карам кўчатлари иккичи марта очик майдонга экишдан 15-18 кун олдин озиқлантирилади. Бунда 10 литр сувга маданий ўғитлар микдори икки ҳисса кўпроқ солиниб амалга оширилади. Тайёр бўлган гул карам кўчатларининг ёши 60 кунлик ва узунлиги ўртача 14-16 см ва барвлар сони 6-7 тадан бўлганда очик майдонга экилади.

Такрорий муддатда кўчат жанубий вилоятларда 1-5 август; марказий вилоятларда 20-30 июл; шимолий вилоятларда 1-10 июлда экилади. Далага экиш пайтида кўчатларда 6-7 та барг бўлиши керак. Кечки гул карам 70x30-40 см схемада экилади.

Сабзи. Бу сабзавот илдизмевалари органик моддаларга бой ўтлоқ тупроклар,

ўғитланган қумоқ, енгил соз бўз тупроқли ерларда яхши ўсади. Ботқоқ ва шўр ерлар бегона илдизмевали ўсимликларга тўғри келмайди. Алмашлаб экишда сабзи ўсув даврининг дастлабки пайтарида жуда секин ўсади ва бегона ўтлар босиб кетади. Шу сабабли уларни бегона ўтлардан тозалайдиган картошка, бодринг, карам, помидор экинларидан кейин экиш тавсия қилинади.

Сабзини маҳаллий ёртапишар “Мушак-95”, ёртапишар “Мирзои сариқ-304”, “Мирзои қизил -228”, Зийнатли ва чет мамлакатларни “Нантская-4”, “Шантане-2461”.

Ёзги муддатда жанубий вилоятларида 1-15 август марказий вилоятларда 10 июндан 10 июлгача; шимолий вилоятларда 10-20 июнгача СКОН-4,2, СММ-4 маркали сеялкалар билан ёки қўл кучи ёрдамида 1,5-2 см чукурликка 52x8, 62x8 см схемада сепилади. Уруғ сарфи гектарига 5-6 кг.

Сабзини парваришлаш жараёнидаги энг муҳим вазифа уруғни бир текис ундириб олишдир. Сабзи ниҳоллари тупроқ намли етарли бўлганда 5-7 кунда кўринади ва 10 кунда униб чиқади.

Сабзи униб чиқиши билан дарҳол бегона ўтларни ўташга ва яганалашга киришиш керак. Сабзи 2 марта ўталади. Дастлабки ўташ сабзи битта чинбарг чиқаргандан, кейингиси эса 3-4 барг чиқаргандан ўтказилади. Ҳар ўтоқ давомида ягана ҳам қилиб борилади.

Бегона ўтларни йўқотиш учун гербицидлардан фойдаланилади.

Бодринг. Бу экинни экиш учун унумдор, органик моддаларга бой, намсифими юқори, сизот сувлари юза жойлашган ерлар танланади. Уларга енгил, юмшоқ тупроқлар ниҳоятда мос келади. Шўрланган ерларда бодринг қоникали даражада ўса олмайди. Алмашлаб экишда картошка, карам, сабзи, лавлаги энг яхши экин ҳисобланади.

Бодрингнинг маҳаллий “Ранний-645”, “Ўзбекистон-740”, “Зилол”, “Наврўз”, “Иффор”, “Шабнам” навлари ва чет мамлакатларни F₁ дурагайларидан “Алиби”, “Аякс”, “Регал”, “Суперина”, “Амур”, “Зена” навларини экиш тавсия этилади.

Бодринг уруғи экишдан олдин уруғ бир сутка давомида алмаштириб туриладиган сувда ивтилиади ва ўзи тўкиладиган ҳолатгача куритилади.

Экиш муддатлари ва экиш схемаси. Кечки бодринг 15-30 июнда экилади. Очик майдонда СБУ-2,4А сеялкада 70x30 ва 90x20 см схемада 4-5 см чукурликка экилади. Уруғ сарфи гектарига 4-5 кг.

Униб чиқиб ниҳоллар уруғ палла баргчалари ҳосил қилгандан кейин биринчи, битта чинбарг даврига киргандан кейин эса иккинчи марта ягана қилинади.

Полиз экинлари – қовун ва тарвуз. Полиз экинларига қовун, тарвуз ва қовоқ ўсимликлари киради. Полиз экинлари енгил қумоқ тупроқли бўз янги ўзлаштирилган ерларда яхши ўсиб, юқори сифатли ҳосил беради ва фузариоз сўлиш касаллигига кам чалинади. Ўтлоқи ерлар қовун экининг тўғри келмайди.

Қовун навлари: “Кўк тинни”, “Навоткалла”, “Хандалак кўкча 14”, “Маҳаллий сариқ хандалак”, “Роҳат”, “Тошлиқи 862”, “Гурлан”, “Олтин водий”, “Оқ уруғ”, “Шакар палак 554”, “Умир воқи 3748”.

Тарвуз навлари. “Ширин”, “Ўринбой”, “Хайит қора”, “Мрамор 2159” ва хориж мамлакатларнинг “Кримстар” ва “Кримсон Свит F₁” дурагайлари районлаштирилган.



Қовун ва тарвузнинг ўртаги навларининг 30-35 кунлик кўчатларини 10 июлгача экиш лозим.

Полизчилиқда ерни экишга тайёрлаш кейинги барча технологик чора-тадбирларни яхши наф беришини таъминловчи муҳим шартдир. Тупроқ 35 см чукурликкача шудгор қилинади. Ерни ҳайдаш олдидан минерал ва органик ўйтлар солинади.

Шудгорланган дала қатор оралари 210-280 см ли кенг эгат олиниб, қовун $\frac{210+90}{2} \times 70$ см ва тарвуз $\frac{210+90}{2} \times 70$ см схемада экилади. Майда уруғли қовун ва тарвузларни экиш учун гектарига 4 кг, йирик уруғли тарвузларни экиш учун 5-6 кг уруғ сарфланади.

Полиз экинларини парваришлаш ўсимликларни яганалаш, тупроқни юмшатиш, экинни озиқлантириш, чопиқ қилиш, сугориш, палакларни тўғрилаш, бегона ўтлар ва зааркунданаларга қарши курашишни ўз ичига олади.

Картошка. Ўзбекистон шароитида картошка учун энг яхши ерлар бу намлик ва органик моддалар билан тўлиқ таъминланган атрофизик хусусиятлари яхши бўлган тоғли ҳудудлар, тоғ олди ва қўйи дарё

бўйидаги гидроморф тупроқлар хисобланади. Картошка оч, енгил ўрта қумоқли соз тупроқларда ҳам яхши ҳосил беради.

Картошканинг кўпроқ экилиб келинаётган навлари қуйидалар: чет мамлакатларнинг “Аризона”, “Эволюшн”, “Розаголд”, “Розара”, “Фреско”, “Кондор”, “Марфона”, “Романо”, “Курода”, “Санте”, “Арнова”, “Диамант”, “Пикассо” ва бошқалар ҳамда маҳаллий “Тўйимли”, “Умид-2”, “Пском”, “Сарнав”, “Барака”, “Феруза”.

Картошкани тақрорий экин сифатида жанубий вилоятларда: тезпишар навлар 10-20 июль; ёртапишар навлар 5-20 июль; кечпишар навлар 20-30 июнь. Марказий вилоятларда: тезпишар навлар 10-20 июль; ёртапишар навлар 10-30 июнь; кечпишар навлар 10-20 июнь. Шимолий вилоятларда: тезпишар навлар 20-30 июнь; ёртапишар навлар 15-25 июнь; кечпишар навлар 5-10 июнда экилади.

Майдонлар ниҳоллар тўлиқ униб чиққунча об-ҳаво ва ер шароитига кўра 1-2 марта сугорилади. Сугориш натижасида бегона ўтлар ҳам жадал ўсиб чиқа бошлайди. Уларни йўқотиш мақсадида сугоришдан 4-6 кун ўтгач, қатор оралари ва эгатларнинг устки қисмига тўрсимон бороналар ёки ротацион борона билан ялписига ишлов бериш катта аҳамиятга эга бўлган муҳим тадбир ҳисобланади. Улар ердан тўлиқ униб чиққандан кейин 10-15 кун ўтгач, ўсимликларга биринчи комплекс ишлов берилади. қатор оралари 15-16 см чукурликда, 10-12 см ҳимоя масофаси қолдирилиб юмшатилади.

Кечки картошка ёзда кун айни исиган вақтда экилади. Картошкани экишдан олдин ёки экилиши билан дала албатта сугорилиши зарур. Экиннинг ўсув даври ҳам ҳавонинг айни куруқ ва тупроқнинг ҳаддан ташқари қизиган пайтида бошланади. Туганаклаш даври кузга тўғри келади, бу вақтда ҳаво ва тупроқ ҳарорати анча пасайиб, ўсув даврининг охирига келгандага ёғин - сочин туша бошлайди. Шунинг учун кечки картошка экилиб майсалар кўриниши биланоқ сугорилиши керак. Кечки картошка ўсув даврида 8-10 кун оралатиб бир меъёра сугорилади.

Фахриддин ҚИРҒИЗБОЕВ,
Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги
бошқарма бошлиғи,

Акмал МИРЗАЕВ,
Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги
бўлим бошлиғи,

Рустам НИЗОМОВ, қ.х.ф.д.,
Фахриддин РАСУЛОВ, қ.х.ф.ф.д.,
Сабзавот, полиз экинлари ва
картошкачилик ИТИ.

ҚОВУН ПАШШАСИ – ҲОСИЛ КУШАНДАСИ

Полиз экинлари маҳсулотларининг инсон ҳар куни истеъмол сабабли етиштирилаётган маҳсулотнинг ҳажмини 4-5 маротаба қўтариш талаб этилмоқда. Мавжуд муаммони тезда бартараф этиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининиг 2019 йил 12 февралдаги «Хоразм вилоятида қовун етиштириш ҳажмларини янада кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги карорида белгиланган чора-тадбирлар қовунчилик соҳасини ривожлантиришда асосий давлат хужжати ҳисобланади.

Қарорда янги инновацион технология ҳисобланган очик майдонларда ва иссиқхоналарда қовун маҳсулотларини етиштириш ва бугунги кундаги асосий муаммо ҳисобланган полиз экинлари ҳосилини кескин камайтирадиган «қовун пашшаси» заараркунандасини аниқлаш, унга қарши курашиб ҳамда қовун экилган майдонларда фитосанитар тозаликни таъминлаш чора-тадбирларини олиб бориш кўзда тутилган.

Жорий йилнинг баҳор мавсумидан бошлаб, ҳаво ҳароратининг кескин кўтарилиши кузатилмоқда. Бу эса, заараркунанданинг қишлоғига кетган ғумбакларидан вояга етганларининг май ойининг охирги ўн кунлигидан ва июнь ойининг биринчи ўн кунлигидан бошлаб қишлоғдан чиқиши тадқиқотларидан маълум бўлмоқда. Фермер ва дехқонларимизнинг апрель ойидан бошлаб экилган қовун ниҳоллари бу даврга келиб, гуллаб, мева ҳосил қилиши кутилади.

Тадқиқотларимиздан маълум бўлдики, битта оналик қовун пашша умири давомида қулай шароитда 60-110 дона гача тухум кўйиш имкониятига эга. Худудимиз шароитига мос равишида қовун ўсимлиги гектарига 8-10 минг туп жойлаштирилади. Демак, гектаридан 16 минг дона мева олиш имконияти мавжуд. Кўриниб турганидек, қовун далаларида 2-3 дона оналик заараркунанда бўлса, ўртacha 300 дона мевани зааррлайди. Шу тариқа заараркунанда сони кўпайган сари зааррланиш ҳажми ҳам ортиб кетади.

Тадқиқотларимизда қовун пашшасининг қишлоғдан чиқиш мuddати бўлган июнь ойининг охирги кунларигача дастлабки авлодлари чиқади. Бундан кўриниб турибдики, заараркунанданинг вояга етганларига қарши кимёвий препаратларни ишлатиша шу хусусиятларини эътиборга олиш талаб этилади. Шунингдек, қовун пашшасининг етук зотлари қовун ўсимлигининг гуллаш фазасида кўпроқ тўпланиши ҳисобга олиб, қарши курашиб тадбирларини олиб бориш тақозо этилади.

Заараркунанданинг дастлабки чиқкан авлодлари гуллаб турган қовун далаларида тўпланиб, қовун мевалари 5-10 см катталиқда бўлгандан бошлаб тухумларини кўяди. Тухумдан чиқкан куртлари мева ичида тўлиқ озиқланиб, меваларни тешиб чиқиб, тупроқда ғумбаклик фазасини ўтайди. Шу тариқа, заараркунанда ҳудуд шароитида 3-4 авлод беради.

Қовун пашшасига қарши курашиб тадбирларини самарали ташкиллаштириш учун қуйидаги тадбирларни бажариш талаб этилади. Етук зотлари меваларга тухум қўйишининг олдини олишда маҳсус ҳимояловчи воситаларни кўллаш. Ҳимояловчи воситаларни қовуннинг ҳар хил навларига кўллаш имконияти мавжуд бўлиб, бунда мевалар 8-10 см ҳажмдалигидан бошлаб, жойлаштирилиб борилади. Ишлаб чиқилган ҳимояловчи воситаларни гектарига ўртacha 2000-3000 атрофида кўлланилса, вегетация даври давомида қовун далаларида ортиқча кимёвий



препаратларни ишлатишнинг кераги бўлмайди. Натижада, бундай тадбирларни олиб бориш орқали экологик тоза маҳсулот етиштириш имконияти юкори бўлади.

Заараркунанданинг етук зоти назоратда бўлиб, далада пайдо бўлиши билан кимёвий препаратларни ишлатиш тавсия этилади. Бунда гектарига 2,5% децис препаратини 0,4-0,7 литр микдорида ва фуфанон препаратини 0,4-1,0 литр миқдорда ОВХ-28 агрегатида 200-300 литр сувга эритилиб, эрталабки соат 5-8 оралиғида ишлатилади. Томорқа шароитида етиштирилаётган полиз экинларига кўлда олиб юриладиган моторли туркагич ёрдамида ишлов берилади. Натижада, вақтида ва меъёрида ишлатилган далаларда 95-98% биологик самарадорликка эришилади.

Заараркунанда етук зотига қарши фақат эрталабки соат 5-8 оралиғида, қовуннинг барглари ва палаклар устига чиқиб, ҳаракатсиз бўлган даврида кимёвий препаратларни ишлатиш тавсия этилади. Бошқа пайтлари пашша ҳаракатчан бўлиб, препаратлар ишлатилган даладан ташқарига чиқиб кетади, таъсири камайиши билан келиб, тухум кўйишини давом этириади.

Қовун пашшаси етук зотлари ривожланиш динамикасининг ортишида ва тарқалишида қишлоқ ҳўжалиги экинлари орасида ўсиб, ривожланадиган ёввойи қовунлар асосий объекти ҳисобланади. Шу сабабли, вегетация даври давомида далаларни бегона ўтлардан тозалаш катта аҳамиятга эга тадбирлардан ҳисобланади. Ҳосил йигиб олингандан кейин далаларни 30-35 см чуқурлиқда кузги шудгор ва кузги сугориш орқали қишлоғига кетган ғумбакларини 63,0-92,0% йўқ қиладиган усулни кўллаш талаб этилади. Полизф экинлари далаларида ва бошқа жойларда ёввойи қовун ўсишига йўл қўймаслик керак. Сабаби, улар заараркунанда қишлиб чиқадиган асосий омил ҳисобланади.

Шу боис, тавсия этилган тадбирлар мазкур шароитда ташкиллаштирилган далаларда қовун пашшаси сони камайиб, ҳосил ҳимоя қилиб қолинади. Тадбирни ҳар бир фермер ва дехқон ҳўжаликлари жорий этиш имконига эга бўлиб, натижада ҳудуд шароитида заараркунанда ривожланишининг олди олинади.

**Елмурат ТОРЕНИЯЗОВ,
Рысназар ЮСУПОВ,
Куралбай ШАМУРАТОВ,**

Тошкент давлат аграр университети Нукус филиали.

ОРОЛБҮЙИ МИНТАҚАСИ ВА ЭКОЛОГИЯ



Дарҳақиқат, иқлим ўзгариши нухоятда катта фожиаларга сабаб бўлади. Сайёрада ҳаво ҳароратининг ҳар йили ортиб бориши, улкан музликларнинг эриб, ичимлик сувининг камайиб кетиши, атмосферада парник газлари ҳаддан ташқари кўп миқдорда тўпланиши, кўплаб мамлакатларда курфокчилик юз бериши, ҳашаротлар хужуми, ўрмонларнинг ёниб кетиши, озиқ-овқат тақчиллиги, кислород танқислиги, камбағаллик ва бошқа юкумли касалликларнинг ортиши, кутилмаган турли табиий оғатларни юзага келишига олиб келмоқда. Албатта, бундан нафақат одамлар азият чекяпти, ҳайвоноту набототга ҳам жиддий ҳавф туғдирмоқда. Иқлим ўзгариши, шубҳасиз, заминимизни одамзод тасаввур қила олмайдиган кўплаб фалокатлар майдонига айлантиряпти.

Ўз-ўзидан табиий савол туғилади: экологик ўзгаришига ким ёки нима сабаб?

Жавоб аниқ: курраи заминдаги барча иқлим ва экологик ўзгаришлар, ҳалокатларга – инсон сабабчи. Чунки одамзотнинг онгли равишда табиатга салбий ёндашуви ва зарари ҳосиласидир. Статистик маълумотларга кўра, бир кунда дунёда 9 миллиард литр нефть ёқилади. Бунинг натижасида ҳаводаги CO_2 нинг миқдори йилига 30 фоизга ортиб бормоқда. Ёки иссиқхона газларининг атмосферага чиқиши ҳам иқлим исишига сабаб бўлувчи омил ҳисобланади. Шу

билан бирга ўрмон ёнғинлари ҳам иқлимга салбий таъсир кўрсатмай қолмайди.

Орол денгизининг қуриши нафақат Ўзбекистон табиатига, мазкур минтақада яшовчи кишиларнинг саломатлиги, ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсига, мамлакатлар иқтисодиётига ҳам катта путур етказди. Эндиликда бу талафотнинг салбий оқибатларини бартараф этишга қаратилган катта давлат дастурлари, хорижий ҳамкорлик лойиҳалари бир неча йиллардан бери амалга оширилмоқда. Оролбўйи муаммоларини ҳал этиш – мамлакатимизнинг давлат сиёсати даражасига

Айни дамда олиму зиёлилар коронавирус пандемиясидан ҳам жиддийроқ бир муаммони ҳал этиш устида бош котирмоқдалар. У ҳам бўлса – Ер сайдерининг экологик инқизози. Яқинда БМТ Бош котиби Антониу Гуттериши 22 май – Халқаро биохилма-хиллик куни муносабати билан сўзлаган нутқида “кўз ўнгимизда бутун бошли экотизимлар йўқ бўлиб бормоқда, наботот ва ҳайвонот олами йўқ бўлиш ёқасида турибди, сув-боткоқлик майдонлари куримоқда, чўл худудлари эса тобора кенгаймоқда. Ҳар йил 10 млн. гектар ўрмон йўқотилмоқда, океанлар пластик чиқиндига тўлиб-тошмоқда ва инсоният атроф-муҳитга чиқараётган карбонат ангидридни тобора кўпроқ ютиши оқибатида оксидланмоқда. Шу билан бирга, табиатни муҳофаза қилишга уни йўқ қилаётган соҳаларга қараганда камрок пул сарфланмоқда”, – деди. Унинг таъкидлашича, табиат – ҳаёт манбаи бўлиб, у инсониятни нафақат зарур ресурслар билан таъминлайди, балки кўпилаб муаммоларни ҳал қилишда ёрдам беради.

кўтарилиган. Ўтган йили Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси Сенатида янги қўмита – Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари қўмитаси ташкил этилди. Ушбу қўмитанинг асосий мақсади Оролбўйи минтақасини ривожлантириша парламент иштироқи ва назоратини куҷатиришdir.

Президентимиз Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалаларига оид қатор ташаббусларни илгари сурди. Оролбўйи минтақаси аҳолисининг турмуш шароитлари ва сифатини яхшилашга йўналтирилган 2017–2021 йилларда Оролбўйи минтақасини ривожлантириш Давлат дастури тасдиқланди. БМТ-нинг Оролбўйи ҳудуди учун инсон ҳавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик Траст фонди тузилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти хузурида Оролбўйи ҳалқаро инновация маркази ташкил этилди. Ўтган йили 23 сентябр куни бўлиб ўтган БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги маърузасида Президентимиз Ш.Мирзиёев глобал иқлим

уюзгариши ва Орол муаммосига тўхтади. Орол денгизининг қуриган тубидаги “яшил қопламалар”нинг умумий майдони 2,0 миллион гектарга етганлиги ҳамда жами 800 миллион долларлик 67 та катта лойиҳа амалга оширилганини айтиб ўтди. БМТ Бош Ассамблеяси томонидан жорий йилнинг 18 май куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Оролбўйини экологик инновация ва технологиялар зonasи, деб эълон қилиш ташаббусининг бир овоздан маъқулланганини хорижий ҳамжамият вакиллари ҳам мумнуният билан қаршиламоқда.



5 июнь – Жаҳон строф-муҳитни муҳофаза қилиш куни

Юртбошимиз томонидан илгари сурилган ташаббус барча вазирлик ва идоралар томонидан кенг қўллаб-кувватланиб, амалиётга татбиқ этилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг 21 май куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари қўмитаси, Туризм ва спорт вазирлиги, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Маданият вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги билан ҳамкорликда Оролбўйи минтақаси учун, Орол фожиасидан жабр кўрган аҳолига амалий ёрдам кўрсатиш учун мадад карвони йўлга чиқди. Жумладан, Орол дengizinинг қуриган майдонларидан кўтарилаётган тузли кўмлар учун “яшил қопламалар” – ҳимоя ўрмонзорларини барпо этишда ўрмончилар ва Мўйноқ тумани аҳолиси томонидан саксовул уруғлари, ундан ташқари қандим, черкез, қорабарақ ҳамда чўлга чидамли бошқа ўсимликлар уруғлари тайёрланди. Оролбўйи худудида ўрмонзорлар барпо этишга кўмаклашиш, шунингдек, долзарб экологик муаммоларни ҳал қилишга кенг жамоатчиликнинг эътиборини қаратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси томонидан Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ туманига уруғлар юборилди.

Ўзбекистон Республикасида ўрмон хўжалиги тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида ҳам чўлланишга қарши курашиш, Орол ва Оролбўйи минтақаси чўлланишининг олдини олиш мақсадида ўрмонзорлар барпо этишга алоҳида аҳамият қаратилган. Шунингдек, Концепцияда белгиланганд муддатларда “чўлланишга қарши курашиш мақсадида ўрмонлаштиришни ривожлантиришни бўйича қўйидагиларни назарда тутувчи давлат дастурлари ишлаб чиқилади:

1) чўл майдонларида, жумладан, Орол дengizinинг қуриган тубида:

тупроқ типлари харитасидан фойдаланган ҳолда ўрмон барпо этиш учун яроқли бўлган майдонлар аниқланади;

тупроқлари турли типдаги майдонларга мос дарахтлардан ҳимоя ўрмонзорларини барпо этиш дастuri ишлаб чиқилади;

2) суғориладиган ва лалмикор ер майдонларида:

эрзияга қарши курашишда ўрмон дарахтзорларини барпо этиш ва агротехник тадбирларни лойиҳалаштириш бўйича йўриқнома ишлаб чиқилади;

манзарали ва мевали дарахтлардан иборат ўрмон плантациялари ташкил этилади;

3) иҳота дарахтзорларини кўпайтириш учун:

мавжуд инфратузилмалар (барпо этилган йўллар, каналлар, суғориш тизимлари) атрофида мос равиша иҳота дарахтзорлари яратиласди;

қишлоқ хўжалиги ерларидағи мавжуд иҳота дарахтзорлари хатловдан ўтказилади ҳамда далалар учун иҳота дарахтзор-

ларининг энг кам меъёри белгиланади;

фойдали қазилмаларни қазиш жараёнида ёки бошқа ҳолатда бузилган ерларни ўрмон экиш йўли билан қайта тиклаш (рекультивация қилиш) ишлари амалга оширилади;

экологик оғир шароитда жойлашган шаҳарлар, аҳоли пунктлари, халқ хўжалиги обьектлари атрофида яшил худудлар барпо этиш режаси ишлаб чиқилади ва амалга оширилади”.

Мазкур Концепциянинг ижроси юзасидан Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси Мўйноқ туманидаги Орол дengizinинг суви қуриган худудларида 2021 йилда 375 минг гектар майдонда “яшил қоплама”лар барпо этиш белгиланган бўлиб, амалда бугунги кунгача жами 458,3 минг гектар, шундан авиация ва техника ёрдамида чўл ўсимликларининг уруғидан 445,7 минг гектар, кўчатидан 12,6

минг гектар майдонда “яшил қопламалар” барпо этиш ва тўлиқлаштириш ишлари амалга оширилди. Ўрмон хўжаликлари ва маҳаллий аҳоли томонидан жами 1511 минг тонна чўл ўсимликларининг уруғлари тайёрланди. Ушбу ўрмон-мелиоратив тадбирларни амалга ошириш учун 700 нафар ишчи-ходим, 600 та техника ва

механизмлар, шундан 4 та АН-2 самолёти ва дельтаплан жалб этилди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Оролбўйида амалга оширилаётган барча саъ-харакатлар Орол дengizini қайтаришга эмас, балки юзага келган экологик инқирознинг салбий оқибатларини камайтиришга, чўлланишга қарши курашиш, мазкур худудда истиқомат қилаётган аҳолига шароитлар яратиш,

қуриган дengizdan кўтарилаётган кўм ва туз кўчиларининг олдини олишга қаратилган. Орол дengizinинг қуриган тубида ўрмонзорлар барпо қилиш орқали намликини сақлаб қолиш, кўм кўчиларининг олдини олиш, экологик вазиятни яхшилаш ва барқарорлаштириш ва бу орқали худудни экологик инновация ва технологиялар зонасига айлантириш – мамлакатимизнинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий жиҳатдан янада тараққи этишига олиб келади.

Ватанинни авайлаб-асраш, унинг табиий ва маънавий бойлигини эъзозлаш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз бўлгани каби курраи замин-Ер сайёрамизни ҳам авайлаб-асрашга, унинг барча бойлигини – табиати, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, мусаффо осмонини ва бошқаларни келгуси авлодларга қолдириш, унда яшаётган ҳар бир халқнинг муқаддас бурчи.

Малика АБДУҲАКИМОВА,

Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси раисининг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириши, даёлат тили тўғрисидаги қонун хужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси.

ЁШЛАРГА ЭЪТИБОР – КЕЛАЖАККА ЭЪТИБОР

Мамлакатимиз мустақиллик-ка эришган илк йилларданоқ, айниқса, янги Ўзбекистонни бунёд этиш даврида ёшлар сиёсатига эътибор кучайиб, ёш авлод камолоти масаласи давлатимиз раҳбарияти дикқат марказида бўлиб келмоқда. Президентимиз томонидан жорий 2021 йилни — Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили деб эълон қилинганини бунга ёрқин мисол бўлади.



Мазкур масала юзасидан ишлаб чиқилган давлат дастури доирасида режалаштирилган ва бугунги кунда амалга ошириётган ишлар кўлами кенг, даражаси юксак.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимида мазкур масалага мутасадди ходимлар белгиланиши ва уларга қишлоқ ёшлари билан олиб бориладиган ишлар бўйича аниқ вазифалар топширилиши бугунги кунда сезиларли ижобий натижаларни бермоқда.

Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги билан келишилган ҳолда вазирлигимиз тизимида 2021 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш юзасидан чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди. Бугунги кунда дастурда белгиланган режалар муваффақиятли амалга ошириб келинмоқда.

Масалан, жорий йилда республикада ёшларга қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун 233,6 минг гектар майдон ажратилиши, мазкур тадбирлар орқали 1,5 млн нафар ёш иш билан таъминланиши режалаштирилган.

Дастлабки уч ойда 55 260 гектар ер майдонлари 191 минг нафар ёшга ажратилиб, 246 443 та янги иш ўрни яратилди. Бу борадаги ишлар мунтазам давом эттирилади, албатта.

Ёшларга ер ажратиш, иш ўринлари яратишда, айниқса, Қорақалпогистон Республикасида, Андижон, Жиззах, Хоразм вилоятлари нисбатан яхши натижаларга эришмоқда.

Айни пайтда республикамида 11 минг нафардан ортиқ, шундан 4 минг нафари хотин-қиз, ёш фермер мавжуд бўлиб, уларга 238 минг гектар ер майдонлари ажратилган.

Вазирлигимиз томонидан ёш фермерлар ва фермерликка қизиқувчи ёшлар билан ишлаш, уларнинг муаммоларини ўрганиш ҳамда фаолиятини янада такомиллаштириш учун аниқ мақсадли чора-тадбирлар амалга ошириб келмоқда.

Масалан, Ёшлар ишлари агентлиги билан ҳамкорлиқда "Agromentor" онлайн лойиҳаси ташкил этилиб, соҳанинг етук мутахассислари ва олимларни жалб этган ҳолда "Паррандачилика Германия тажрибаси", "Пиллачиллик – 1 ойда 1 йиллик стаж ва қўшимча даромад", "Мен экспортни нолдан бошламоқчиман", "Гилоснинг экспорт мавсуми: хорижий харидорларнинг талаблари" мавзуларида онлайн семинарлар ташкил этилди. Ушбу семинарлarda 2 600 дан ортиқ ёш фермер ва фермерликка қизиқувчи ёшлар иштирок этди.

Ёшлар ўртасида янги билимларни ўзлаштириш ва амалиётда кўллаш, замон талабларига мос рақобатбардош мутахассисларни тайёрлаш ҳамда агарар таълим тизими билан

қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш мақсадида Тошкент давлат аграр университети битирувчи курс магистр ва иқтидорли талаба ёшлари иштироқида жорий йил 12 февралдан эътиборан "Ёшлар: билим ва амалиёт" лойиҳасига старт берилди.

Мазкур лойиҳа орқали талаба-ёшларни вазирлик марказий аппарати ва унинг тизим ташкилотларида ўкув-ишлаб чиқариш амалиётини ўташлари, келгусида тайёр мутахассис сифатида аграр соҳа тармоқлари худудий бўлинмаларига ишга тавсия этиш ҳамда қишлоқ хўжалиги тармоқлари учун кадрлар заҳирасини яратиш ишлари самарали ташкил этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматларини ривожлантириш агентлиги билан ҳамкорлиқда республикада биринчилардан бўлиб, 2020 йилнинг сентябрь ойидан бошлаб вакант лавозимларни малакали ва энг муносиб номзодлар билан тўлдириш мақсадида vacancy.agro.uz портали орқали очиқ танлов тизими йўлга қўйилди. Ҳозирча ўтказилган танловларга кўра, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги марказий аппаратига хужжатлар электрон тарзда қабул қилиниб, танлов якуний натижаларига кўра, 32 нафар номзод, шундан, 14 нафари илк маротаба очиқ танловда иштирок этган ёш мутахассис ишга қабул қилинди.

Вазирлигимиз тизимида кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни тизимли равишда ташкил этиш, ўкув жараёнларини замонавий ракамли технологиялардан фойдаланган ҳолда амалиётга татбиқ этиш мақсадида hr.agro.uz электрон масоғавий ўқитиш тизими йўлга қўйилди.

Масоғавий ўкув курслари ходимларини билим ва шахсий сифатларини янада оширишга қаратилган йўналишларда, жумладан, соҳа ходимлари учун мутахассислик курслари, шахсий ривожланиш курслари, ахборот-коммуникация технологияларининг имкониятларидан кенроқ фойдаланиш бўйича IT курслар, хорижий тилларни ўрганиш ва бошқа йўналишлар бўйича ўкув курсларни ўз ичига олади.

Хуллас, мамлакатимизда олиб борилаётган ёшлар сиёсати, давлатимиз раҳбарияти томонидан ёш авлодга кўрсатилаётган эътибор туфайли янги Ўзбекистон ёшлари жаҳоннинг энг ривожланган мамлакатлари ёшлари билан тенгма-тeng беллаша оладиган, рақобатбардош кадр бўлиб этишишларига ҳеч шак-шубҳа йўқ.

Дилмурот ҲУСАИНОВ,
Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ёшлар
бошланғич ташкилоти етакчиси.

ЯНГИЧА ИШЛАШ, СОЛНОМАЛАР

Президентимизнинг 2021 йил 24 февралдаги қарорига асосан мамлакатимизда сув ресурсларини бошқариш ва ирригация секторини ривожлантиришнинг 2021–2023 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида жорий йилнинг 1 январидан 20 майига қадар 48,9 минг гектар майдондан томчилатиб сугориш технологиялари жорий этилди, 100 минг гектардан ортиқ майдонларнинг сув таъминоти яхшиланди, 604 та сув хўжалиги объектларига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ўрнатилди ва шунинг ҳисобига 4,0млрд.м³ сув ресурслари ва 198 млн. кВт. соат электр энергияси тежалиби, 89,0 млрд.сўм маблағ иқтисод қилинишига эришилди.



Марказлаштирилган капитал маблағлар ҳисобидан амалга оширилаётган 133 та ирригация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш лойиҳалари доирасида 224,7 млрд.сўм маблағ ўзлаштирилиб (давр режасига нисбатан 100%), 88,7 км каналлар, 27,9 км поток тармоқлари, 4,9 км босимли кувурлар, 22 та сугориш кудуклари қурилди ва реконструкция қилинди. Натижада 100 минг гектардан ортиқ майдонларнинг сув таъминоти яхшиланди.

Мелиорация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича 84 та лойиҳалар доирасида 122,8 млрд. сўм маблағ (2021 йил 20 май режасига нисбатан 101%) ўзлаштирилиб, 118,9 км коллектор-дренаж тармоқлари ҳамда 3 та кўприкни қуриш ва реконструкция қилиш ишлари амалга оширилди. Натижада 40,0 минг гектар майдоннинг мелиоратив ҳолати яхшиланиб, кучли ва ўртача шўрланган майдонлар 5,4 минг гектарга кисқаришига эришилди.

Бундан ташқари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан Республика бўйича 1 056 км сугориш тармоқлари қуриш, 362 км коллектор тармоқларини таъмирлаш, 952 та сугориш кудукларини қуриш, 197 та насос агрегатларини ўрнатиш ҳамда 1 751 км электр узатиш тармоқлари тортиш ишларини амалга ошириш натижасида жами 108,2 минг гектар ер майдонлари қайта фойдаланишига киритилди.

Хорижий инвестициялар ҳисобидан амалга оширилаётган 8 та лойиҳа доирасида 24,1 млн. АҚШ долларлик хорижий кредитлар ўзлаштирилиб (давр режасига нисбатан 101%), 106 км каналлар ва улардаги 44 дона гидротехника иншоотлари реконструкция қилинди, 33 дона тик сугориш кудуклари буриланди. Натижада лойиҳа худудида 0,57 млрд.сўм эмасполучатация маблағлари иқтисод қилинди, ирригация тизими каналларининг фойдали иш коэффициенти 15 фоизга ошди, 50 млн. м³ сув тежакалди.

Шунингдек, 180,2 минг гектар, шу жумладан, 173,5 минг гектар майдонда томчи-

латиб сугориш (шундан, пахта 143,4 минг га), 6,6 минг гектар майдонда ёмғирлатиб сугориш технологиясини жорий қилиш юзасидан 5 907 дона геомембрана ҳозвузлар тайёрланди, 4 869 комплект насос ва фильтрлар ҳамда марказий кувурлар ўрнатилди. Жойларда қурилиш-монтаж ишларига сув хўжалиги тизим ташкилотидан 6 650 нафар сервис монтаж гуруҳлари ходимлари ва 450 та техника сафарбар қилинди. 48,9 минг гектарда томчилатиб ва 7,5 минг гектарда ёмғирлатиб сугориш технологиялари тўлиқ ишга туширилиб, бу ишлар давом эттириляпти ва йил якунига қадар 230,0 минг гектарга етказилади.

Шу ўринда айтиш жоизки, сув тежовчи технологияларнинг ускуналари (шланг, кувур, фильтр ва насосларни) Республика майдандаги 35 дан ортиқ маҳаллий корхоналарда ишлаб чиқариш йўлга кўйилди. Натижада, маҳаллийлаштириш даражаси 70-80 фоизга оширилиб, маҳсулот таннархи ҳар бир гектарга ўртача 4,0 млн. сўмгача арzonлаштирилди ва 1000 дан ортиқ кўшимча иш ўринлари яратилди.

18 дона насос агрегати ва 26 дона электродвигатель замонавийсига алмаштирилди, насос станцияларига 16 дона энергия тежамкор қурилмалар ўрнатилди.

Эътиборли жиҳати шундаки, 500 та сув хўжалиги обьектига “Ақлли сув” қурилмаси, 27 та насос станциясига сув ва электр энергияси истеъмолини онлайн назорат қилиш қурилмаси, 104 та мелиоратив кузатув кудугига ернинг шўрланиши, минераллашганлик даражасини онлайн назорат қилиш қурилмаси ўрнатилди ҳамда 3 та сув хўжалиги обьекти автоматлаштирилди. 2021 йил якунига қадар 2 750 та “Ақлли сув” қурилмаси, 1 661 та электр энергияси истеъмолини онлайн назорат қилиш қурилмаси, 1 918 та ернинг шўрланиши, минераллашганлик даражасини онлайн назорат қилиш қурилмаси ўрнатилади ва 17 та сув хўжалиги обьекти автоматлаштирилади.

Сув хўжалиги соҳасидаги барча ахборот тизимларини ўзида қамраб олган 5 та

модулдан иборат “Вазиятлар маркази” ахборот тизими яратилиб, синов тариқасида ишга туширилди.

Давлат-хусусий шерикликни жорий этиш бўйича 13 та лойиҳа юзасидан битимлар имзоланди ва реестрга киритилди. Лойиҳалар доирасида 78,9 млрд.сўм инвестиция киритилиши натижасида 93,5 млрд. сўм бюджет маблағлари тежалишига эришилади. Жорий йилнинг якунига қадар умумий киймати 2,36 трлн. сўмни ташкил этган 100 дан ортиқ давлат-хусусий шериклик лойиҳалари амалга оширилади ва 302,0 млрд. сўм бюджет маблағлари иқтисод қилинади.

Соҳага замонавий ахборот технологиялари ҳамда хусусий сектор кириб келишининг самарадорлигини ошириш мақсадида вазирлик марказий аппарати тузилмасида янги жорий этилган вазирликнинг давлат-хусусий шериклик ва рақамли технологияларни ривожлантириш бўйича маслаҳатчиси лавозимига Янги Зеландия давлатидан хорижий тажрибага эга малакали мутахассис (Джон Райт) тайинланди.

Бугунги кунда институт фаолиятида полиэфир, полиэфир олигомер, инициатор, ингибитор ва бошқа маҳаллий хомашшёлар асосидаги композит материаллардан ЛР-60, ЛР-80, ЛР-100 русумли сугориш потокларини ишлаб чиқариш бўйича ва бошқа илмий тадқиқот натижалари ва инновацион ишланмалар амалиётта кенг жорий этилмоқда.

Судан фойдаланиш режасини тузиш ва гидрометрия бўйича 432 нафар сув хўжалиги ходимлари ўқитилди. Сув тежовчи технологияларни жорий этиш бўйича 208 нафар сув хўжалиги ходимларининг малакаси оширилди.

Мухтасар қилиб айтганда, келгусида Стратегияда белгиланган устувор вазифалар ижросини ўз вақтида ва сифатли таъминлашга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар амалга ошириб борилади.

Саулат ТОРЕШОВ,
Сув хўжалиги вазирлиги
бошқарма бошлиги.

ТОМЧИДА АКС ЭТАЁТГАН БАРАКА

Бугун аграр соҳада олиб борилаётган изчил ислоҳотлар юртимиизда дехқончилик маданиятини яхшилаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажмини кўпайтириш, ерларнинг унумдорлигини оширишга хизмат қўлмоқда. Натижада аҳолининг ерга бўлган муносабати тубдан ўзгараёттир. Ҳар бир қарич ердан унумли фойдаланиб, дастурхонимизнинг обод, бозорларимизнинг тўкин бўлишига ҳисса кўшаётганлар кўп.

Самарқанд туманидаги фермерлар ҳам ерни қадрлайдиган, уста миришкор ҳисобланишади. Аҳамиятлиси, бугун тумандаги қай бир фермернинг дасига борманг, бирозгина ернинг ҳам бўш турганини кўрмайсиз. Туман фермерлари нафақат ерни, балки томчи сувни ҳам қадрлайдиганлардан. Маълумки, боғдорчиликда дала майдонларида суғоришни тўғри ташкил қилиш, тўғри ишлов бериш, ўғитлаш каби ишлар юқори ҳосилдорликка эришишнинг муҳим омили саналади. Бу борада боғларни суғоришда инновацион усуллардан фойдаланган ҳолда, ёмғирлатиб суғориш, тупроқ остидан суғориш, томчилатиб суғориш, майда заррали суғориш каби турли усулларни кўллаш мақсадидир. Маълум бўлишича, бундай усуллар кўлланилганда тупроқ бир текис ва меъёрида намланади ҳамда ер қатқалоқ бўлмайди. Бегона ўтларнинг чиқиши камаяди, сув бир неча баробарга тежалади ва суғорилгандан сўнг ерни юмшатиш, бошқа бир қатор агротехник ишлар ҳажми камаяди. Тумандаги “Ҳайдаров Ансур файз” фермер хўжалиги раҳбари, тадбиркор фермер Акобир Ҳайдаров ҳам 14 гектар ерда дехқончилик қилиб келади. Шундан 8,8 гектар токзорларга ҳамда 5,3 гектар боғларнинг ҳаммасига тежамкорлик ва ҳосилдорлик технологияси жорий этилган.

– Боғларимизда, токзорларимизда томчилатиб суғориш технологияси жорий этилиши билан сув ресурслари сезиларли даражада иқтисод қилиниб, хўжалигимиз яхшигина даромадини оширишга ҳам эришди. Айниқса, олма экилган интенсив боғларимизда томчилатиб суғориш технологиясини кўллаб, унинг жуда қулай, тежамкор ва самарали эканлигига ўз тажрибамиз орқали ишонч ҳосил қилдик. Олдинлари жўяклаб суғориш учун икки-уч нафар сувчи овора бўлган бўлса, томчилатиб суғорилганда, бу ишни бир киши бемалол уddyаламоқ-



Суратда: Фермер Акобир Ҳайдаров.

да. Шу қаторда, минерал ўғитларнинг сув орқали юборилиши ҳам ишчи кучи, озуқа ва вақтни тежаш имконини бермоқда. Умуман, сув сарфи жўяк олиб суғоришга нисбатан кескин камайиб, мева сифати ва ҳосилдорлигини оширади. Айниқса, сув аста-секин, милтиратиб, айнан ўсимлик илдизи жойлашган ерга етказиб берилганда, тупроқдаги намликни оптималь даражада ушлаб туради, бу суғориш усули сувнинг қуёш ва шамолда буғланиб кетишига ҳам йўл қўймайди. Асосийси, сув кераксиз жойдаги тупроқни, яъни ариқ ораларини ҳам намлантириш учун сарфланмайди ва илдиз атрофида намликнинг энг маъқул даражаси сақланиб қолади, – дейди фермер Акобир Ҳайдаров.

Тумандаги яна бир тежамкор фермер, “Мамат агро мева” МЧЖ раҳбари Иброҳим Мирзаев ҳам томчилатиб суғориш технологиясининг афзалликларини чуқур анграб, тасарруфидаги 63 гектар майдонга тўлиқ мазкур технологияни жорий этган. Ҳозир 30 гектар янги боғ, 15 гектар ток ва 16 гектар сабзавот экинларининг ривожи авжида. Эътиборлиси, фермер бу йилги сув тансиклигидан у қадар ҳавотирга тушгани йўқ, сабаб, томчилатиб суғориш технологияси унга исталган пайтда экинларини сувга қондириш имконини беради.

Албатта, мутахассисларнинг эътирофига кўра, томчилатиб суғоришнинг афзаллиги, энг аввало, сув ресурсларини иқтисод қилишда намоён бўлади. Самарқанд туманидаги каби сув сарфини қисқартиришга қаратилган бу каби янгидан-янги лойиҳалар жорий этилиши баробарида, бу тизим нафақат ҳосилдорликни, балки меҳнат унумдорлигининг оширилишида ҳам хизмат қиласи.

Шуҳрат НОРМУРОДОВ,
ўз мухбиримиз.



ТУПРОГИ МУКАДДАС ВАТАНИМ

Яқинда Хоразм вилоятининг Урганч туманида бўлиб, қишлоқ хўжалиги соҳасида олиб борилаётган ишлар, янги лойиҳалар билан танишдик.

Тумандаги 60 та маҳаллада 200,1 минг нафар аҳоли истиқомат қиласди. “Аёллар дафтари”га киритилган 5 636 нафар аёлнинг 3 509 нафарига, “Ёшлар дафтари”даги 10 462 нафар ёшнинг 7 522 нафарига, “Темир дафтар”га тушган 1124 нафар аҳолининг 718 нафарига ер майдонлари ажратиб берилди. Улар бу экин майдонларидан унумли фойдалана олсалар, ўз оила аъзоларини зориқтиримай, тўкин яшашлари мумкин бўлади. Қишлоқда яшагандан кейин экин парваришлаб, ўзидан ортганини бозорга чиқарса, даромади ошади. Ёки кўрада боқилаётган молига, катакдаги паррандасига озуқа экиш билан рўзгорининг бир камчилигини тўлдиради.

Бугунги долзарб кунларда “Давлат Раҳматулло”, “Фаррух”, “Дўрмон-ХХI”, “Урганч пахтакор агро”, “Ражаб ота Жуманов” каби фермер хўжаликлариning далаларида экинлар баравж ривожланиб, кузга замин хозирланмоқда. Бу хўжаликлар далаларида экин экишдан тортиб, сув тарашгача, озиқлантириш ва бошқа чора-тадбирлар вақтида ўтказиб келинётгандиги боис, бир текис унган ғалла ва пахта ниҳоллари кўзни яшнатади.

Туман қишлоқ хўжалигидаги 22 352 гектар умумий экин майдонининг 8 900 гектарига пахта, 3 000 гектарига ғалла, 400 гектарига боф ва токзорлар, 724 гектарига сабзавот, 4 500 гектардан зиёдига эса полиз, картошка, шоли, мойли ва дуккакли, доривор ўсимликлар, озуқабоп ва бошқа экинлар экилган.

Ёшлар учун 1828 гектар суфориладиган ер майдони ажратиб берилиб, 748 нафар ёшнинг бандлиги таъминланди.

Туманда 2020 йилдан бошлаб фаолият олиб бораётган “Урганч кластер” МЧЖ билан тузилган шартномаларга кўра, фермер хўжаликлирида пахта хомашёси етиширилишида керакпи маҳсулотлар ва агротехника талаблари ўз вақтида амалга оширилмоқда. Кластер томонидан туманда коллектор-дренаж тармоқларини тозалаш ишларини бадариш учун 2 та янги экскаватор харид қилиниши белгиланиб, “Урганч экскаватор заводи” билан шартнома қилинди. Ҳозиргача битта экскаватор сотиб олинди ва фаолиятини бошлаб юборди.

Маълумки, аҳоли соғломлиги ва эҳтиёжини таъминлашда озиқ-овқат маҳсулотларининг табиий соғлиги зарур. Бу борада туманда кенг миқёсда лойиҳалар амалга оширилмоқда. Айни пайтда 29 нафар ташаббускор томонидан 250 гектар мевали боф ва 150 гектар узумзор барпо этиш ишлари олиб бориляпти. “Оқ олтин”, “Чотқўпир”, Жалолиддин Мангуберди, “Соҳибкор” массивларида 50 гектардан ер майдонлари боф ва мевазорларга айлантирилди.

Етти нафар ташаббускор томонидан 12,6 млрд. сўмлик 297 бош қорамолга мўлжалланган битта чорвачилик, 17,9 млрд. сўмлик 235 минг бошга мўлжалланган 2 та паррандачилик, 1,7 млрд. сўмлик 1000 оила асаларичилик тармоқларини ривожлантиришга мўлжалланган 1 та лойиҳани амалга ошириш ишлари ҳам режали равишда давом этмоқда.

“Хоразм пилла холдинг” МЧЖ билан 672 минг тут кўчатли 134 гектар тут боғи ташкил этиш режа қилиниб, ҳозиргача жами 70 гектардаги 250 минг якка қатор тутзор оралиқларига 165 минг дона кўчат ниҳоли экиб парваришиланмоқда.

Пахта тўқимачилик ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг замонавий шакли “Урганч кластер” МЧЖ томонидан умумий қиймати 38,28 млн. евро бўлган 4 та инвестицион лойиҳани амалга ошириш белгиланган. Йиллик қуввати 5,4 минг тонна ип-калава, йиллик қуввати 4,38 минг тонна трикотаж-мато ишлаб чиқариш, йиллик қуввати 3 минг тонна мато бўяш ва 3,2 млн. дона тайёр кийим-кечак маҳсулотлари ишлаб чиқариши йўлга кўйиш лойиҳалари халқ фаровонлигини оширишини кўзлаб қилинаётган амалдаги асосий вазифалар ҳисобланади.

Замон талаблари асосида ишлаб чиқариши йўлга кўйган корхона ва ташкилотлар элдошларимизни иш билан таъминлаш баробарида она Ўзбекистонимизнинг озиқ-овқат ва енгил саноатини ривожлантириш йўлидаги самарали воситалардир.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг самарали усулларидан фойдалана олиш йўлида тиним билмаётган замонамиз қаҳрамонлари – ёшли, каттами, ким бўлишидан катъи назар, ҳалол, покиза, элпарвар инсон бўлиши улуғ мақсадлар ривожини таъминлайди. Зоро, бошимизда кундузлари порлаган күёшимиз, тунлари юлдузлару ойимиз, пойимизда она еримиз – муқаддас тупроқ бор экан, меҳнаткаш халқ бардавом интилиб, янгиликлар яратиш илинжи билан яшайверади. Барни яхшиликлар, эъзозлар сизларга бўлсин, меҳнаткаш, фидойи халқим!

Ўз мухбиризим.

ЭРТАСИ ЁРУФ, КЕЛАЖАГИ ПОРЛОҚ ОДАМЛАР

Мустақиллигимизнинг ўттиз йили. Шу йиллар эл-юртимиз учун, ўз тақдирининг ҳақиқий эгаси бўлиш, қадр қимматини англаш, муносиб ҳаёт кечириш имкониятини яратди. Ўтган йиллар юртимиздаги барча соҳалар каби, қишлоқ хўжалиги соҳаси вакиллари тақдираиди ҳам янги саҳифаларни очди, улкан ўзгаришлар, ривожланиш ва ютуқларни олиб келди. Соҳалардаги эришилаётган ҳар бир муваффақият замирида эса, шубҳасиз, бой тажриба ва билимга эга миришкор-дехқонларимиз, ишбилармон фермерлар, заҳматкаш сувчилар, шиҷоати баланд ишчиларнинг ҳиссаси бекёи.



Суратда: чапдан Каттакўрон туманидаги фермер Изатилла Қувондиқов, "Марди Султонов" худуди раҳбари Одил Жуманиёзов билан.

Кўплаб юртдошларимиз каби каттакўронлик фермер ва миришкорлар ҳам қишлоқ хўжалигига кейинги йилларда эришаётган ижобий натижаларни мустақиллик берган имкониятлардан, имтиёзлардан деб билади.

– Ҳозирги кунда мамлакатимизда қишлоқ хўжалигига сув сарфини қисқартиришга қаратилган янгидан-янги лойиҳалар жорий этилмоқда. Улардан энг оммалашгани экинларни томчилишиб сугориш тизимиdir. Авваллари уни жорий қилишга ҳамма дехқон ва фермерларнинг ҳам курби етмасди. Бундай жиҳозларнинг кўп қисми хориждан олиб келинар, уни ишлаб чиқарувчи ташкилотлар учун эса қўшимча имтиёзлар берилмаганди. Қолаверса, дехқону фермерларимизда томчилишиб сугориш тизимини жорий этиш билан боғлиқ билим ва кўникма ҳам етишмас эди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 декабрдаги «Пахта хомашёсини етиширишда томчилишиб сугориш технологияларидан кенг фой-

даланиш учун қулай шарт-шароитлар яратишга оид кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори сувдан тежамли фойдаланиш тадбирларни амалга оширишда, ушбу долзарб масалага ечим топишда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда, – дейди Каттакўрон туманидаги «Марди Султонов» ММТП худуди раҳбари Одил Жуманиёзов. – Айни пайтда худудимиздаги 41 та фермер хўжалиги далаларидағи пахта майдонида фермерларимизнинг имкониятига қараб, кимдир 20 гектар, кимгadir 30 гектар пахта майдонлариға томчилишиб сугориш тизимини жорий қилмоқда. Албатта, Президентимизнинг қарори билан томчилишиб сугориш технологиясини жорий этган пахта хомашёсini ишлаб чиқарувчиларга берилган барча имтиёзлар орқали, кредитлар берилиши, амалдаги тартиб қоидага асосан фермерларга гектарига 8 млн сўмдан субсидиялар берилгани ва бошқа имтиёзлар, қулайликлар фермерларнинг бу технологияга қизиқишини орттироқда. Ҳозирги кунда худудимиздаги «Баҳрин ЖИК», «Дил Алишер», «Бекмурод Хамидович» даласи

фермер хўжаликларимиз барчага намуна бўлган ҳолда 20 гектардан пахта далалариға ва 2 гектардан қуулупнай далалярига тежамкорлик технологиясини жорий этишиди.

Албатта, томчилишиб сугориш технологияларини жорий қилишда берилган имтиёзлар, жумладан, пахта хомашёси экиладиган майдоннинг ҳар бир гектарига давлат бюджетидан тақдим этилаётган субсидия фермерларни ушбу технологияни жорий этишига кўмак бўлмоқда.

Пайариқ туманидаги тажрибали фермер Ҳабибулло Саримсоқов ҳам томчилишиб сугоришнинг афзал жи-

ҳатларини аллақачон англаб етганлиги боис бу усулни шу йил 20 гектар пахта далаларида жорий этган бўлса келгусида бошқа тармоқларида ҳам кенг жорий этмоқчи.

– Қурғоқчилик пайтлари сув ресурсларидан самарали фойдаланишда, уни иқтисод қилишда томчилишиб сугориш усули катта аҳамиятга эга бўларкан. Бу, айниқса, шу йилгидек сувга эҳтиёж кўп бўлган даврларда тақчилликни олдини оларкан. Давлатимиз берган имтиёзлардан фойдаланиб, бу технологияни яна кўплаб экин майдонларига жорий этмоқчимиз, – дейди фермер Ҳабибулло Саримсоқов. – Албатта янги Ўзбекистонда жорий этилаётган бу янги тизим нафақат ҳосилдорликни, балки меҳнат унумдорлигини ҳам оширади. Ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаб, агротехник тадбирларни самарали амалга оширишга ёрдам беради.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда инсон манфаати олий қадрият сифатида қаратилаётгани яратилаётгандан шундай имкониятларда намоён бўлмоқда. Бундай юртнинг эса эртаси ёруғ, келажаги порлоқ бўлади. Юқоридаги каби ўзгариш ва испоҳотларнинг бош асоси юртимиздаги тинчлик ва тутувлик ҳисобланади, албатта. Бугун ҳалол меҳнати билан юртни обод қиласаётган қишлоқ хўжалиги ходимлари бундан кейин ҳам мамлакатимиз иқтисодини



Суратда: чапдан Пайариқ туманидаги фермер Ҳабибулло Саримсоқов, иш юритувчиси Икром Саримсоқов билан.

юксалтиришда ўз муносиб ҳиссасини қўшаверадилар.

Ўз мухбириимиз.

Кадимдан одамлар ҳаша-
ротларни ўрганиб, улар-
дан фойдаланишини кўзлашган.
Асл ватани Ҳимолай бўлган
ипак курти 5000 йиллик тарихга
эга. Буюк ипак йўллари орқали
бизгача етиб келган ва бугун ма-
даний ҳашарот туркумига кирган
бу жонзор дастлаб хитойликлар
томонидан кашф этилган. Ипак-
чилик Япония, Хитой, Бразилия,
Ўрта Осиё, Жануби шарқий
Осиё ва Жанубий Европа ҳамда
Кавказ ўлкалари халқарининг
севимли юмушига айланган.
Ипак қуртими етишириш жуда
қаттиқ тартиб ва меҳнат жараё-
нини талаб қилади.

Хоразм вилояти Гурлан туманинаги
“Гурлан агро пилла” МЧЖ таркибида
керакли жиҳозлар билан таъмин-
ланган 18 та инкубатория ташкил
қилинган. Туман бўйича 430 нафар
касаначи ўз хонадонларида ипак тола
етиштиради. 29 апрелдан гурланлик
пиллакорлар инкубаторияларига
Хитойдан олиб келинган 3201 кути
“Sprig-8133” навли уруғлик тарқа-
тилди. Инкубаториялар иши алоҳида
назоратга олиниб, тўшама қофозлар,
термометрлар ва бўнак пули берилди.

— Мұхәйё Тилавова, Мамура Нури-
метова, Назокат Сафарова, Феруза
Нурибетовалар ўз ишига пухта каса-
начилар ҳисобланади, — дейди бош
ҳосилот Эргаш Эримметов.

Вазир қишлоғи “Мевазор” маҳалла-
сида истиқомат қилувчи 6-инкубато-
рия мудири Мұхаббат Мадраҳимова
билан сұхбатимиз ипак уруғчилиги,
ипакчилик ҳақида бўлди.

— 1994 йилда шу хонадонга келин
бўлиб тушдим, қайнонам Гулсора
Мадраҳимовадан пиллакорликни
ўргандим, — деди у ва деворга осиб
кўйилган онахоннинг суратига нигоҳ
ташлади. — Инкубатория ишини
бошлишимдан олдин, ҳамма жойни
саришталаб бўлгач, онажонимнинг
суратига боқиб, ишга рухсат оламан.
Жойлари жаннатдан бўлсин, жуда
покиза, меҳнатсевар, ипак қурти деса
ўзини аямайдиган, солиҳа аёл эди.
Ҳаётимдан нолимайман, турмушим
тинч-тотув, меҳнатдан саодат топиб
яшаяпман. 19 апрель куни уруғликни
қабул қилиб олдим. Инкубаториямиз
керакли жиҳозлар билан таъминлан-
ган. Чиллачи бор, хона ҳароратини
нормал сақлашда қийинчилик йўқ. 10
кунда тайёр бўлган уруғлик касаначи-

ИПАККА ИПАКДАЙ МЕҲР КЕРАК

ларимизга тарқатилади. Инкубатория
ишини тутгатгач, ҳамма қатори ўзим
ҳам ипак қурти боқиб, пилла етиши-
тираман.

Бу соддагина қишлоқ аёлининг
турмуш ўртоги Ислом Мадраҳимов
дехқончилик қилади. 1 гектар май-
донга экилган 1600 дона тут ниҳол-
ларини парваришлаб, ипакчилиқда
қийинчилик сезишмайди. Ортиқча барглар
зарурати борларга бери-
лади. Оиласда эса икки
ўғил, бир қиз, икки келин
ва неваралар яшайди. Ҳаммаси олага ёр-
дамчи. Ўтган йили оила
аъзолари уч мавсум
пилла боқиб, яхшигина
даромад олди.

Ўзбегим меҳнати билан
элига эга, кўнглига
тўғри халқдир. Бу оила
аъзоларининг меҳнат-
кашлиги саранжом са-
ришта рўзгор тутишларидан, боғ-
рогининг яшнаб туришидан маълум.
Томорқада олма, ўрик, нок, узум,
шафтоли ва бошқа мевали дарахт-
лар яшнаб турибди. Уларнинг қатор

ўғиллар Дилмурод ва Жонибек
Абдиримовлар оиласдан узоқ жойларга
кетмайди. Қишлоқда уларга иш етар-
ли, мини-тракторлари билан доимо
эл хизматида.

Қарангки, пиллакор аёл оиласининг
ҳар бир аъзоси ўзининг ўрнини била-
ди. Бўш қолишга вақт ҳам, ялқовлик
балоси ҳам йўқ. Агар қишлоқдаги ҳар



Санобар Ишчанова жўжаларни озиқлантиримоқда

бир оиласда мана шундай меҳнат куни
тақсимланса, тўқинлик ва ҳамжиҳат-
лик фаровон ҳаёт сари етаклайвера-
ди. Ривожланган давлатлардаги каби
ҳар бир хонадон ўз-ўзини таъминлаб,
ортганини бозорга чиқаради. Пил-
лачиликтаги янги
ғояларни тарғиб
қилинишида, уч мавсум ипак
тола етиширишни йўлга қўйиш
замирида илғор
оиласлар ҳаёти
ёрқин мисол бўла
олади.

Гурланлик пил-
лакорларга кут-
луғ натижалар ва
омад тилаб хайр-
лашар эканмиз,
йўл бўйи олтин
бошоқлар товланиб турган далалар-
дан ўтдик. Бу элнинг дехқону мириш-
корлари субҳидамнинг салқинида
ҳам, ёз кунининг жазирамасида ҳам
далада шижаатли меҳнат билан банд
еканлигидан далолатдир.

Шукуржон ЖАББАРОВА,
ўз мухбиримиз.



пиллакор Қизларгул она Эшниёзова, инкубаторчи-пилла-
кор Мұхаббат Мадраҳимова, ҳосилот Эргаш Эрметовлар
иш фаолиятида

ораларига картошка, пиёз, карам,
лавлаги, қовун ва тарвуз экилган. Ай-
тишларича, оила томорқанинг ўзидан
йилига 30 млн. сўмдан зиёд даромад
олади. Келинлар Санобар Ишчанова,
Мехрибон Жумабаевалар парранда
боқадилар.

— Биз бозордан гўшт ҳам, тухум
ҳам сотиб олмаймиз, ўзимизники
етади, — дейди Санобар.

ПАХТАКОРДА “ПЕКИНЧА ЎРДАК” ПАРВАРИШЛАНАДИ

Пахтакор туманида түгилиб вояга етган Жасур Эрбўтаев бундан беш йил аввал бошқа кўпілаб тенгдошлари қатори иш излаб Россияга йўл олди. Тақдир уни Калуга вилоятининг ўрмонзорлари қўйнига, энг яқин ахоли яшаш пункти 10 чакирим узоқлиқда бўлган паррандачилик корхонасига йўллади. “Бу цех фақат хонаки товуқ, ғоз, курка, бедана етиширишга ихтисослашган эди, – дея эслайди Жасурнинг ўзи. – Маҳсулотларни сотиб оладиган мижозлар тонг саҳарданоқ паррандачилик мажмуаси эшиги ёнида навбат кутиб туришарди. Кимгadir тухум, яна кимга жўжа, учинчисига вояга етган товуқ ёки ғоз керак. Мен айнан ўша ерда хонаки, ўзимизнинг тилимизда айтадиган бўлсақ, жайдари парранда ва унинг маҳсулотлари бозори чаққонлигини англаб етдим”.

Йигит бу ишни ўзимизда, Ўзбекистонда ташкил қилишга аҳд қилиб вақтни бекор ўтказмасдан ўша ернинг ўзидаёқ мазкур соҳа сирларини ўзлаштира бошлади. Ўзи меҳнат қилаётган корхона фаолиятини, унинг мутахассислари бажараётган ишларни зимдан кузатди. Орадан бир ярим йил ўтгандан кейин эса, калугалик ҳамкаслари билан хайрлашди. Йўл-йўлакай 500 доллар сарфлаб, 300 дона тухум очиришга мослашган инкубатор сотиб олишни ҳам унутмади.

Пахтакорда Жасурнинг ишлари юришиб кетди. Кичик инкубаторни ишлатиб, аввал жайдари товуқлар, ундан кейин эса, курка, ўрдак тухумларини очира бошлади. Улардан чиққан полопонлар қўлма-қўл бўлиб кетди. Хуллас, бир йил ичida инкубатор сотиб олишга кетган маблағ ҳам оқланди, қилинган меҳнатга яраша фойда ҳам олинди, қўшимчасига фаолиятни янада кенгайтиришга имкон яратилди.

– Мутасадди раҳбар ва идоралар иштирокидаги сайёр қабуллар кўпгина муаммоларни ҳал қилмоқда, – дейди мақоламиз қаҳрамони. – Ўзим ҳам ана шундай тадбирларда кўп иштирок этдим. Улардан бирида хонаки парранда етиширишга мўлжалланган замонавий мажмуани ташкил этиш борасидаги foym кўллаб-қувватланди ва Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи ушбу лойиҳа учун 73 миллион сўмлик имтиёзли кредит ажратди.

Тадбиркор ушбу маблағга ойига минг-бир ярим мингта тухум очириш қувватига эга янги инкубатор сотиб олди. Фаолияти кенгайиб бораётгани, бошлаган ишининг келажаги борлигини ҳис қилган ишбилармон йигит “Тошпўлат ўғли” хусусий корхонасини ташкил қилди. Ўтган йили бозорга 50 минг бошдан ортиқ товуқ, курка, ўрдак, ғоз, бедана жўжалари етказиб берди.



Суратда: Мана бу оппоқ ўрдак ёш тадбиркор Жасур Эрбўтаев (чапда) ва Пахтакор тумани ҳокими ёрдамчиси Шерзод Бўроноевнинг ўзига тортди.

Ташаббускор йигитнинг хатти-ҳаракатлари Пахтакор тумани раҳбариятининг эътиборига тушди. Туман ҳокими Шукрулло Бобоев Жасур билан учрашиб, унинг режалари билан қизиқди. Ўртадаги самимий мулоқот эса, самарасини берди. Жасур Эрбўтаевга туман ҳокимлиги захирасидан 9 гектар майдон ажратилиб, ушбу майдонда парранда учун зарур бўладиган озуқа етишириш учун имконият яратилди.

Маълумотларга кўра, хитойликлар учун ўрдакни “пекинча” усолда тайёрлаш худди Буюк Хитой девори каби миллий бойлик ҳисобланаркан. Шуниси борки, 500 йил давомида ушбу таомни оддий инсонларнинг “чўнтаги кўтартмаган”, уни фақат император саройи ёки оқсуяклар дастурхонида қўриш мумкин бўлган.

Бугун бу борада ҳолат ўзгарган: Ушбу лаззатли таомни истеъмол қилишга Чин давлатидаги кўпчилик фуқароларининг қурдати етади.

Аммо яна бир томони бор: Нуфуси бир миллиард нафардан ортиқ бўлган хитойликларга ўзларининг севимли овқатини тайёрлаш учун анчагина ўрдак керак бўлади! Қисқаси, Жасур Эрбўтаев хитойлик ширинтомоқларнинг ана шу муаммосини ҳал қилишга ўзининг ҳиссасини қўшмоқчи. У бундан буён ўрдакчилик соҳасига кўпроқ эътибор қаратишни режалаштироқда.

– Туманимиз ҳокимининг шахсан ўзи Хитойдан ҳамкор топиб беришга ваъда қилди, – дейди Ж.Эрбўтаев. – Бу борадаги ҳамма лойиҳаларимиз амалга ошса, қисқа вақт ичida ўрдакчиликни йўлга қўйиш, унинг гўштини қайта ишлаш цехини барпо этиш, камида 40 кишини иш билан таъминлаш режаларимиз бор. Ниятимиз – шу йилнинг ўзида Хитой давлати бозорларига 1 миллион дона, иккича йилдан кейин эса, 10 миллионта ўрдак етказиб бериш.

Шижааткор ёш тадбиркорнинг ниятлари амалга ошишига ишониб қоламиз!..

Худойберди КАРИМОВ,
ўз мухбиришим.

Ҳақиқий дәжқон ерга меҳрини беради. Ҳозир-да лафзи ҳалол, ишнининг кўзини биладиган ер билан тиллаша оладиган кўп тармоқли фермерлар кўпайиб бормоқда. Яхши ният билан бошланган ишлари омадли, баракали бўлмоқда.

ИЗЛАГАН ИМКОН ТОПАР

— Юртимизнинг ривожланишида ҳалоллик ва сидқидилдан меҳнат қилиш билан бирга симимий истак ва мукаммал иро-да ҳам керак, — дейди Пешку туманидаги “Мансур” фермер хўжалиги раҳбари Мухтор Фозилов. — 105 бosh Украинадан келтирилган қора-ола молларни рацион асосида парваришлаётган фермерларнинг кайфияти чоғ, рўзгори бут. Айни кунда холис ният билан янги режаларни ўйлаб юрибди. Туман ҳалқ банки ходимлари билан маслаҳатлашиб 200 минг АҚШ доллари эвазига кредит олиб, 200 бosh зотдор моллар келтироқда.

Излаган имкон топар деганларида, ақл ва жасоратни бирлаштириб, самимий дил, билан ўйлаган ишни қисла бўлади. Ахир, Президентимиз тадбиркорларни кўллаб турганларидан ўйлаган мақсад сари олға қадам ташламоқлик одил кишининг режаси бўлмоғи даркор эмасми?

Мухторжон 100 бosh кўй-эчкини, 10 бosh отни, 50 оила асал арилари ҳам эл дастурхонига ҳалол ва сифатли маҳсулот билан етказиб беришда фидойилик қилмоқда десак айни ҳақиқат бўлади.

Ушбу туманинг “Искомгазе баҳори” фермер хўжалиги раҳбари Акмал Элелов билан ҳам танишдик, сұхбатлашдик. 50 бosh қорамолга меҳр бериб қараётган қаҳрамонимизнинг 35 гектар пахта майдони, 15 гектар ғалла майдонидаги бошоқ донлари, ғўза ниҳолларида баравжликни кўриб ҳавас қилдик. 10 гектар майдондаги богининг меваларини куритиб, қадоқлаб четга экспорт қиласди. 20 гектар пахта майдони томчилатиб сурғилмоқда.

— Бу йил ёмғири кунлар гулига таъсир қилди. Аммо изланяпмиз. 12 та ишчига маош бермоғимиз керак. Бошқа вилоятлардан сараланган олма, ўрик ва бошқа меваларни олиб келиб ишни йўлга қўймоқчимиз, — дейди Акмал ака. — 70 бosh қорамоллар ҳам алоҳида парварища.

Ромитан туманидаги “Файз 2000” фермер хўжалиги раҳбари Яхё Файзиевнинг фаолиятини ўрганар эканмиз, бу инсондаги қобилият серқирра эканлигидан лол ва ҳайрон қолдик. 80 гектар пахта, 105 гектар ғалла майдонидаги ҳосил чўғи баланд. Қаҳрамонимиз пахтадан 42 центнердан, ғалладан 80 центнердан ҳосил йигиб олиш ниятида. 150 бosh қорамол, иккি минг кўй-эчки, 11 гектарда балиқхона, 30 гектар ерда боф, 22 гектарда полиз экинлари, 100 оиласида асал арилар, 20 бosh от, 10 та тия ҳам фермерни.

Айтишга осон, меҳнат ва ақл-идрок билан чамалашнинг ўзи бўлмайди. Ҳалол меҳнатлари эвазига 2017 йили “Дўстлик ордени” билан мукофотланган.

— Сиз каби фидойи, изланувчан, тадбиркор фермерлар кўпаяверсин. Соғ-омон бўлинг.

Ушбу тумандаги “Шуҳрат” фермер хўжалиги раҳбари Шуҳрат Атоев болалиқдаги орзуси ушалиб, айни кунда илғор чорвардор бўлиб элга танилган. 400 бosh қора молларнинг 66 бosh моллари Германиядан келтирилган. Сутни қайта ишлаш цехи ҳам мавжуд. 10 хил маҳсулот ишлаб чиқармоқда. 20 гектар ғалла майдонидан ҳар йили 70 центнердан ошириб ҳосил йигиб олади.

Олот тумани вилоятининг чекка ҳудуди. Фидойи, меҳ-



Пешёт “Мансур” фермер хўжалиги раҳбари
Фозилов Мухтор

наткашлари бисёр. Мен ушбу туманда кўп бўлганман. Меҳмондуст ҳалқидан мамнун бўлиб қайтаним ҳам рост. “Нарзи-Ойим” фермер хўжалиги раҳбари Обиджон Ҳамраевнинг меҳнатсевар, самимийлик фазилати дадаси Рустамжон акадан ўтган бўлса не ажаб.

Кўп иллар ушбу туманинг қолоқ хўжаликларида раис бўлиб ишлаган Рустамжон ака борган жойларини гулзорга айлантирган, режаларни ошириб бажариб эл-юрт орасида обрў-эътибор топган. Туман хокими лавозимида ҳам фаолият юритган. Ўғли Обиджонга меҳнат сирларини, даладаги машак-қатлардан юксалиш мумкинligини кўп ва хўл ўргаттган.

Ўйтлар бесамар кетмади. Обиджон айни кунда туманинг илғор фермерларидан. 64,5 гектар пахта, 30 гектар ғалла майдонини алмашлаб экади. Маҳаллий ва минерал ўғитларни вақтида оби-топида ер бағрига сепади. Натижада режаларни ортиғи билан бажарди. 40 бosh Украина моллари, 50 оила асаларилар, 1 гектардаги боф, 2 сотикидаги иссиқхоналардаги ишларни кўриб ҳавас қилишингиз бор гап.

Когон туманида иқтисоди бақувват, кўп тармоқли фермерлар бисёр эканлигини бир қатор фермерлар билан сұхбатлашиб билиб олдим.

Уруғчилик соҳасини танлаганлари ҳам бисёр. “Асил элита” фермер хўжалиги раҳбари Истамжон Давронов ёш бўлишига қарамай зийрак, уддабурон.

— 70 гектар пахта, 40 гектар ғалла майдонимиз бор. Уруғчилик йўналишини танлаб, шу йилдан астойдил иш бошладим, — дейди Истамжон. — Насиб қисла пахтадан 40, ғалладан 70 центнердан ҳосил йигиб олмоқчимиз. Ахир, 20 нафар ишчиларимизнинг ризқу-насибаси, қолаверса, севимли Ватанимиз олдиаги йигитлик сўзим, гурурим, оrim бор.

Ушбу туманинг “Баҳорим” фермер хўжалиги раҳбари Гулчехра Раҳматова 56 бosh қорамолни хориждан олиб келгандар.

— Молларга эътиборимиз ўзгача, — дейди Гулчехрахоннинг турмуш ўртоги Ғофуржон ака. — Рацион асосида парваришлаймиз, ҳар бир мол учун алоҳида жойлар, ем-хашакларимиз етарли. 70 сотих балиқхонамида сазан, оқ амур балиқлари етишириб эл дастурхонига етказиб беряпмиз. Худо насиб қисла, сутни қайта ишлайдиган кичик корхона курмоқчимиз.

— Айни пайтда кичик корхонага пойdevor қўйилган. 2021 йил ўрталарида ишга туширишни мўлжаллагаб туриби. Фермер хўжалигига 20 ўрин иш ўрни кўпаяди.

Бухоролик фермерлар, азиз бошингиз омон бўлсан. Вилоятнинг обрў-эътибори, иқтисоди юксалаверсин. Қўлларингиз дард кўрмасин.

Раъно ТОЖАЛИЕВА,
журналист.

Ўзбекистонимизда шундай ажойиб инсонлар борки, ҳаёт йўллари — мактаб, тажрибалари — ибрат, қувонч кунлари — ҳарорат, одамлар ишончи — мукофот.

Қорақалпогистон Республикасининг Тахиотош туманинаги “Азамат” фермер хўжалиги раҳбари Азамат Дадабоев ана шундай ҳалол ва меҳнаткаш инсонлардан. Айни кунларда 60 гектар пахта, 58 гектар ердаги ғалла майдонларига қараб ҳавасингиз ортади.

— Ҳар йили режаларни ортиги билан бажарамиз, — дейди у. — 32 бош Австрия молларимизни ҳам рацион асосида парваришлаганимиз боис, улар йил сайнин кўпайиб бормоқда.

Сут маҳсулни юқори, 150 та қўй-эчки, 100 оила асаларилар ҳам фермерники. Камтар, самимий фермернинг уйидан меҳмон аrimас экан.

Меҳнатда суяги қотган, уста пахтакор бир неча бор медаль ва ёрлиқлар билан мукофотланган. Байрам ака Да-дабоев ўғли Азаматжоннинг сунганд тоғи, меҳрибон маслаҳатчиси.

Ушбу тумандаги “Замон чорво” фермер хўжалиги раҳбари Тозабой Газоков озодаликни хуш кўрувчилар сарасига киришини моллар учун яратилган шароитдан билса бўлади. Салқин, шинам молхонада Россиядан келтирилган 35 бош моллар парваришланмоқда.

— Туман ҳалқ банки билан маслаҳатлашиб яна чет эл молларини келтироқчиман, — дейди Тозабой.

Нукус туманинаги “Қўнгиротбой меҳри” фермер хўжалиги раҳбари Есенбой Айтмуродовнинг фоалияти чорвачилик йўналишида экан.

Украинадан келтирилган 480 бош зотли моли учун бор меҳрини, эътиборини бахшида қилган.

Сабр билан кўпайтиради, ирова билан парваришлайди, улар болалаганда қувонади.

200 бош қўй-эчилари ҳам бор.

— Барча сигир ва ғунажинлар доимий равишда бўғозликка ректал текширилади, — дейди Есенбой ака. — Сигирларнинг қисир қолиш сабаблари аниқланади. Улар ажратилиб даволанади. Бўғоз қорамол, қўй-эчилар музлаган ва чириган харакалар билан озиқланишига йўл қўймаслик керак. Доимо куруқ жойларда сақлаш фойдали.

САБР, ИРОДА, ҚУВОНЧ...

— Тиниб-тинчимас чорвадор 4 тонна сутни бир кунда қайта ишлаб 15 хилдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқармоқда.

Есинбой ака билан хайрлашиб “Чимбой дон маҳсулотлари” масъулияти чекланган жамияти раиси Комилжон Қодировнинг ҳузурига йўл олдик. У ҳақда Чимбой туман раҳбарлари кўп ва хўп гапиришди. Ҳалқини ҳурмат қилиш, хомийлик борасида ҳам саховатли инсон эканлиги ҳақидаги мақтovлар бизни у томон етаклади. 2020 йилда иқтисодий исплоҳотларни турмушга жорий этиш бўйича жамият томонидан 63 миллиард 138 миллион 300 минг сўмлик маҳсулот, 4984,6 тонна витаминларга бой 1 навли ун ишлаб чиқарилган. 2104,5 тонна шоли маҳсулоти қайта ишланиб, гуруч холида ҳалққа арzon нархларда сотилибди.

— Жорий йилда бўғдой ва шолини қабул қилиш учун тегирмонлар тайёр ҳолга келтирилди, — дейди Комилжон. — Иш ҳақи ўз вақтида берилади. Ишчи-лар рози, хотиржам.

Шунингдек, 2020 йили 16 та янги иш ўрни яратилган. 20 та ишчи ходим тажрибасини ошириш мақсадида курсларда ўқитилиб, бунинг учун 6 миллион 500 минг сўм пул маблаглари ажратилган. Технологияларни янгилаб, электр энергияси ва бошқа ҳаражатларни камайтириш, таннархни арzonлаштириш ва маҳсулотлар сифатини яхшилашга алоҳида эътибор бериб келинмоқда.

Чимбой туманининг “Қизил ўзак” овал фуқаролар йиғини ҳудудида камтаргина чорвадор бор деб эшитиб ушбу қишлоқ томон йўл олдик. “Тоза қурол” фермер хўжалиги раҳбари Жумабой Дауккиев нафақада бўлса-да, бақувват, тиниб-тинчи маслигини сухбат асосида билиб олдик. 45 бош қорамол, 150 бош қўй-эчиларни парваришланмоқда.

— Сутини боғча, мактабларга арzon нархда сотамиз, — дейди

Жумабой ака. — Ўғлим Қурол ёрдамчим. 31 гектар ялов керак. Еримиз кам, молларимиз қийналиб қолди. Раҳбарларга инсоф тилаймиз.

— Биз Жумабой аканинг нияти ижобат бўлишини истаб улар билан хайрлашдик.

Раъно ЮСУПОВА,
журналист.



“Чимбой дон маҳсулотлари” МЧЖ
раҳбари Комилжон Қодиров



Нукус туман “Қўнгиротбой меҳри” фермер хўжалиги
раҳбари Есенбой Айтмуродов ҳамда ветеринар
Бахром Қdirboev

КЕЛАЖАКНИ КЎЗЛАЁТГАН МУЛҚДОРЛАР

Мамлакатимиз халқ ҳўжалигининг барча тармоқлари хусусан, аграр соҳани ривожлантириш, кўллаб-кувватлаш, ушбу соҳага янги техника ва технологияларни олиб кириш мақсадида ажратилаётган маблағлар, савдо кўргазмалари, инновацион ғоялар ярмаркалари қишлоқ худудларининг замонавий кўриниш олиб, янада тараққий этишига замин яратмоқда.

Президентимиз мамлакат тараққиёти йўлидаги фаол ҳаракатланувчи куч сифатида кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва фермерликни ривожлантириш, бу йўлда тўсик ва муаммоларни ўз вақтида бартараф этиб, уларга қулай шарт-шароитларни яратиш бўйича мунтазам топшириклар берадилар.

– Биз бундай қулайликлардан мамнунмиз, – дейди Боёвут туманидаги “Санжарбек” фермер ҳўжалиги раҳбари Носиржон Жўраев. – Кўриб турганингиздай техникаларимиз етарли, дала шийпонимиз ҳам даврга мослаб қурилган, шинам ва қулай хоналардан иборат.

Фермер ҳақ гапни айтиби. Шийпон атрофида арча, гул, мевали дараҳтлар маржондай, эътибор билан экилган.



“Санжарбек” фермер ҳўжалиги раҳбари Носиржон Жўраев ва туман қишлоқ ҳўжалиги бўлимни мутасаддиси Фурқатжон Пиримкулов

– Қанийди, барча фермерлар ҳам гўззаликга ошно бўлиб шунаңсанги кошоналар яратиб қўйсалар, – дедим, ҳамроҳим туман қишлоқ ҳўжалиги бўлимимутасаддиси Фурқатжон Пиримкуловга.

– Туманимиздаги фермерлар аста-секин Носиржон акадай ишлашга, яшашга кўникоқ ҳосил қилишишоқда – дейди у.

Туманимиз ҳокими Дилфузахон опа Ўролова озодаликни, тартиб-интизомни хуш кўрувчи талабчан раҳбар, – дейди Фурқатжон.

– 23 гектар пахта майдонидаги чигитлар тўлиқ униб чиқиб, кун сайин бўй кўрсатмоқда, – дейди қаҳрамонимиз.

– 62 гектардаги ғалла майдонини кўриб турибисиз, кўзни қувнатади. Чунки меҳ

билан агротехника қоидаларига амал қилиб парваришладик.

Носиржон ака ҳар йил режаларни ортиғи билан бажариб, эл-юрт олдида юзи ҳам, кўнгли ҳам ёруғ. 10 гектар майдондаги мевали дараҳтларининг ҳосили ҳам чакки эмас. Бир гектар ердаги балиқхона, 3 сотиҳдан иборат иссиқхона ҳам фермерни экан.

– Энди тумандаги бошқа илгор фермерлар билан танишсак, сухбатлашсак, фидойилар кўп деб эшитганман Боёвутда. – дедим ҳамроҳимга.

– Майли опа. – дея йўл бошлади Фурқатжон.

Ушбу туманинг “Жўрабек Жуманазар ўғли” фермер ҳўжалиги раҳбари Улуғбек Жоналиевнинг иш фаолияти билан танишдик.

– 60 гектар пахта, 80 гектар ғалла майдонимиз бўлиб, режаларни ортиғи билан бажариб келамиз, – дейди Улуғбек. – Австриядан олиб келинган 90 бош молимиз бор. Мамлакатимизнинг барча фермерлари чорвачилик билан ҳам шуғулланса, маҳаллий ўғит масаласида қийналиб қолмас эди.



“Жўрабек Жуманазар ўғли” фермер ҳўжалиги раҳбари Улуғбек Жоналиев отаси Жуманазар Жоналиев билан

Қаҳрамонимизнинг мубаффақиятга эришишида отаси Жуманазар Жоналиевнинг хизматлари катта экан. Уста дехқон номини олган отаҳоннинг ўғиллариға, фермерларга ёрдами, маслаҳати бекиёс.

“Шомурод Ҳатамович” фермер ҳўжалиги раҳбари Шомурод Розиқов ҳам изланувчанлиги, меҳнатсеварлиги билан туманда ўз ўрни, ҳурмати бор. Унинг ютуқлари ҳақида ҳам ёзишимизни тавсия қилишиб.

Фурқатжон телефон қилиши билан “марҳамат келаверинглар” дея бизни камтарона таклиф килди.

– 170 гектар пахта майдонингиз бор экан, айтишга осон, меҳнатининг ўзи бўлмас – сўрайман фермер билан учрашганимизда. – Ҳар йили 40 центнердан ошириб ҳосил йиғиб оларкансиз?



“Шомурод Ҳатамович” фермер ҳўжалиги раҳбари Шомурод Розиқов ўғли Равшанбек билан

– Аввало, инсон ўйлаб иш бошлашни керак. Ўзимиз севган касбимизга эришдикки, хиёнат қилишга ҳаққимиз йўқ. Даромад ўзимизники, мулқормиз, – дейди Шомурод ака. – 1 гектар ердаги иссиқхонада булғор қалампири, помидор, бодринг алмашлаб экамиз.

– Кам таъминланганларга бераётган ёрдамлари ҳам бекиёс, – дейди ҳамроҳим. – Аллоҳ меҳрибон, уларни Ўзи кўллаяти.

Фурқатжоннинг таклифи билан Усмон Юсупов номли ҳўжалиқда ҳам бўлдик.

Усмон Юсупов ҳайкали қайта таъмирланиб, кўз олдингизда ўлмас сиймо гавдаланиб, барчага омад, соглик, баҳт тилаётгандай, гўё. Атрофи шундай ажойиб масканга айланганки, дараҳтлар, гуллар, кўм-кўк майсалар кўзни қувнатувчи йўлаклар безагига маҳлиё бўлдик. Ушбу гўзаллик оламидан хайрлашиш мушқул бўлди.

– Туман ҳокими Дилфузахон Ўроловнинг ташаббуси билан ушбу ажойиб оромбахш хиёбон яратилди, – дейди Фурқатжон.

– Гўзаллик оламни қутқаради деганлари шу-да, – дейман.

– Ҳа, опа, туманимиз келин-куёвлари ўз ўртоғлари билан шу ерга ташриф буюриши урфа кириб бормоқда.

Президентимиз бежизга хотин-қизларимиз ҳоким бўлишлари керак, деб айтмаётган экан. Аёлларда масъулият юқори бўлади. Бибихоним, Тўмарис, Нодира, Барчинойлардай, деган фикр кечди кўнглимдан.

– Ишнинг кўзини билган боёвутлик фермерларнинг ниятлари холис, мақсадлари эса улкан. Мен сафар давомида шундай хулосага келдим.

Ўз мухбиримиз.



ЧҮЛ ХУДУДЛАРИДА ЎРМОНЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИЛМИЙ МАРКАЗИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Барча соҳаларда олиб борилаётган ислоҳотлар ўрмон хўжалиги соҳасини ҳам четлаб ўтмади. Навоий вилоятида ўрмон фонди ерларининг ҳолатини яхшилаш, қайта тиклаш, чўл худудларида самарасиз фойдаланилаётган ер майдонларидан унумли фойдаланиш, яйловзорлар, писта, бодом плантацияларини барпо этиш ҳамда доривор ўсимликларни етиштиришни кўпайтириш, ўрмонзорларни кўпайтириш, иҳота ўрмонзорларини барпо этишда инновацион усувларни кўллаш, чўл худудлари хусусиятларини тадқиқ қилиш, юртимизда ўсмайдиган чўл ўсимликлари турларини интродукция қилиш, чўлда ўрмон барпо этиш ишларини илмий асосда ташкил қилиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси 2018 йил 24 июлда қарори қабул қилинди.

Қарорга кўра, Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси тизимида Навоий вилоятининг Кармана туманида Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти ҳузурида Чўл худудларида ўрмончиликни ривожлантириш илмий маркази ташкил этилди. Марказ Нурота давлат ўрмон хўжалиги тоғолди худудларида янги ўрмонларни ташкил этиш, ўрмон фондини ҳар томонлама кенгайтириш, ўрмон фондига қарашли худуд ва унда ўсуви ўсимликларни муҳофаза қилиш, ўрмон бойликларидан оқилона фойдаланишга қаратилган тадбирларни амалга ошириш, ушбу марказнинг асосий вазифаси этиб белгиланган.

Янги ташкил этилган Илмий марказда Ўрмон фонди ерларида шўрланишига ва сувсизликка чидамли ўсимликларни етиштиришнинг илмий асосланган агротехнологиясини яратиш ва шу билан биргаликда, чўл худудларида яйловларни қайта тиклаш ва кўпайтириш чора-тадбирларини амалга ошириши ва чўл ўсимликлари кўчатларини етиштиришнинг илмий асосларини ҳамда истиқболли технологияларини ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Илмий марказнинг кўчаччилик иссиқхона комплексида тоғолди худудларига мос ковул ўсимлигини контейнер усулида кўпайтириш устида ва шу билан биргалиқда ўрмон фонди ерларининг ҳолатини яхшилаш, ўрмонларни кенгайтириш ва қайта тиклаш, иҳота ўрмонзорлари барпо этиш бўйича самарали инновацион усувларни ишлаб чиқиш устида ҳам илмий изланишлар давом эттирилмоқда.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги илмий фаолиятга оид давлат дастурлари доирасида амалий ҳамда инновацион лойиҳалар танловида, доривор ўсимликлар плантацияларини ташкил этиш курғочил, зараркунанда, касалликларга чидамли чўл ўсимликларини интродукция қилиш илмий-тадқиқот ишлари дорасида “Ўрмон фонди ерларида доривор ширинмия-Glycyrrhiza glabra ва оқ зира-Foeniculum vulgare Mill. ўсимликларини турли тупроқ-иклим шароитларида етиштиришнинг юқори ҳосилдорлигини таъминловчи илғор технологияларини ишлаб чиқиш” мавзуси ғолиб деб топилди ва шу мавзу доирасида Навоий вилоятининг тоғолди ва чўл худудларида ушбу доривор экинлардан илғор етиштириш ҳамда юқори уруғ ҳосили олиш агротехникасини ишлаб чиқиш устида илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Чўл худудларида ўрмончиликни ривожлантириш илмий маркази яқин истиқболда тоғолди ва чўл худудларида ўрмон фонди ерларида доривор экинлар плантацияларини ва хандон писта ҳамда бодом плантацияларини ташкил этиш бўйича халқаро илмий ва ўкув семинарлари ҳамда анжуманлар ташкил этиш режалаштирилган.

Шарофиддин ХОЛТЎРАЕВ,
қ./х.ф.ф.д., (PhD),
Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти,
Қутбиддин МУҲАММАДИЕВ,
тадқиқотчи,
Чўл худудларида ўрмончиликни
ривожлантириш илмий маркази.

СОЯНИНГ ЯНГИ “ХОТИРА” ВА “ЭҲТИЁЖ” НАВЛАРИ

High yielding, rich for protein, oily soybean varieties “Xotira” and “Extiyoy” will be recommended for all areas of Uzbekistan.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 марта даги «2017-2021 йилларда республикада соя экишни ташкил этиш ва сояли дуккакли экинлар этишишини кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2017 йилнинг 24 июлдаги қарорларида республика майдонларида мойли экинлар этишишини кўпайтириш, ёф-мой корхоналарида ноанъанавий маҳаллий ёф-мой маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва ички истеъмол бозорини тўлдириш, соя экинини асосий ва такорий экин майдонларига экиш, маҳаллий соя навлари селекцияси ва уруғчилигини йўлга кўйиш вазифалари белгиланган.

Соя экин майдони жиҳатидан дунё дехқончилигига буғдой, шоли ва маккажӯхоридан кейинги 4-уринни эгаллади. Ялпи дон ҳосили 220,6 миллион тоннага етди. Бразилия, АҚШ ва Аргентина мамлакатлари соя донини экспорт қилишда етакчи бўлса, асосий сотиб оловчи давлатлар Хитой, Корея ва бошқа Осиё мамлакатлариdir.

Соя – бир йиллик ўтсимон ўсимлик бўлиб, *Glycine turcumica* ва дуккаклилар – *Fabaceae* оиласига мансуб. Соянинг 70 дан ортиқ тури мавжуд бўлиб, шундан энг кўп учрайдиган тури *Glycina hispida* Moench ва ёввойи соя *Glycina ussuriensis* Rgl хисобланади.

Соя дунё қишлоқ хўжалиги экинларидан дуккакли дон ва мойли экинлар орасида энг кўп майдонни ташкил қилади. Унинг донидан халқ хўжалигининг барча соҳаларида фойдаланилади. Чунки, унинг дони ва яшил массаси тўйимли бўлиб, озиқ-овқат, ем-хашак, техник ва тиббиёт соҳаларида кенг ишлатилади. Ер шарида бир йилда ишлаб чиқариладиган ўсимлик мойининг 50 фоизидан кўпроғи соя ўсимлиги донидан олинади. Улар дунёда оқсил танқислигини ечишда катта аҳамиятга эга бўлиб, тупроқ унумдорлигини тиклаш ва оширишда муҳим рол ўйнайди. Шунингдек, соя ўсимлигининг ҳар хил минтакаларда кенг майдонларга экилишининг яна бир асосий сабаби, у тупроққа талабчанмаслигидадир, яъни у pH 5 дан 8 гача бўлган тупроқларда яхши ўсади ва ривожланади.

Шулардан келиб чиқсан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти олимлари соянинг серҳосил, сифатли дон берадиган, касаллик ва зараркунандаларга чидамли навлари янги навларини яратишни ўз олдиларига мақсад қилиб олишган. Институтда ҳозирги кунда соянинг 170 дан ортиқ дунё ва маҳаллий навлар коллекцияси намуналари мавжуд бўлиб, улар устида бир қанча иммий изланишлар олиб борилмоқда.



Биология фанлари доктори, профессор М.Абзалов ва шогирдларининг узоқ йиллик иммий изланишлар натижасида соянинг республикамиз тупроқ иклимига мос “Хотира” ва “Эҳтиёж” навлари яратилиб, 2021 йилдан давлат нав синовининг тупроқ назоратига топширилди.

Соянинг “Хотира” нави Украина давлати нав намуналари коллекциясидан келтирилган БК-15 рақамли намунасидан Ген-17 намунаси ажратиб олиниб, аналитик селекция йўли билан узоқ йиллар давомида мақсадли қайта-қайта танлаш натижасида нав даражасига етказилган. “Хотира” соя навининг ўсув даври 140-145 кун, ўсимлик бўйи 125-130 см, поядаги бўғинлар сони 25-27 дона, бўғин оралиғи узунлиги 4-5 см, дуккаклар сони 95-100 дона, битта дуккакдаги уруғ сони 1-3 дона, 100 дона уруғ оғирлиги 240-245 гр, оқсил миқдори 30%, мой миқдори 21%, поя ранги - оч яшил, пояси ўртacha тукланган, барги З бўлакли овалсимон, гул ранги – оқ, уруғ ранги – сариқ, уруғ чивигининг ранги - жигарранг.

Соянинг “Эҳтиёж” нави Австралия давлати келтирилган нав намуналари коллекциясидан Ген-24 намунаси ажратиб олиниб, аналитик селекция йўли билан узоқ йиллар давомида мақсадли қайта-қайта танлаш натижасида нав даражасига етказилган. “Эҳтиёж” соя навининг ўсув даври 145-150 кун, ўсимлик бўйи 130-135 см, поядаги бўғинлар сони 23-25 дона, бўғин оралиғи узунлиги 5-6 см, дуккаклар сони 98-100 дона, битта дуккакдаги уруғ сони 1-3 дона, 1000 дона уруғ оғирлиги 165-170 гр, оқсил миқдори 29%, мой миқдори 22%, поя ранги - оч яшил, пояси ўртacha тукланган, барги З бўлакли овалсимон, гул ранги – бинафша, уруғ ранги – сариқ, уруғ чивигининг ранги - жигарранг.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, соянинг “Хотира” ва “Эҳтиёж” навлари серҳосиллиги, оқсилга бойлиги, майдорлик хусусиятларига кўра республикамизнинг барча ҳудудларида экиш учун тавсия этилади.

Таржанбай АЛЛАМБЕРГЕНОВ,
б.ф.ф.д., катта иммий ходим,
Миратхам АБЗАЛОВ, б.ф.д., профессор,
Илхам ҚУРБАНБАЕВ, б.ф.д., катта иммий ходим,
Соҳиба АБДУШУКИРОВА, кичик иммий ходим,
Амирбек АМАНОВ, кичик иммий ходим,
Ориф ЭРГАШЕВ, к/х.ф.ф.д., катта иммий ходим,
Парда ҚАЙНАРОВ, кичик иммий ходим,
ЎзР ФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал
биологияси институти.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 марта даги ПҚ-2832-сонли “2017-2021 йилларда республикада соя экини экишни ва соя дони этишишини кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 июлдаги ПҚ-3144-сонли ҳамда 2017 йил 14 марта даги ПҚ-2832-сонли қарорига ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш тўғрисидаги” қарори.
3. Атабаева Х.Н. СОЯ. Монография, Т. Мил. энц. 2004, 96 б.

ПРОДУКТИВНОСТЬ КУКУРУЗЫ В ЗАВИСИМОСТИ ОТ ДОЗ МИНЕРАЛЬНЫХ УДОБРЕНИЙ

*A necessary condition for obtaining a high yield is the correct determination of the doses of fertilizers.
With good agricultural technology, corn gives high grain yields.*

Кукуруза — одно из важнейших зерновых и кормовых растений. Её широко используют как техническую культуру. Велико и агротехническое значение кукурузы. Как пропашная культура она оставляет после себя поле рыхлым и чистым от сорняков с большим запасом органического вещества в виде корней и стеблевых остатков. Поэтому кукуруза является хорошим предшественником для других культур.

Кукуруза обладает ценными мелиоративными свойствами — улучшает структуру почвы, обогащает её органическими веществами. По урожайности и кормовым достоинствам она превосходит все зерновые и кормовые культуры. Гибриды кукурузы быстрее растут, развиваются и дают повышенные урожаи. Поэтому в производственных условиях часто при севе используют гибридные семена. Кукуруза отзывчива на удобрения, особенно на азотные.

Применение минеральных удобрений является неотъемлемой частью агротехники возделывания кукурузы. Одним из важных факторов получения высоких урожаев кукурузы, является правильное применение минеральных удобрений.

В условиях Ташкентской области для получения высокого урожая у гибридов кукурузы, рекомендуется внесение 240 кг азота и густоту стояния растений 70 тыс. растений на гектар.

На засоленных землях, где ежегодно проводятся промывные поливы, вопросы установления эффективных норм и сроков внесения азотных удобрений под кукурузы, с учетом содержания и режима азота в почве изучены недостаточно. В связи с этим нами проводились исследования с целью установления закономерности динамики азота и определение наиболее эффективных норм и сроков внесения азотных удобрений под кукурузы для засоленных почв Каракалпакстана.

Полевые опыты проводились в экспериментальной базе Каракалпакского научно-исследовательского института земледелия, на луговых, слабозасоленных почвах, засоление хлоридно-сульфатное. Промывные поливы проводились в зимне-весенний период, общей нормой 2500-3000 м³/га. Повторность опыта четырехкратная. Годовая норма удобрений N₂₃₀, P₁₄₀, K₉₀ кг/га. Под основную обработку внесли 100 кг фосфора. При второй культивации вносили 100 кг азота.

Почва опытного участка характеризуется следующими показателями: содержание гумуса 1,24-1,29, общего азота 0,08-0,10 %, нитратного азота 55,0 мг на 1 кг почвы, под-

важного фосфора 14,5 мг, подвижного калия 18,2-28,5 мг на 100 г почвы. Плотного остатка 0,70 %, хлора 0,0385 %. В горизонте 0-20 см, нитратного азота 33,6 мг, подвижного фосфора 13,6 мг, плотного остатка 0,207 % и хлора 0,138 %. Почва по механическому составу среднесуглинистая, грунтовые воды залегали на глубине 1,9 м.

Основная масса нитратного азота к моменту проведения промывных поливов, концентрируется в верхних горизонтах почвы, а под влиянием этих поливов, нитратный азот вымывается в более низкие слои. После промывки содержание его сильно уменьшалось в верхних горизонтах почвы, и значительно увеличились в грунтовой воде. В грунтовой воде слабозасоленной почвы содержание нитратного азота составляло до промывки 4,5 мг/л, а после промывки 35,5 мг/л.

В опыте вынос элементов минерального питания на 1 ц абсолютно сухого вещества составил N-1,24-1,45, P₂O₅-0,42-0,57 и K₂O – 2,12-2,77 %. Использование азота, фосфора и калия из почвы равнялось соответственно 27-55, 14-47 и 38-77, а из минеральных удобрений 57-78, 19-43 и 48-88%.

Необходимым условием получения высокого урожая является правильное определение доз удобрений. При хорошей агротехнике кукуруза дает высокие урожаи зерна. Нормы удобрений рассчитывали потребностям в основных элементах питания, их поступление из почвы и удобрений.

Наиболее заметное влияние на рост и развитие наблюдалось в вариантах с высокими дозами минеральных удобрений, где вносили азота 230 кг/га, фосфора 140 кг/га и калия 90 кг/га. Прибавка урожая полностью зависела от условий питания. Наибольшие прибавки урожая получены при внесении высоких доз минеральных удобрений. В этих вариантах при соотношении питательных элементов 1:0,6:0,4 и при густоте стояния 70 тыс. растений на гектар, создавались наиболее благоприятные условия для накопления высокого урожая.

На образование высокого урожая она затрачивает больше питательных веществ. Более половины их растения потребляют во второй период вегетации. Поэтому, подкормки кукурузы имеют большое значение. Кукуруза очень чувствительна к недостатку влаги в почве и отзывчива на орошение. При высокой агротехнике кукуруза дает 100 ц и более зерна и 700-800 ц зеленой массы с 1 га.

**Айсулы́ү НУРЫМБЕТОВА, магистрант,
Ниетбай РЕЙМОВ, к.с.-х.н.,
Нукусский филиал ТашГАУ**

ЛИТЕРАТУРА

1. Косинский В.С., Рубанов А.М., Ткачев В.В., Сучилина А.А. Основы земледелия и растениеводства. М.: «Колос», 1980, -335 с.
2. Атабаева Х.Н., Массино И.В. Биология зерновых культур. Ташкент, 2005, -201 с.
3. Еденбаев Д., Ким Н.А., Турсунбаев К. Получение программированных урожаев кукурузы на силос и зеленой массы в Каракалпакии. В сб. Результаты исследований по агротехнике селекции и семеноводству сельскохозяйственных культур. Ташкент, «Мехнат», 1988, 131 с.
4. Илюшкина Н.И. Влияние удобрений на площадь листовой поверхности и урожай кукурузы. –Воронеж, 1974.

ЮРТИМИЗНИНГ ДАНАКЛИ МЕВАЛАРИ

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилган улкан ислоҳотлар қишлоқ хўжалигини тубдан диверсификация қилиш имконини берди, пировардиа, аҳолини асосий озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлашга эришилди. Юртимизда етиширилган мевалар (айниқса, данакли мевалар) таъми ва хушбўйлиги билан дунёда ўта харидоргир ҳисобланади. Республикаимида етишириладиган мевалар юқори қандилиги ва сифати билан тан олинган.

Маълумки, мевалар кўйидаги гурӯхланади: данакли мевалар — ўрик, шафтоли, олча, гилос, олхўри; уруғли мевалар — олма, нок, беҳи; резавор мевалар — узум, қорағат (смородина), кулупнай, крижовник, малина (парманчак) ва ёввойи мевалар; субтропик ва тропик мевалар — лимон, мандарин, апельсин, анор, хурмо, анжир, ананас ва бошқалар; ёнгоқсимон мевалар — юон ёнғоги, ерёнгоқ, кедр ёнғоги, бодом, писта ва бошқалар.

Данакли мевалар пўстлоқдан, ширали магиздан, қаттиқ пўчоқ ва пўчоқ ичида магиз (урӯғдан иборат бўлади. Уларнинг кимёвий таркиби 1-жадвалда кўрсатиб ўтилган.

Данакли меваларнинг кимёвий таркиби. (% да)

| Меванинг номи | Сув | Қанд | Органик кислота | Пектин моддаси | Клетчатка | С витамини, мг. |
|---------------|-------|----------|-----------------|----------------|-----------|-----------------|
| Ўрик | 83-87 | 4,5 | 0,2-2,5 | 0,4-1,2 | 0,4-1,0 | 20-28 |
| Шафтоли | 85-88 | 7,5-15 | 0,5-1,0 | 0,6-1,2 | 0,4-0,5 | 7-20 |
| Олхўри | 79-85 | 8,7-15,6 | 0,4-1,0 | 0,7-0,8 | 0,3-0,5 | 5-10 |
| Олча | 74-85 | 10-17,0 | 0,9-2,8 | 0,4-0,7 | 0,2-0,3 | 10,0 |
| Гилос | 77-87 | 8,4-14,5 | 0,9-2,3 | 0,4-0,6 | 0,18-0,25 | 2-6 |

Ўрик. Ўрик асосан Марказий Осиёда, Кавказда, Молдавия ва Украинада экилади. Республикаимида ҳам ўрик энг кўп тарқалган данакли мевалардан бири ҳисобланади.



Ўрик навлари қайси соҳада ишлатилишига қараб хўраки-консервабоп ва қутилиладиган навларга бўлинади.

Хўраки-консервабоп навларнинг меваси йирик, ранги очик чиройли, эти ширали, таъми ёқимли бўлади. Буларга «Арзами», «Ахори», «Самарқанд маҳтобиси», «Рухи-Джуванон», «Кечпишар», «Шалаҳ Наврўз» навларини мисол қилиб айтиш мумкин.

Қутилиладиган ўрик навларининг эти зич, сариқ рангли, таркибида қанд кўп ва кислота кам бўлади. Буларга асосан куйидаги Ўтра Осиё навлари киради: «Субҳони», «Мирсанжали», «Хурмаи», «Исфарақ Қайси», «Кўрсадиқ», «Бобои», «Зарафшон кечкиси», «Кондак» ва бошқалар.

Биринчи товар навига қирилиладиган мевалар шакли ранги бўйича айнан шу помологик навга хос, балдоқли ёки балдоқсиз, пўстлоғи шикастланмаган, пишганлик даражаси бир хил, лекин ғура ёки пишиб ўтиб кетмаган бўлиши лозим. Энг катта кесимининг диаметри 25 мм. дан кам бўлмаслиги керак. Иккинчи товар навига қирилиладиганлар эса, уларнинг

шакли шу навдан бир оз фарқли бўлиши, пишганлик даражаси ҳам ҳар хил бўлишига йўл қўйилади. Шу билан бир қаторда, меваларнинг ўлчами меъёрланмайди.

Шафтоли. У тарқалганилиги бўйича ўриқдан кейинги ўринда туради. Ўриқдан катталиги, этининг кўпроқ ширалиги ва хушбўй хидга эгалиги билан фарқ қиласи. Асосан, хўраки мева тарзида истеъмол қилинади. Шунингдек, улар мураббо, шарбатлар, компотлар тайёрлашда ҳам ишлатилади.

Шафтолилар мева сиртининг ҳолатига қараб тукли, туксиз, дагнагининг ажралишига қараб эса, данаги осон ажраладиган ва данагидан ажралмайдиган, пишиш рангига қараб эса, оқ ва сариқ этли турларга бўлинади.

Республикаимида энг кўп тарқалган шафтоли навларига 1-жадвал. «Авангард», «Ватан», «Зафар», «Оқ шафтоли», «Анжир шафтоли», «Лола», «Малиновий», «Эльберта», «Старт», «Фарҳод Ширин», «Сальвей» навлари киради.



Шафтолининг сифати стандарт талаби бўйича ўрик мевалари сифат кўрсаткичларига қараб олий, биринчи ва иккинчи товар навларига бўлинади.

Олий ва биринчи товар навига киритиладиган мевалар бутун, тоза, соғлом, яхши етилган, ортиқча намликларсиз,

бегона таъмларсиз ва ҳидларсиз бўлиши керак.

Иккинчи товар навида эса, шакли ва ранги шу помологик навга хос бўлмаган навлар ҳам бўлишига йўл қўйилади.

Олхўри. Олхўриларнинг боғда ўсадиган (хонаки) олхўрилар, тоғолча, тикан олхўрилар каби турлари мавжуд. Олхўри, асосан, Республикаимида Тошкент, Самарқанд, Сурхондарё, Фарғона вилоятларининг тоғолди худудларида кўплаб етиширилади.

Хонаки олхўрининг бир неча тури ўстирилади. Республикаимида асосан венгеркалар кўп тарқалган турлардан ҳисобланади.



Венгеркаларнинг меваси ўртача катталиқда, тухумсифат чўзинчоқ, тўқ кўқ бўлади. Эти зич, серсув, данагидан яхши ажрапади. Венгеркалар хўл ҳолда истеъмол қилинади ва улардан мураббо, шарбат, компотлар, қутилилган маҳсулотлар ҳам олиш мумкин.

Венгеркаларнинг кўп тарқалган навларига «Бинафша венгерка», «Италия венгеркаси», «Исполинская венгеркаси», «Хонаки венгерка» каби навларни киритиш мумкин.

Ренклодлар меваси думалоқ, камдан-кам овал шакли, яшил ёки сариқ рангли, мазаси ширин, данаги ажралмайдиган бўлади. Улар ҳам хўл мева сифатида истеъмол қилинади ва қайта ишланиб, улардан ҳар хил маҳсулотлар олиниши мумкин.

Тухумсимон олхўриларнинг меваси йирик тухумга ўхшаш, ранги сариқ ёки тўқ-сариқ, эти зич, серсув бўлади.

Бундан ташқари, республикамида олхўрининг халқ селекциясига даҳлдор бўлган «Кўксултон», «Қорали» каби турлари ҳам қадим замонлардан бўён экилиб келинмоқда.

Олхўриларнинг сифати стандарт талабига жавоб берishi керак. Бу стандарт талаби бўйича олхўри мевалари сифат кўрсаткичларига қараб биринчи ва иккинчи товар навларига бўлинади.

Биринчи товар навига киритиладиган мевалар шакли ва ранги бўйича айнан шу помологик навга хос, бутун, тоза, соғлом, яхши етилган, бегона таъмларсиз ва ҳидларсиз бўлиши керак. Иккинчи товар навига киритиладиган меваларда эса, уларнинг шакли шу навдан бироз фарқ қилиши, пишганлик дараражаси ҳам ҳар хил бўлишига йўл қўйилади.

Олча. Олча меваси ҳўл тарзда истеъмол қилинади ва ундан хилма-хил консерваланган маҳсулотлар ишлаб чиқариш мумкин. Шунингдек, олчани қуритиб ҳам яхши маҳсулотлар олиш мумкин.

Олчанинг республикамида энг кўп тарқалган навларига «Англия эрта пишар», «Лотовая», «Майская», «Самарқанд», «Подбелская», «Қора шпанка» каби навларини киритиш мумкин.

Ҳар бир товар навига киритиладиган олчалар шакли ва ранги бўйича айнан шу помологик навга хос, яхши пишган, бутун, тоза, соғлом, ортиқча намликларсиз, бегона таъм ва ҳидларсиз бўлиши керак.




Олча меваларининг биринчи товар навида кўндаланг кесимининг диаметри 15 мм. дан, меваси майдага бўладиган навларида эса 12 мм. дан кам бўлмаслиги меъёрий ҳужжатларда қайд этилган. Олчанинг иккинчи товар навлари учун мева кўндаланг кесимининг диаметри чегараланмайди.

Олча мевасининг сифатини баҳолашда ҳам гилос мева-сидаги сингари айрим четланишларга йўл қўйилади. Бу четланишлар турлари ва даражаси бўйича гилос меваларидағи четланишлардан деярли фарқ қилмайди.

Гилос. Олчага нисбатан иссиқсевар ўсимлик бўлганлиги учун республикамида кенг тарқалган. Бошқа данакли меваларга нисбатан гилос эртапишарлиги билан жуда аҳамиятлидир.

Гилоснинг меваси олчадан кўра йирикроқ ва ширинроқ бўлади. Гилослар этининг тузилишига қараб тоғасимон-этли ва майнин серсув этли турларга бўлинади.



Республикамида кенг тарқалган гилос навларига «Сариқ Дроган», «Золотая», «Қора гилос», «Победа», «Майский», «Саври сурхани» кабиларни киритиш мумкин.

Ҳар бир товар навига киритиладиган мевалар шакли ва ранги бўйича айнан шу помологик навга хос, яхши пишган, бутун, тоза, соғлом, ортиқча намликларсиз, бегона таъм ва ҳидларсиз бўлиши керак.

Облокул ШОДМОНҚУЛОВ,
иқтисод фанлари номзоди, доцент,
Куропли Кучлар Академияси.

УЎТ: 631.52 + 635.21

ТАДҚИҚОТ

КАРТОШКА НАВЛАРИНИНГ ҲОСИЛДОРЛИГИ

Variety factor is one of the main factors ensuring high and quality yield of potatoes. Therefore, the selection of varieties, taking into account the biological characteristics of the varieties and soil-climatic conditions, ensures high and quality yields under certain conditions.

Республика аҳолисини йил давомида картошка ва ундан тайёрланадиган маҳсулотлар билан таъминлаб туриш учун экиндан юқори ва сифатли ҳосил олиш билан бирга, ҳар бир тупроқ-иклим зонаси учун экиладиган навларни тўғри танлаш катта аҳамият касб этади.

Маълумки, картошка биологик жиҳатдан мўътадил иклим экини ҳисобланади. Шунинг учун ҳам республикамиз шароити учун картошка селекциясининг муҳим регионал вазифаларидан бири муайян тупроқ-иклим зоналарида етиштириш учун мос навларни яратишдир. Бундай жойларда картошка етиштириш учун навларда сугориладиган майдонларда ҳаво ва тупроқнинг юқори ҳарорати ва намгарчиллик кам шароитларда ҳам ўса оладиган навлар керак. Яратиладиган навларда бир йилда икки ҳосил олишга яроқли, тезпишар, тиним даври қисқа бўлган навлардан фойдаланиш бу зоналар учун муҳим аҳамият касб этади.

Ишлаб чиқариш ходимлари томонидан янги навларга бир нечта бошқа талаблар ҳам қўйилади. Масалан, туганакларнинг кам шикастланувчанлиги, эластиклиги, механизмлардан

шикастланган жойларида перидерма қаватларнинг тез ҳосил бўлиши ва ҳоказо. Бундай белгига эга бўлган навлар ҳосилни йигишиши, сақлаш ва ташиб даврида йўқотишларнинг олдини олади.

Республикамиз шароитида Давлат реестрига киритилган кўпгина Голландия картошка навлари экилмоқда. Уларнинг орасидан баҳорги ва ёзги муддатларда етиштириш учун мос навларни тўғри танлаш ишлаб чиқариш ходимлари олдида маълум қийинчиликларни туғдирмоқда.

Юқорида келтирилган маълумотларни ҳисобга олган ҳолда, биз Самарқанд вилояти шароитида картошканинг Голландиядан келтирилган навлари ҳосилдорлик кўрсаткичларини баҳолаш мақсадида дала тажрибаларини ўтказдик.

Тадқиқотларимиз Сабзавот, полиз экинлари ва картошканинг качилик илмий-тадқиқот институтининг Самарқанд илмий-тажриба станцияси далаларида ўтказилди.

Тадқиқотларимиз обьекти сифатида картошканинг Голландиядан келтирилган «Аризона», «Савиола», «Эволюшн» ва «Санте» (ст) навлари хизмат қилди.

Илмий тадқиқот ишлари «Дала тажрибаларини ўтказиш услуглари» (2007), Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги Вазирлиги, Ўзбекистон қишлоқ хўжалик илмий-ишлаб чиқариш марказларининг услугбий қўлланмалари асосида ўтказилди.

Жадвал.

Картошка навларининг ҳосилдорлик кўрсаткичлари.

| № | Нав номи | Ўсув даври давомийлиги, кун хисобида | | Ҳосилдорлик т/га | |
|---|-----------|--------------------------------------|---------------|------------------|---------------|
| | | баҳорги муддатда | ёзги муддатда | баҳорги муддатда | ёзги муддатда |
| 1 | Аризона | 90 | 95 | 34,6 | 95 |
| 2 | Савиола | 96 | 98 | 29,7 | 98 |
| 3 | Эволюшн | 80 | 86 | 28,4 | 86 |
| 4 | Санте(ст) | 90 | 96 | 26,1 | 96 |

Тадқиқотларда қуйидаги кузатиш, ўлчаш ва ҳисоблаш ишлари ўтказилди:

- баҳорги ва ёзги муддатларда навларнинг ўсув даври давомийлиги фенологик кузатишлар ёрдамида (НИИХХ, 1967, 1989), навларнинг биометрик кўрсаткичлари картошкачилик илмий-тадқиқот институти услугибарида (НИИХХ, 1967, 1989) аниқланди. Тадқиқотлардан олинган натижалар Б.Доспехов (1979) бўйича статистик ишланди.

Ўтказилган фенологик кузатишларнинг кўрсатишича, навларнинг ўсув даври давомийлиги экинни етишириш муддатларига боғлиқ равишда ўзгариши мумкин. Масалан, баҳорги муддатда етиширилганда ўрганилган навларнинг ўсув даври давомийлиги 80-96 кунни, ёзги муддатда етиширилганда эса 86-98 кунни ташкил қилди. Навлар кесимида қилинган таҳлилларнинг кўрсатишича, «Аризона» навининг ўсув даври давомийлиги баҳорги муддатда етиширилганда 90 кунни

ташкил этган этган бўлса, ёзги муддатда эса бу кўрсатгич 95 кунни ташкил этди. Аналогик кўрсаткичлар ўрганилган барча навларда кузатилди. Бундай натижалар ёзги муддатда етиширилганда картошка навлари ўсув даврининг ҳаво ҳароратининг нисбатан паст даврига тўғри келиши билан боғлиқ.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, баҳорги муддатда етиширилганда ўрганилган ҳамма навларда ёзги муддатда етиширилганга нисбатан юқори ҳосил олинди. Бу муддатда ҳосилдорлик кўрсаткичлари навлар бўйича 29.7-34.6 т/га ни ташкил этди. Ёзги муддатда етиширилганда эса, бу навлардан ўртача майдон бирлигидан 26.3-30.5 т. ҳосил олинди. Ўрганилган картошка навлари орасида «Аризона» нави ҳар икки муддатда етиширилганда, юқори ҳосилдорликни намоён этди. Масалан, баҳорги муддатда бу навдан гектаридан ўртача 34,6 т ҳосил олинган бўлса, ёзги муддатда бу кўрсаткич 30,5 т. ни ташкил қилди. Ўрганилган «Савиола» ва «Эволюшн» навлари ҳам ҳосилдорлик кўрсаткичлари бўйича стандарт «Санте» навидан юқори кўрсаткични намоён этди.

Шуни таъкидлаш керакки, ўрганилган навлар орасида «Эволюшн» нави ўзига хос ҳусусиятларни намоён қилди. Масалан, ўсимликларнинг ўсув даври ва ҳосилдорлиги ўртасида тўғри коррелятив боғлиқлик мавжудлигига қарамасдан ҳар икки муддатда етиширилганда «Эволюшн» нави стандарт сифатида ўрганилган «Санте» навига нисбаттан ўсув даври қисқа бўлишига қарамасдан юқори ҳосилдорлик кўрсаткичини намоён этди.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, республика тупроқ-иклим шароитида баҳорги ва ёзги муддатларда етишириш учун картошканинг «Аризона», «Савиола» ва «Эволюшн» навларидан фойдаланиш юқори ҳосил олишни таъминлайди.

Ибрагим ЭРГАШЕВ,
к.х.ф.д., профессор,
Феруз ОБЛОҚУЛОВ, (PhD),
Самарқанд ветеринария медицинаси институти.

АДАБИЁТЛАР

- Абдукаримов Д.Т., Остонакулов Т.Э. ва бошқалар. «Ўзбекистонда картошка селекциясига оид тавсиялар». Самарқанд, 2005 йил. 34 бет.
- Eshonkulov B. Ergashev I. Obloqulov F. "Potato production from True Potato Seed" Wissenschaftliche Zeitschrift „European Applied Sciences“ ISSN 2195-2183, № 4 2016
- Эргашев И.Т.Д. Normurodov. Effective way of potato propagation "Potato and Vegetables" ISSN 0022-9148, , № 3 2016.
- <http://potato veg.ru/>

УЎТ: 631.6

ТАДҚИҚОТ

ТОМАТ ЎСИМЛИГИНИ ЕТИШТИРИШ УСУЛЛАРИ

There are several methods of growing tomatoes in a controlled agrosystem (CAS): hydroponics, iontoponics, aeroponics, ageroponics, heteorponics and soil methods.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотларига кўра, мамлакатимиз 2019 йил январь ойида 2,1 минг тонна, 2020 йил январь ойида 2,9 минг тонна, 2021 йилнинг январь ойида 4,9 млн. АҚШ доллариага тенг бўлган 7,4 минг тонна томат экспорт қўлган. Бу кўрсаткич ўтган 2020 йилга нисбатан 2,5 баробарга ошганини кўришимиз мумкин. Инсон табиий эҳтиёжларини ёки озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган табабнинг доимий ортиб бориши ҳамда аҳолини арzon ва сифатли сабзавот маҳсулотлари билан таъминлашда бошқарилувчи агротизим (БАТ)ларнинг бундаги ўрни бекиёс. БАТ шароитида томат

ўсимлигини етиширишнинг бир қанча усуслари мавжуд. Томат меваларининг минерал таркиби борасида доимий ўтказиб турилган нисбий таҳлиллар шуну кўрсатдиги, тупроқли ва тупроқсиз муҳитда етиширилган томат меваларининг таркибидаги қуруқ моддалар, азот, фосфор, калий ва микроэлементлар ўртасида фарқ катта эмас. А. В. Алпатьев тадқиқотлари томат меваларининг таъм ҳусусиятлари, уларда витамин С, каротин, қанд ва қуруқ моддалар томат ўсимлигини тупроқли ёки тупроқсиз муҳитда етиширилганда катта фарқ қилмайди, бироқ таъкидланишича, тупроқсиз ўсган ўсимликлар эртароқ ҳосил берга бошлаб, уларнинг

мевалари тупроқда етиштирилган томат ўсимлигига нисбатан йирикөр ва текисроқ бўлиши кузатилди.

Гидропоника усулида ўсимлик илдиз тизими маҳсус тувакчаларда жойлашган бўлиб, субстратнинг йўқлиги билан ажralиб туради. Ўсимлик илдизларини тўйинтириш аэрация ва рециркуляция жараёни орқали доимий ҳаракатда бўлган озуқа эритмалар ҳисобига таъминланади. Бунда контейнернинг устидаги эритмани вақти-вақти билан янгиланиб туриш шарт. Насос ўчирилганда, ўсимликлар контейнернинг тагидаги эритма билан фақатгина бир неча кун давомида таъминланаб туриши мумкин.

Ионитопоника - иккита синтетик қатронларнинг аралашмасидан иборат бўлган субстратда етиштириш ҳисобланади. Ионитли субстратнинг нархи юқори бўлганлиги боис кенг миқёсида кўлланилмаган.

Аэропонли етиштиришда ўсимлик поясига қотирилиб, илдиз тизими ёпиқ бўшлиқга жойлаштирилади. Озуқавий эритма илдизларга вақти-вақти билан пуркаб турилади. Мазкур технологияларнинг кўлланилиши тўлиқ автоматлаштирилган тизими талаб қиласди. Шу боис маҳсулот таннахи қиммат ҳамда амалга оширишда технологик қийинчиликлар мавжудлиги туфайли кенг тарқалмаган.

Агрегатопоника тупроқ ўрнини босувчилар кўлланиладиган ўсимликларни етиштиришнинг энг яхши ишланган усули ҳисобланади. Бунда минерал ва синтетик субстратлар CO_2 ни етарлича ҳосил қиласди, ўсимликлар интенсив етиштириш давомида карбонат ангидрид газининг тақчиллигига учрайди, шунинг учун агрегатопоника усулини кўллашда ўсимликларни карбонат ангидрид гази (CO_2) билан озиқлантириш учун кўшимча ускуна талаб қилинади.

Хемопоника технологиясининг илдиз ўсувчи муҳитда (ИЎМ) субстрат органик материаллар – дарахт қобиги, торф (йўсими), ёғоч қипиги ҳамда яхши сув ўтказуви юқори юза қатлам торф ишлатилади. Торф қатламидан йиллар давомида фойдаланиш шуни кўрсатдики, унинг фойдаланилган йилдан бошлаб 3 йил муддатда самарали ишлаши кузатилди. 4-йил вегетация даври бошланишидан аввал, умумий торф ҳажмининг 15-20% миқдо-

рида янги торф кўшилиши лозим бўлади. Акс ҳолларда илдиз тизимининг ривожланиши секинлашади ва ҳосилдорликни камайшига олиб келади. Кўшимча равишда кўшилган торф юқори қатламнинг сув сақлаш ҳамда аэрация жараёнлари ёмонлашувининг олдини олади.

Ҳимояланган тупроқларда томат ўсимлигини етиштириш юқорида келтирилган усулларга қараганда энг арzon бўлиб, анъанавий дехқончиликда кўлланиб келаётган усул ҳисобланади. Бунда илдиз ўсувчи муҳит (ИЎМ)ни зичлашиши, шўрланишининг олдини олиш ҳамда керакли миқдордаги намликни таъминлаб туриш талаб этилади. Тупроқ усулида томат етиштирганда йилда бир марта шўр ювиш ҳамда маҳаллий ўғит билан ишлов бериш мақсадга мувофиқдир. Маҳаллий дехқонларимизнинг тажрибаларига назар соладиган бўлсак, кўчат экиладиган жой 15-25 см чукурликда ариқча шаклида қазилиб, маҳаллий ўғит солинади ва устки қисмига 10-15 см қалинлиқда тупрок ётқизилади ҳамда экиш схемасига мувофиқ кўчат экилади.

Ўсимликлар ораларида ҳаво айланишини яхшилаш мақсадида пастки барглари олиб турлилади. Пастки иккি дона барги олингандан кейин, узилган жойи битмагунча бошқа барг олинмайди. Акс ҳолда ўсимликнинг стресс даври чўзилиб кетиши ёки касалниши мумкин. Узилган баргнинг ўрни тезроқ битиши учун маҳсус кимёвий воситалардан фойдаланиш ҳам мумкин. Доимий равиша касаллик ва заараркурандаларга қарши курашиб турилади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, юқорида келтирилган БАТ усулларининг ҳар бирининг ўзига хос ҳусусиятлари бўлиб, энг кенг тарқалганлари гидропоника ва тупроқли етиштириш усуллари ҳисобланади. Гидропоника усулида илдиз жойлашган субстрат Голландиянинг “Городан” фирмаси ёки бошқа хорижий давлатлар томонидан ишлаб чиқарилган минерал пахтадан фойдаланилади ва жиҳозларининг деярли барчаси валюта ҳисобига сотиб олинади. Шунинг учун тупроқли усуlda етиштирилганда мевалари нархи арzonлиги билан ажralиб туради.

Абдусамат УБАЙДИЛЛАЕВ,
Рустам МУРАДОВ,
ТИҚХММИ.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари. 2021 й.
2. А. В. Алпатьев. Томаты. – М.: Колос, 1981. –304 с.
3. Р. А. Muradov, А. А. Хожиев “Влаго и солеперенос в начальный период развития растений”. Журнал “Научная жизнь”. (9) 2018 г., 45-53 с.
4. R. A. Muradov (2014) “Планировка земель на просадочных грунтах”. Научный журнал Российской НИИ проблем мелиорации, №3(15), 2014 г., 69-81 с.
5. Норқулов У., Низомова М.У., “Гидропоника шароитида томат етиштириш”. “АгроИЛМ” журнали. 2017 й. №4 сон.
6. О. Р. Удалова “Новый подход к решению проблемы получения высококачественной растительной продукции”. ООО “Фитосфера”. Санкт Петербург, 2011 г.

УЎТ: 635.21 + 631.52

ТАДҚИҚОТ

НОАНЬАНАВИЙ САБЗАВОТ – ТИКАНАЛИ АРТИШОКНИНГ ОЗУҚАБОПЛИК ВА ШИФОБАХШЛИК ҲУСУСИЯТЛАРИ

Under the germination of generative seeds of potatoes, possible to get out of bugs , the first and efficient materials of seed raising .For this , it is necessary to choose similar , botanical seeds for germination, among studied sorts

Гуллайдиган артишок ўсимликлари (*Cynara scolymus L.*) ташки белгиларига кўра күшкўнмас (*Carduus acanthoides L.*) ўсимлигига ўхшайди. Күшкўнмас сингари, артишоқда ҳам катта тукли барглар мавжуд. Фақатгина фарқи шундаки, күшкўнмас-

ларда улар кизил, енгил бинафша рангга эга ва у жуда кичикроқ шаклда бўлиб, тиканли артишокларда эса улар катта, кўк рангга эга. Ушбу ўсимликларнинг ўхшашлиги тасодифий эмас: улар бир оила, яъни мураккабгулдошлар (Астровые) оиласига киради.

Артишок кўп йиллик сабзавот ўсимлигидир. Шунинг учун, у жуда тарвақайлаб кетган бақувват илдиз тизимиға эга бўлиб, узун илдизларни ҳосил қиласди. Барглари йирик, қирқилган - найзасимон. Пастки қисми кулранг туклар билан қолланган, яшил ёки кулранг-яшил ранѓа.

Пояси заиф тарвақайлаб кетган, баландлиги 1-1,5 м ва ундан ортиқ, бўлиб, тепа қисми гулдаста билан тугайди. Тўпгуллар (саватчалар) етиштириш услугига қараб вегетация даврининг биринчи ёки иккинчи йилларида ҳосил беради. Тўпгули - саватча (бошча), иккита шаклдаги гулларни ўз ичига олиб, улар сарик ва кўк рангдадир. Саватчаларининг диаметри 15-20 см. бўлиб, шар шаклида ёки чўзинчок, ясси юмалок, конус шаклида, кенг қалин гўштли кўринишда бўлади. Саватчаларининг вазни 100-350 г бўлиб, асосан, артишокнинг навларига ва ўсиш шароитларига боғлиқ.

Артишок четдан чангланадиган ўсимлик. Чангланиш шамол, асаларилар ва бошқа ҳашаротлар ёрдамида содир бўлади. Четдан чангланишни ҳисобга олган ҳолда, уруғ етиштириш пайтида барча навлар орасида ҳаво изоляцияси кузатилади: очик жойларда - камида 2 км, иссиҳоналарда - 600-800 м. У июль-август ойларида гуллайди. Меваси кўп уруғли. Уруғлари кулранг, қора чизиклари ёки доғлари бор. Катта, қаттик пўст билан қолланган (кунгабоқар уруғларига ўхшаш), узунилиги 6-7 мм. 1000 дона ургуфнинг массаси (мутлақ оғирлиги) 40-55 г. ни ташкил қиласди. Уларнинг нормал шароитда унувчанлиги 4-5 йил ва ундан кўпроқ вақт давомида сақланиб туради.

Артишок иссиқсевар ўсимлик бўлиб, совуқка $-2\dots -3^{\circ}\text{C}$ гача бардош беради. Ўсимликлар -1°C да заарланиб, $-2\dots -3^{\circ}\text{C}$ да тўлиқ нобуд бўлади. Артишок 10-15 см қатламда тупроқ билан яхши қолланган ва қишида ҳарорат $-8\dots -10^{\circ}\text{C}$ бўлганда ҳам яхши қишлияди. Кучли совуқда артишок нобуд бўлиши (музлаши) мумкин. Артишокнинг ўсиши ва ривожланиши учун оптималь ҳарорат $-20-25^{\circ}\text{C}$ ҳисобланади. Ҳарорат 0°C бўлганда, артишокнинг тўпгуллари қораяди ва таъмсиз бўлиб қолади.

Артишокнинг тупроқ унумдорлигига жуда талабчанлиги аниқланди. Тупроқ чуқур ҳайдалиши ва органик моддалар билан яхши таъминланиши, қалин гумус, намлик етарлича бўлиши лозим ($\text{pH } 6.5-7.5$). Ҳаддан ташқари намлиқда артишок ўсимлигининг яхши ривожланаслиги натижасида улар илдизларининг чириш ҳолатларини кузатиш мумкин.

Ноанъанавий сабзавот тиканли артишок мамлакатимиз сабзавотчилигига янги, аммо истиқболли ўсимлик ҳисобланади. Унинг қалинлашган пояслари ва ёш саватчалари озиқ-овқат учун ишлатилади. Ташки ўрам баргларида, шунингдек, бошининг пастки қисмида кўплаб углеводлар ва истеъмолга ёқимли таъм берадиган маҳсус хушбўй моддалар мавжуд. Ёш артишокнинг этдор қисми янги, пишмаган ёнғоққа ўхшайди.

Артишокнинг даволовчи ҳусусиятлари қадим замонлардан бери ўрганиб келинади. Қадимги даволовчилар артишок барглари шарбатидан даволовчи ва овқат ҳазм қилувчи сифатида

фойдаланишган.

Артишок баргларида цинарин, фенокислоталар (хлороген, кофе ва бошқалар), флавоноидлар, полисахаридлар, оқсиллар, микроэлементлар, витаминлар мавжуд; тўпгуллари таркибида фрукто-олигосахаридлар деб номланган паст молекуляр оғирлиқдаги полимерлар шаклидаги углеводлар мавжуд.

Маълумотларга қараганда, бир йиллик артишокнинг тўпгуллари таркибида қўйидаги: куруқ моддалар - 15-27 мг%; шакар - 15 мг%/гача; оқсиллар - 2,5 мг%; аскорбин кислотаси - 2-3,8 мг%; каротин - 0,2 мг% каби доривор моддалар, шунингдек, улар таркибида инулин ва динарин гликозиди мавжуд.

Артишок таркибида цинарин (сунарин) деб номланган кимёвий модда мавжуд бўлиб, у кўпчилик одамларнинг ширинликларга сезирлигини оширади ва таъм сезишини пасайтиради. Бу ҳолат сифатли шаробнинг (вино) таъмини бузади. Шу сабабли, артишок билан совуқ сув ичиш тавсия қилинали, чунки у ёқимли ширин таъмга эга бўлади.

Артишокдан олинадиган фармакологик моддалар қон таркибидаги холестерол, липидларни ва карбамидни пасайтиради, шунингдек, ичакларни стимуляция килишини; ичак флорасини тиклайди; юқори қон босимини нормаллаштиради.

Артишок тўпгул этида: 2,5-3% оқсил, 7-15% углеводлар, 3-11 мг% витамин C, 0,4 мг% каротин, A, B₁ ва B₂ витаминлари, PP, 86-88% сув мавжуд бўлиб, унинг уруғлари таркибида тахминан 30% гача ёғ бўлиб, чорвачилик соҳасида озуқа сифатида ишлатилади.

Тўпгул эти таркибида азотли моддалар 2,5%, қандлар 1%, дексстрин 2%, топалар 1,3%, полисахарид, инулин, каротин, ўсимлик ёғлари, минерал тузлар (айниқса калий ва темир жуда кўп) учрайди. Бундан ташқари, калий ва натрий тузлари муҳим ишқорий ҳусусиятга эга бўлиб, артишок меъда ширасининг юқори кислоталигидан азият чекадиган одамлар учун фойдалидир. Артишокнинг этли (пастки) қисмларида шакар миқдори кўпроқ (2,2%).

Артишок озуқа (яшил озуқа ва силослаш учун) ва манзарали ўсимлик сифатида ишлатилади. Унинг биологик хомашёсидан электр манбаи сифатида ҳам фойдаланилади. Шунингдек, у қандли диабет, жигар ва буйрак касаллукларида кўлланилади. Бу кексалар учун фойдалидир, чунки у шифобаҳш ҳусусиятларга эга. Артишокнинг энергия қиймати жуда муҳим: 100 г. ўсимлик вазнига 290 қДЖ тўғри келади. Тупроқ таркибида кўргошин ва симоб миқдори кўп бўлган тақдирда ҳам артишок бемалол ўсиб ривожланади.

Тиканли артишок асосида кўплаб мамлакатларда бир қатор дори-дармонлар ишлаб чиқарилади.

Алимардон ТУРАКУЛОВ,
мустакил тадқиқотчи,
Нилуфар АБДУМАЛИКОВА,
талаба,
ТошДАУ Термиз филиали.

УЎТ: 635.64

ТАДҚИҚОТ

ШИРИН ҚАЛАМПИР ЕТИШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИННИГ АСОСИЙ ЭЛЕМЕНТЛАРИ

The article presents the results of variety trials of 20 F₁ hybrids of sweet pepper. On the basis of the research carried out, promising accessions for use in production have been identified and recommended. The main elements of cultivation technology: planting schemes and drip irrigation regimes have been developed.

Ширин қалампир (*Capsicum annuum* L.) кейинги йилларда жуда оммала-

шиб, асосий сабзавот экинларидан бирига айланаб бормоқда. У асосий

экин сифатида очик далаларда, эрта-

бўшаган ерларга тақорий экин сифатида, иссиқхоналарда, вақтингчалик пленка қопламали мосламалар остида экиб етиштирилмоқда. У нафакат ички бозорга, экспортга чиқариладиган сабзавот маҳсулотларидан бирига айланиси бормоқда.



Бунга сабаб, унинг таркибида инсон организми учун керакли бўлган қимматли микроэлементлар ва витаминалар мавжудлигидир. Шу сабаб, уни етиштириш технологиясини такомиллаштириш зарурати туғилди.

мақбул экиш схемасини ва томчилатиб сугоришнинг афзаликларини аниқлаш натижалари келтирилган.

Эслатиб ўтиш лозимки, 2020 йилда Давлат реестрига киритилган 46 та нав ва F_1 дурагайлардан фақатгина 1 та дурагай ва 8 та навлар мамлакатимизда яратилган. Шу билан бирга, Давлат реестрига хориж селекциясига мансуб 36 та дурагай ва 1 та нав киритилган.

Ширин қалампир сортиментининг кўпайиши улардан энг мақбулларини танлаб олиш ва етиштириш технологияси элементларини такомиллаштиришин тақозо этмоқда. Чунки нав ёки дурагай интенсив технологиянинг асосий элементларидан биридир.

2019-2020 йиллар давомида Ўсимликлар генетик ресурслари илмий-тадқиқот институти тажриба хўжалигига ширин қалампирнинг 70 та нав ва дурагайлари ўрганилди. Улардан ажратиб олинган 20 та F_1 дурагайлари танлов синовидан ўтказилди ва энг истиқболилари танлаб олинди (жадвал).



1-жадвал.

Истиқболли ширин қалампир нав ва дурагайларининг ҳосилдорлиги (ЎГРИТИ, 2019-2020).

| № | Дурагайлар ва навлар | Ҳосилдорлик | | Товарбоп ҳосил | | Нотовар ҳосил | |
|----|----------------------|-------------|------------------------|----------------|------------------------|---------------|------------------------|
| | | т/га | стандартга нисбатан, % | т/га | стандартга нисбатан, % | т/га | стандартга нисбатан, % |
| 1 | Дар Ташкента, ст. | 33,5 | 100,0 | 30,7 | 100,0 | 2,8 | 100,0 |
| 2 | Жайхун F_1 , ст. | 47,5 | 141,8 | 44,4 | 144,6 | 3,1 | 110,7 |
| 3 | Кадия F_1 | 54,1 | 161,5 | 50,5 | 164,5 | 3,6 | 128,6 |
| 4 | Прокрафт F_1 | 53,2 | 158,8 | 49,0 | 159,6 | 4,2 | 150,0 |
| 5 | Магно F_1 | 51,6 | 154,0 | 48,1 | 156,7 | 3,5 | 125,0 |
| 6 | Даллас F_1 | 50,1 | 149,6 | 47,0 | 153,1 | 3,1 | 110,7 |
| 7 | Клаудио F_1 | 48,3 | 144,2 | 45,9 | 149,5 | 2,4 | 85,7 |
| 8 | Атол F_1 | 47,7 | 142,4 | 44,7 | 145,6 | 3,0 | 107,1 |
| 9 | Абай F_1 | 46,8 | 139,7 | 44,0 | 143,3 | 2,8 | 100,0 |
| 10 | Жемини F_1 | 45,4 | 135,5 | 42,7 | 139,1 | 2,7 | 96,4 |
| 11 | Клэйр F_1 | 44,4 | 132,5 | 41,8 | 136,2 | 2,6 | 92,9 |
| 12 | Лотта F_1 | 43,0 | 128,4 | 40,1 | 130,6 | 2,9 | 103,6 |
| 13 | Подарок Молдовы | 38,0 | 113,4 | 35,7 | 116,3 | 2,3 | 82,1 |
| 14 | Зумрад | 38,6 | 115,2 | 35,6 | 116,0 | 3,0 | 107,1 |
| 15 | Тонг | 36,1 | 107,8 | 33,7 | 109,8 | 2,4 | 85,7 |
| 16 | Сабо | 35,9 | 107,2 | 33,4 | 108,8 | 2,5 | 89,3 |
| 17 | Ласточка | 35,3 | 105,4 | 33,4 | 108,8 | 1,9 | 67,9 |
| 18 | Наргиза | 34,7 | 103,6 | 32,5 | 105,9 | 2,2 | 78,6 |
| 19 | Шодлик | 33,8 | 100,9 | 31,1 | 101,3 | 2,7 | 96,4 |
| 20 | Заря Востока | 29,4 | 87,8 | 26,8 | 87,3 | 2,6 | 92,9 |

Ушбу мақолада республикамиз марказий минтақасида очик далаларда ширин қалампир етиштириш технологиясининг асосий элементлари: нав танлаш,

Энг юқори умумий (43,0-54,1 т/га) ва товарбоп (40,1-50,5 т/га) ҳосилдорлик фақатгина F_1 дурагайларда кузатилди. Буларга «Кадия», «Прокрафт», «Маг-

но», «Даллас», «Клаудио», «Атол», «Абай», «Жемини», «Клэйр», «Лотта» биринчи авлод дурагайлари киради.

Ажратилган дурагайлар қиёсий навга нисбатан умумий ҳосилдорлиги бўйича 28,4-61,5%, товарбоп ҳосилдорлиги бўйича эса 30,6-64,5 т/га устун турди. Мамлакатимизда яратилган F_1 «Жайхун» дурагайда ҳам умумий ҳосилдорлик 47,5 т/га, товарбоп ҳосил эса 44,4 т/га микдорни ташкил этди ва бу қиёсий навга нисбатан мувофиқ равиша 41,8% ва 44,6% юқори демактир. Ушбу ҳолат яна бир марта F_1 дурагайларни яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш қанча-

лик муҳим эканлигини кўрсатиб турибди.

Экиш схемаси ва кўчат қалинлиги ҳосилдорликка ва унинг сифатига сезиларли даражада таъсир этувчи омиллар ҳисобланади. Бундан ташқари, экиш схемаси етиштиришнинг асосий жараёнларини механизациялаштириш имконини беради.

Республикамизда районлаштирилган «Дар Ташкента» ва «Заря Востока» навлари 9 та экиш схемасида экиб ўрганилди.

Ўрганилган ҳар иккала навда ҳам озиқланиш майдони ошган сари асосий поя баландлиги пасайиб, ён новдалар сони ошиб борди. Майдон бирлигига кўчат қалинлиги ошган сари битта ўсимликнинг барг-поя массаси ва барг юзасининг сатҳи камайиб борди, аммо гектар ҳисобида ушбу кўрсатиchlарнинг ошиби бориши кузатилди. Синалаётган навларда энг юқори ҳосилдорлик 70x20 ва 70x25 см схемаларда кузатилди.

Хусусан, «Дар Ташкента» навининг умумий ҳосилдорлиги 70x20 см схемада 22,1 т/га 70x25 см схемада эса 20,7 т/

га қийматни ташкил этди. Бу назорат 70x30 см схемага нисбатан мувофиқ равиша 130,0% ва 121,8% миқдорни ташкил этди.

Республикамизда сув тақчиллигини ҳисобга олиб, кейинги йилларда қишлоқ хўжалиги экинларини томчилатиб сугориш усули кенг қўлланимлашади. Сабзавот, полиз экинлари ва картошакачилик илмий-тадқиқот институти тажриба хўжалигига олиб борилган тадқиқотларда «Дар Ташкента» навиҳам эгатлаб (назорат), ҳам томчилатиб сугориш усулида етиштирилди. Тадқиқотлар шуну кўрсатдиги, қора плёнка билан мульчалаб томчилатиб сугорилганда ўсимлик баландлиги назорат

вариантига нисбатан 11,7-20,8% га ва ён новдалар сони 7,4-31,9% га кўп бўлди. Томчилатиб сугорганда, умумий ҳосилдорлик 30,5-32,6 т/га миқдорни ташкил этди ва бу назорат вариантга нисбатан 10,5-15,6% га кўп демақдир.

Мавсум давомида томчилатиб сугориш усулида сув сарфи назорат варианта нисбатан 50,9-59,1% ни ташкил этди ва 40,9-49,1% тежаб қолинганлиги кузатилди.

Хулосалар:

Мамлакатимизда яратилган навлар билан бир қаторда юқори ҳосилли «Кадия», «Прокрафт», «Магно», «Даллас», «Клаудио», «Атол», «Абай», «Жемини», «Клэйр», «Лотта» биринчи авлод дура-

гайларини етиштириш тавсия этилади.

Республикамизнинг марказий минтақасида ширин қалампирни етиштиришда энг мақбул экиш схемаси 70x20 ва 70x25 см ҳисобланади.

Томчилатиб сугориш ширин қалампирнинг морфобиологик белгиларига ижобий таъсир этади, ҳосилдорлик 10,5-15,6% га ошади ва сув сарфи 40,9-49,1% га камаяди.

Тўлқин ХОЛМЎМИНОВ,
к.х.ф.н., катта илмий ходим,
докторант (DSc),
Сабзавот-полиз экинлари ва
картошакачилик
илмий-тадқиқот институти.

УЎТ: 634.7:587.34+634.743.

ТАДҚИҚОТ

ОРХИДЕЯ ГУЛИНИ IN VITRO УСУЛДА ЕТИШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

Currently, the propagation of trees and plants by the in vitro method is a requirement of the time, since this method allows you to grow numerous seedlings in small areas. By creating technology for growing orchids, this method achieves economic efficiency in floriculture in the Namangan region. Based on the achievements in the field of cell and tissue culture, a new method of vegetative propagation of plants was developed - clonal micropropagation (asexual reproduction of plants in vitro (in solution), genetically identical to the original).

Дунёнинг кўпгина мамлакатларида экинларни микроклонли кўпайтириши биоиндустрияси яхши ўйла кўйилган бўлиб, бу иш билан ривожланётган ўнлаб корхоналар фаол шуғулланмоқда. Масалан, Францияда гул кўчатларининг 94% шу усул билан етиштирилди. АҚШ да эса 100 дан ортиқ корхонада манзарали ўсимликлар, сабзавот ҳамда дала экинлари, мевали ва ўрмон дараҳтларининг кўчатлари in vitro усулида етиштирилмоқда. Соғломлаштирилган манзарали гулларни етиштириш бўйича Нидерландия ва мевали дараҳтларни шу усулда етиштириш бўйича эса Италия етакчилик қўлмоқда.

Ўзбекистон республикаси шароитида ҳам бу борада ЎзРФАнинг биоорганик ҳамда Ўзбекистон сабзавотчилик ва картошакачилик илмий-тадқиқот институтлари ҳамкорлигига картошканинг, М.Мирзаев номидаги мевачиличик ва узумчилик институтида данак мевали дараҳтларнинг ҳамда ЎзРФА Геномика институтида эса бир қатор экинларнинг кўчатларини in vitro шароитида етиштириш бўйича илмий ишлар олиб бормоқдалар.

In vitro шароитида кўчат етиштириш:

Хўжайра ва тўқималарни сунъий озиқа муҳитида, стерил шароитда (in vitro) ўстириш усули “ажратилган тўқималар культураси” деб номланиб, биотехнологиянинг бир йўналиши сифатида катта аҳамият касб этади.

Ҳозирги вақтда дунёнинг кўплаб мамлакатларида биотехнологиянинг ривожланишига алоҳида эътибор берилмоқда. Бунга асосий сабаб, биотехнологиянинг бошқа технологияларга нисбатан бир қатор устунликларга эгалигидир. Жумладан, биотехнологик жараёнлар жуда кам энергия талаб килади, деярли чиқиндисиз, экологик тоза ва ҳ.к. Шу билан бирга, кўп майдон эгалламаган ҳолда, бу жараёнларни ийл давомида ўтказишга асосланади.

Хўжайралар ва тўқималардан in vitro шароитида кўчат етиштириш клонли микрокўпайтириш дейилиб, у қуидаги

мақсадларда амалга оширилади:

ажратиб олинган ўсимлик хўжайрасини тиббиёт, ветеринария, косметика ва бошқа соҳалар учун зарур бўлган иккиласми метаболитлар: алколоидлар, стероидлар, глюкозидлар, гормонлар, эфир мойлари ва бошқа биологик фаол маддаларни синтез қилишда;

муайян шароитда ўсимликнинг ўзини ўстириш имконияти бўлмаган шароитда уларни хўжайраларини бутун йил мобайинида ўстиришда;

ажратиб олинган хўжайраларни, ўсимликлар селекциясида ишлатишида ва шу орқали тез ривожланувчи, ҳар хил ташки муҳит таъсирига чидамли (иссиққа, совукқа, шўрланишга, қурғоқчиликка, касалликка) ўсимликлар яратишида;

шунинг билан бирга, бу йўналиш ажратилган протопластларнинг кўшилиши орқали янги ўсимликлар яратишида ҳамда сомотик гибридлар олишида;

ажратиб олинган чангдондан ва уруғуртакдан сунъий озиқа муҳитида ўстириб, гаплоидлар олишида, муртакларни ўстириб, ўса олмайдиган (эндоспермаси ёмон ривожланган) ўсимликлардан гибрид уруғлар етиштиришда;

ажратиб олинган тўқималарни кўпайтириш ва экув материалларни вируслар ҳамда бошқа патогенлардан холи қилиб соғломлаштиришда ушбу усулдан фойдалнилади.

Ҳозирги кунда дунё микёсида Орхидея гули билан жуда кўп олимлар тадқиқот ишлари олиб боришмоқда. Хусусан, Япониялик олимлар гулнинг тожибарларини каттайтириш ўстида тадқиқот ишлари олиб боришмоқда.

2019 йил Австриялик ботаник Антон Зидер Мадагаскарда янги, ўтқир ҳидли орхидея турини аниқлади, дея маълум қиласи National Geographic. Олим ўз топилмасини Қиролликнинг Кью ботаника боғига топширган. Орхидея суратлари ва унинг спиртланган нусхаси Қироллик ботаника боғи илмий ходими Йохан Херманс томонидан ўрганиб чиқилди.

У *Cynorkis christae* номини олган ўсимлиқ илм-фан учун янги эканини тасдиқлади. “Бу ҳақиқий топилма, - деди Йохан. – Ушбу орхидеянинг ажralиб турувчи томони, унинг шампан хидига ўхшаш ширин ифори ҳисобланади”. *Cynorkis christae* ўсимлигининг гуллари йирик. Уларнинг аксарияти – оқ рангда, юқори барглари эса ёрқин-бордо рангидан.

“Бу орхидея аввалроқ топилмаганига ҳайронман, – дейди Йохан. – Эҳтимол, бунга унинг чекка ҳудудда ўсиши сабабдир”. Боз устига, гулни фақат бир ой давомида кўриш мумкин – ўсимлиқ фақат ёмғирлар мавсумида гуллайди”.

Наманганд мұхандислик-технология институти ва Наманганд Гулчилекни ривожлантириш марказы ходимлари билан ҳамкорликда Орхидея гулини *in vitro* шароитида ўстириш бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Тадқиқот давомида тажриба учун олинган Орхидея гули чукур ўрганилди ва бир гурӯҳ НамМТИ олимлари ушбу гулни *in vitro* шароитида ўстиришида ва ушбу гул кенг тарқалган Малайзия республикасига сафар уюштирилди ве Малайзия университетида малака ошириб қайтилди.

Ўрганишлар шуни кўрсатдики, Орхидея гули табиий шароитда дарахт ва буталарнинг ўлиқ танасида ўсадиган ўсимлиқ турига киради. Маданийлаштирилган ҳолатда эса, бу гул торф дарахт пўстлоғидан тайёрланган чириндиilar билан озиқланади. Орхидея жуда нозик табиатли бўлиб, ўткир ҳидли, ҳидсиз ва ташки кўриниши жиҳатдан турли навларга бўлинади. Бу гулнинг ҳаво илдизлари жуда яхши ривожланган. Сабаби, улар нам иқлимда яхши ривожланади, яъни 60-70% да, ҳарорат юқориси 25-27°C, энг пасти 15-18°C да ривожланиши учун энг оптималь шароит ҳисобланади. Кўпайтиришда эса уларнинг бачкиларидан фойдаланилади.

Хулоса: Ҳозирги олиб бориладиган тадқиқотда Орхидея гулини *in vitro* шароитида кўпайтириш технологияси кўлла-



Тадқиқот учун танланган Орхидея гуллари

нилади. Бу шароитда 2 усулни кўллаш технологияси илмий ўрганиб чиқилди. Яъни гулнинг ўсуви тўқимасидан каллос олиб кўпайтириш ва гулини уруғлантириб 6 ой мобайнida уруғи пишиб етилган ушбу уруғларни *in vitro* шароитида ўстириб каллосларга ажратиб кўпайтиришдан иборат. Ушбу ҳар иккала усулда ҳам кўпайтириш технологиясида иқтисодий самарадорликка еришилади. Фақат қай бири энг мақбул вариант эканлигини тадқиқотлар натижаси кўрсатади.

**Сурайё МИСИРОВА, к/х.ф.ф.д.,
Назира МЕЛНОВА, б.ф.ф.д.,
Иброҳим ҚУРБОНОВ, ассистент,
Маржона ХАЙДАРОВА, талаба,
Наманганд мұхандислик-технология институту.**

АДАБИЁТЛАР

1. Артамонова Г.М., Герасимова С.И. и др. Лабораторно-практические занятия по сельскохозяйственной биотехнологии (Методические указания). Издательство МСХА, Москва, - 1991.-165 с.
2. Артикова Р., Муродова С.С., Қишлоқ ҳўжалик биотехнологияси, 2010, Тошкент, “Фан ва технология” нашриёти, 252 бет.
3. Давранов К. ва бошқ. Қишлоқ ҳўжалик биотехнологияси. Тошкент, 2000 (Услубий қўлланма).
4. Шевелуха В.С. и др. Сельскохозяйственная биотехнология: Учебник/ Под ред. В.С. Шевелухи. - 3-е изд., перераб. и доп.— М.: Высш. шк., 2008.— 710 с.
5. Кольцова А.С., Калиниченко Р.И. Тюльпан в Джанкайском интродукционно-карантинном питомнике // Бюллетень Никит. бот. сада. вып. 49. -Ялта.- 1982.-28-31 с.
6. Иванова Л., Иноземцева Е. Выращиваем лилии в Заполярье // Цветоводство. -Москва.- 2011. -№3.-18-19 с.
7. Doornik A.W. Effect of storage duration and temperature on the survival of *Rhizoctonia solani* in tulip and iris bulbs // Neth. J. Plant Pathol.- Netherland. -1982.- Vol.88 № 5.- pp.185-190.
8. Juodkaité R., Baliūneinė A., Naujalis J.R., Navalinskienė M., Samuitienė M. Selection and presentation of tulip (*Tulipa L.*) species and cultivars to the Lithuanian plant genetic resources. // Biologija. Lithuania, 2008, Vol. 54, No.2, pp.139-146.
9. Juodkaité R., Naujalis J.R., Navalinskienė M., Samuitienė M. Evaluation of tulip (*Tulipa L.*) decorative capacities and resistance to Tulip breaking potyvirus in the tulip collection of the Botanical Garden of Vilnius University. Biologija. Lithuania, 2005, Vol. 51, No.4, pp.64-70.
10. Andželika Byczyńska, Agnieszka Zawadzińska & Piotr Salachna. Silver nanoparticles preplant bulb soaking affects tulip production// Acta Agriculturae Scandinavica, Section B — Soil & Plant Science. Informa UK Limited, trading as Taylor & Francis Group 2018, Vol 10. № 5.- pp.4-5.

ПИЁЗ ВА САРИМСОҚПИЁЗНИ ЗАРАРЛОВЧИ ЗАРАРКУНАНДАЛАР

The article presents the data of the results of studies on the study of the species composition of the found pests on the crops of onions and garlic.

Ўзбекистоннинг серкуёш, қулай об-ҳавоси, тупроқ-иклим шароити йил давомида сабзавот экинларини етишириш ва аҳолига етказиб бериш учун жуда мос келади. Кейинги йилларда қишлоқ хўжалиги таркибининг қайта ташкил этилиши шароитида пахта ва ғалла майдонлари қисқартирилиб, мева-сабзавот экин майдонлари кенгаймоқда, фермерлик ҳаракати аста-секин кластерлар ва кооперация кўринишида ўзгариб бормоқда. Айниқса, экспортбоп қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етишириш бўйича амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар натижасида сабзавот экинларининг, жумладан, пиёздош сабзатотларнинг майдони ва ҳажми ортиб бормоқда.

Ўзбекистонда кейинги йилларда асосий экин майдонларида 27,9 минг гектарда пиёз ва 6,2 минг гектарда саримсоқпиёз етиширилмоқда. Бундан ташқари, боғ-токзорлар қатор ораларида ҳамда такорий экин сифатида ҳам шунча майдонда етиширилади. Ўртacha ҳосилдорлик пиёзда 240-250 ц/га ни, саримсоқпиёзда 130-140 ц/га ни ташкил этади.

Ўзбекистонда пиёз ва саримсоқнинг бир неча навлари экилади. Жумладан, пиёзнинг маҳаллий эртапишар “Сумбула”, “Зафар”, “Оқ дур”, чет элнинг F₁, дурагайлаидан “Сибирь”, “Манас”, “Халсидон”, “Алдоба”, “Родар” каби эртапишар навлари, саримсоқнинг “Майский ВИР”, “Южний фиолетовый” ва “Чидамли” навларини экиш тавсия этилади.

ФАО ташкилотининг маълумотларига кўра, қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилининг ўртacha 13,8 фоизи заараркунандалар таъсирида, 11,6 фоизи касаллилар таъсирида ҳамда 9,5 фоизи бегона ўтлар таъсирида йўқотилар экан.

Пиёздош сабзавотлар 100 га яқин турдаги заараркунандалар билан заарарланса-да, уларнинг 10-15 тури иқтисодий сезиларли даражада зарар келтирувчи асосий заараркунандалар хисобланади, қолган турлари бу ўсимликларни қўшимча озуқа сифатида заарлайди.

Кейинги йилларда экспортбоп маҳсулотларни етиширишга қаратилаётган катта эътибор натижасида пиёздош сабзавот майдонларининг кенгайиши заараркунандаларга қарши кураш тадбирларини илмий асосланган ҳолда, агроценозда заарли организмларнинг ҳамда уларнинг энтомофаглари тур таркибининг шаклланиши, ўзаро муносабатларини ўрганиш орқали ишлаб чиқишини тақозо этмоқда.

АДАБИЁТЛАР

- Мирзиятов М., Махамадаминов Ш. Кузда пиёз ва саримсоқ етишириш бўйича тавсиялар [Электрон ресурс] / Кириш тартиби: <http://agro.uz/uz/services/recommendations/6785/>
- Пиёз етишириш технологияси. Тузувчи Р.Х.Аюпов. – Тошкент.: Иқтисод-Молия, 2011. – 60 б.
- Хакимов Р.А., Адилов М.М., Низомов Р.А., Юнусов С.А. Пиёз ва саримсоқни август-сентябрь ойларида экиш бўйича тавсиялар [Электрон ресурс] / Кириш тартиби: <https://agromart.uz/uz/news/piyoz-va-sarimso-ni-avgust-sentyabr-oilarida-ekish-b-iicha-tavsiyalar-104-0>.
- Экология. Учебное пособие / Под ред. проф. В.В.Денисова. – 4-е изд, исправл. и доп. М.: ИКЦ «МарТ»; Ростов-на Дону: Издательский центр «МарТ», 2008. - 768 с.

Зарарли организмлардан уйғунлашган ҳимоя тадбирларини ишлаб чиқиш ва бошқа замонавий агротехник тадбирларни сифатли амалга ошириш орқали сабзавот экинлари ҳосилдорлигини, жумладан, пиёз ва саримсоқпиёз ҳосилдорлигини илғор давлатларда етиширилаётган ҳосил даражасига етказиш имконияти яратилади.

Пиёз ва саримсоқпиёз заараркунандалари тур таркибини ўрганиш максадида олиб борилган йўналиши тадқиқотлар натижасида Ўзбекистон шароитида оддий пиёз ва саримсоқпиёз экинларини заарарловчи 66 турга мансуб заараркунанда борлиги аниқланди. Бу заараркунандалар бўғимоёклилар типига хос 3 синф, 10 та туркум ва 25 та оиласа мансуб. Шулардан 3 тури (4,5%) нематодалар (юмалоқ чувалчанглар) – Nematoda синфида, яна 3 тури (4,5%) ўргимчаксимонлар – Arachnida синфида таалуқли. Қолган 60 тури (91%) заараркунанда ҳашаротлар – Insecta синфида мансуб. Нематодалар 2 та оиласи, каналар 3 та оиласи, ҳашаротлар эса 20 та оиласи бирлаштирган.

Заараркунандаларни ўсимлик турларини зааррлаш хусусиятига кўра ҳам икки гурухга фарқлаш мумкин: фақат пиёздошлар оиласига мансуб ўсимликларни заарарловчи заараркунандалар – олигофаглар, ҳамда бир неча оиласа мансуб ўсимликларни заарарловчи заараркунандалар – полифаглар. Олигофаг заараркунандалар 6 турни ёки барча заараркунандаларнинг 9,1% ини ташкил этган (*Eriophyes tulipae* K., *Lilioceris mergera* L., *Eumerus tuberculatus* Rond., *E. amoenus* Loew., *Liriomyza serae* Heg., *Delia antiqua* Mg.). Полифаглар эса жами заараркунандаларнинг 90,9 фоизини (60 та тур) ташкил этади.

Тадқиқот натижаларига кўра, энг кўп тарқалган заараркунандалар – тамаки трипси, пиёз пашшаси, кузги тунлам, соҳил уховерткаси, гамма тунлами ҳамда тўғриқанотлилардан кўйрукли бузоқбош ва дашт чирилдоғи (қора чигиртка)лар бўлди. Кузги тунлам ва чирилдоғининг зарари ўсув даври бошида кўрилса, пашшалар зарари, асосан, ўсув даврининг иккинчи ярмида кузатилди. Тамаки трипси ўсув даври давомида ёппасига тарқалиб ривожланди.

**Бахтияр АҚРОМОВ,
қ.х.ф.н., докторант,
Ўсимликларни ҳимоя қилиш ИТИ.**

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ШАРОИТИДА СОЯ ЎСИМЛИКЛАРИДАН АЖРАТИЛГАН ЗАМБУРУҒ ТУРЛАРИ ВА УЛАРНИНГ СИСТЕМАТИК ТАҲЛИЛИ

Ўзбекистонда соя микобиотаси бўйича апоҳида режали илмий тадқиқотлар ўтказилмаган. Минтақавий микологик ва фитопатологик манбалар бўйича Андижон вилояти шароитида соя касалликлари тўғрисидаги маълумотлар мавжуд эмас, замбуруғлар қўзғатган касалликларни аниқлаш, патоген турларининг культурал-морфологик, биологик хусусиятларини аниқлаш, уларга қарши кураш чораларини ишлаб чиқиш бўйича илмий изланишлар долзарб бўлиб ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган ҳаракатлар стратегиясида «... ўсимликларни касаллик ва зааркунандалардан ҳимоя қилиш чораларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш» бўйича устувор вазифалар белгиланган. Дуқакли мойли экинларни заарли организмларига қарши самарали кураш усууларини ўз вақтида қўллаш мойли экинларни ҳосилдорлигини оширишда мухим тадбир бўлиб ҳисобланади.

Бугунги куннинг долзарб муоммоларидан бири мойли экинларни етиштириб улардан юқори ҳосил олиш ва ахолини озиқ-овқатга бўлган талабини қондириш учун мойли экинларга зааркунанда ва касалликлар келтирадиган заарларини камайтиришdir.

Соя ўсимликларининг касалликларини ўрганиш учун биз экилган барча ўсимлик далаларини кўздан кечириб, текшириб гербарий материалларини йиғдик. Кейинчалик лаборатория шароитида улардан микология ва фитопатологияда қўлланилган усуулар билан замбуруғларни ажратиб, уларнинг турларини аниқладик.

Тажрибаларимиз давомида соя ўсимликларининг ҳар хил органларидан 1 та бўлим, 2 та синф, 2 та тартиб, 1 оила, 2 та туркумга мансуб 5 та замбуруғ турларини ажратдик.

Турларни сони жиҳатидан олинган маълумотларни таҳлил қилганимизда шу нарса маълум бўлди, энг кўп турлар Denteromycotina бўлимига (1 та) мансуб эканлиги, Mastigomycotina (2 та), камроқ турлар эса Ascomycotina (1 та) тўғри келди.

Denteromycetes синфининг орасида эса энг кўп турлар Dematiaceae (1 та), кейин Moniliaceae оиласига (1 та) Tuberculariaceae (1 та), Mycoraceae (1 та) ва энг кам Melonconiaceae (1 та) турларига тўғри келди.

Соя ўсимлигидан ажратилган турлар таркибини ерён-ғоқники билан солиштириб кўрилганда, яқол кўзга ташланадиган фарқлардан бири шундан иборатки, соя замбуруғлар флораси жуда бой ва хилма-хилдир. Шулардан 4 та тур (Pythium debarianum Hesse, Aspergillus niger v. Tiegh, Botrytis cinerea Ptes. et Fr., Trichothecium roseum Fr., Cladosporium herbarum (Pers) Lv., Alternaria alternate (Fr) Keiss, Fusarium oxysporum Schlecht, Ascochyta phaseolorum Sacc) ўсимликлар учун умумий турлар сифатида учради.

Соя ўсимлигига аниқланган турларнинг кўп бўлишига асосий сабаблардан бири аниқланган замбуруғлар орасида факультатив паразитлар ва сaproфитларнинг кўплиги бўлса керак. Масалан, Alternaria, Cladosporium, Penicillium, Trichothecium, Verticillium, Aspergillus, Fusarium ва бошқа бир қатор туркумларнинг кўпчилик турлари сапрофит турлар бўлса-да ўсимликларнинг кучизланган ёки қурийбошлаган органларида кўплаб учрайди.

Хулоса: Соя ўсимлиги нисбатан кейинги пайтларда бизларнинг минтақада районлаштирилганлигини ва уларнинг касалликлари Андижон вилояти шароити учун ўрганилмаганлигини ҳисобга олиб, замбуруғ флорасини иложи борича кенгроқ ўрганишга ва ундаги замбуруғларни касаллик туғдириш ёки субстрат сифатида фойдаланишидан қатъий назар, ажратиб олишга эътибор қилиниш даркор.

**Сардоржон АВАЗОВ, к.х.ф.д.,
ТошДАУ профессори,
Гулноза АБДУЛЛАЕВА,
Андижон қишлоқ ҳўжалиги ва
агротехнологиялар институти
мустақил тадқиқотчisi.**

АДАБИЁТЛАР

- Бурляева М.О. Соя: Изменчивость признаков и её значение в селекции сортов кормового использования: Автореф. дис. канд. биол. наук. – 2003. – 20 с.
- Ганя А.И. Основные грибные патогены сои в Молдавии и выявление источников устойчивости к ним: Автореф. дисс. канд. биол. наук. – Минск, 1981. – 22 с.
- Фазал Хайат Тадж. Влияние и размещение суданской травы и сои в смешанных посевах на урожайность растений: Автореф. дисс. канд. с/х наук. – Ташкент, 1979. – 22 с.
- Степанова М.Ю. Фузариозные заболевания бобовых культур. Автореф. дисс. канд. биол. наук. – Л., 1967. – 20 с.
- Струкчинская М.Т. Паразитная микофлора бобовых растений в Литве и биологические особенности некоторых её видов: Автореф. дисс. докт. биол. наук. – Вильнюс, 1974. – 59 с.
- Жуковская С.А. Почвенные микромицеты и их роль в развитии болезней сои в Приморском крае: Автореф. дисс. канд. биол. наук. – Владивосток, 1972. – 24 с.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОННИНГ ШЎРЛАНГАН ТУПРОҚЛАРИ ШАРОИТИДА ЯПОН СОФОРАСИ ДАРАХТИ УРУҒЛАРИНИНГ УНИБ ЧИҚИШИГА ВА ЎСИШИГА ГЕТЕРОАУКСИН СТИМУЛЯТОРИНИНГ ТАЪСИРИ

В статье описано влияние стимулятора гетероауксина в различных концентрациях на прорастание семян софоры японской в засоленных почвах Каракалпакстана. Результаты полевых экспериментов показали, что при обработке раствором гетероауксина в концентрации 200 мг/л всхожесть семян увеличивалась на 25%, а рост саженцев - на 18,6% по сравнению с контролем.

Қорақалпостон шароитида манзарали дарахт кўчатларини етишириш учун биринчи навбатда кўчатнинг совуқ ва қурғоқчил иқлим шароитларига чидамлилигига ҳамда шўрланган тупроқда ўсиб ривожланишига аҳамият бериш мухим ҳисобланади.

Шўрланган ҳудудларнинг ўта қурғоқчил шароитида ўсаётган манзарали дарахт турларининг биологик хусусиятларини ўрганиш асосида Қорақалпостон шароитида кўкаламзорлаштириш ва дарахтзорлар барпо этиш учун уларнинг уруғ маҳсулдорлиги ва манзаралик даражасини аниқлаш мухим аҳамиятга эга. Япон софораси (*Sophora japonica* L.) ёки тухумок манзарали дарахт бўлиб, дукка дошлар (*leguminosae* L.) оиласига мансуб тур ҳисобланади. Софора гули мураккаб, барглари тухумсимон, уруғлари дуккак шаклида бўлади. Тажриба кўйилган жойнинг тупроқи ўтлоқи-такир тупроқлар бўлиб, унинг механик таркиби оғир, физикавий лой миқдори 50-80% орасида, гумуснинг миқдори 1,5-2%. Ўтлоқли такир тупроқлар хар хил даражада шўрланган тупроқлар бўлиб, ҳайдалма қатламда (0-30 см) уларнинг миқдори 0,05-0,06% ташкил этади. Тажрибада гетероауксин моддасининг япон софораси дарахти уруғларининг униб чиқишига таъсири 100, 150 ва 200 мг/л концентрацияли эритмаларда синаанди. Уруғлар 18 соат

The article describes the effect of heteroauxin stimulator of different concentrations on the germination of seeds of the *Sophora Japonica* in the saline soils of Karakalpakstan. The results from field experiments showed that when treated with a solution of heteroauxin at a concentration of 200 mg/l, seed germination increased by 25% and seedling growth by 18.6% compared to control.

кўрсатилган концентрацияли эритмаларда ивитилиб сўнг 1 п.м. нормада экилди. Назоратларда гетероауксин ишлов берилмади. Уруғларнинг униб чиқиши ва кўчатларининг биометрик кўрсаткичлари 1-жадвалда келтирилган.

1 п.м. га 12 г япон софораси уруғларининг униб чиқиши гетероауксин 100 мг/л, 150 мг/л ва 200 мг/л концентрацияли гетероауксин эритмаларида моддасининг таъсири кузатилганда, япон софораси уруғларини 200 мг/л гетероауксин концентрацияли эритма билан ишлов берилган вариантдаги таъсири, қолган варианtlарга нисбатан униб чиқиши юқорироқ бўлиб, назоратга нисбатдан 1 п.м. да ўртача фарқ 25% ни ташкил қилди. 100 мг/л ва 150 мг/л даги гетероауксин концентрацияли эритма билан ишлов берилган вариантдаги таъсирида уруғларни униб чиқиши эса, назоратга нисбатдан 18 ва 22% ошганлиги кузатилди (1-жадвал). Япон софораси ниҳолларининг 1 га майдон бирлигидан чиқиши 200 мг/л эритма қўлланган вариантда назоратга нисбатан 42,8% ортди.

Япон софораси уруғларни гетероауксин 100 мг/л, 150 мг/л ва 200 мг/л концентрацияли гетероауксин эритмаларида моддаси билан ишлов берилган вариантида ниҳолларнинг ўртача бўйи $117 \pm 5,0$ см бўлиб назоратга нисбатдан 18,1% юқори бўлганлиги кузатилди. 100 мг/л ва 150 мг/л даги гетероауксин концентрацияли эритма билан ишлов берилган

1-жадвал. Билан ишлов берилган вариантида ниҳолларнинг ўртача бўйи $117 \pm 5,0$ см бўлиб назоратга нисбатдан 18,1% юқори бўлганлиги кузатилди. 100 мг/л ва 150 мг/л даги гетероауксин концентрацияли эритма билан ишлов берилган

Япон софораси уруғларининг униб чиқишига гетероауксин моддасининг таъсири

| № | Вариантлар | Кузатув саналари | | | | | 1 га майдон бирлигидан чиқиши | |
|---|------------|------------------|--------|-------|-------|-----------------------|-------------------------------|-------|
| | | 30.04. | 10.05. | 20.05 | 30.05 | Назоратга нисбатан, % | минг дона | % |
| 1 | Назорат | 64 | 70 | 74 | 76 | 100 | 700 | 100 |
| 2 | 100 мг/л | 65 | 75 | 85 | 94 | 118 | 800 | 114,3 |
| 3 | 150 мг/л | 67 | 77 | 88 | 96 | 122 | 900 | 128,5 |
| 4 | 200 мг/л | 69 | 80 | 91 | 99 | 125 | 1000 | 142,8 |

2-жадвал.

Гетероауксин моддаси билан ишлов берилгандаги бир йиллик япон софораси ниҳолларининг биометрик кўрсаткичлари

| Тажриба вариантлари | Ўртача баландлик, см, $M \pm m$ | Ўртача диаметр, мм $M \pm m$ | Бўйига ўсиши | | Диаметри бўйича ўсиши | | P |
|------------------------|------------------------------------|------------------------------------|--------------|-------|--------------------------|-------|-----|
| | | | см | % | мм | % | |
| Назорат | $70,0 \pm 4,1$ | $6,5 \pm 0,28$ | - | 100 | 4 | 100 | 4,2 |
| 100 мг/л | $89,0 \pm 4,2$ | $7,1 \pm 0,23$ | 6,7 | 113 | 4 | 109,0 | 3,8 |
| 150 мг/л | $104 \pm 1,5$ | $7,3 \pm 0,24$ | 9,2 | 115,3 | 6 | 112,1 | 3,4 |
| 200 мг/л | $117 \pm 5,0$ | $7,7 \pm 0,21$ | 11,7 | 118,6 | 8 | 118,1 | 3,6 |

вариантдаги таъсири эса, назоратга нисбатдан 9,0% ва 12,1% га ошганлиги кузатилди. (2-жадвал).

2020 йили олиб борилган изланишларимиз натижалари шуни кўрсатадики, 200 мг/л концентрацияли гетероауксин эритмаси билан ишлов берилган вариантда назоратга нисбатан ўсимликнинг ўсиши бўйи 18,6% ва диаметри 18,1% ташкил этди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, Япон софора ниҳолларининг яхши ўсиб ривожланиши учун гетероауксин стимуляторининг мақбул меъёри қўлланилиб, япон софораси уругини экишда ўсимлик қўчатларининг ўсиб

ривожланиши юқори олиб борган илмий натижамиизда аниқланди.

Сапаргул АМЕТОВА,
ToшДАУ Нукус филиали докторанти.

АДАБИЁТЛАР

1. Молоцкий М.Я. Выращивание картофеля при малых нормах посадки. Киев. "Урожай". 1986. 286 с.
2. Эргашев И.Т., Эшонкулов Б.М., Нормуродов Д.С. "Эффективный способ размножения картофеля" Москва. Картофель и овощи. № 3 2016. С. 29.
3. Ergashev I.T., Begimqulov.I.B. Razzokov J. Oblakulov F. Scaintific hyotesis "Variety and population in agrobiocenosis of potatoes" International Journal of Psychosocial Rehabilitation. ISSN:1475-7192. Page No. 4638-4641
4. Ergashev I.T., Begimqulov.I.B. The importance of choosing potato varieties in obtaining starch. International Journal of Innovations in Enjineering Research and Technology. Volume 7. ISSUE 5. May 2020 edition ISSN:2394-3696. Page No. 315-317.

УЎТ: 633.51:635.655:631.4/8.

ТАДҚИҚОТ

СОЯ-ФЎЗА АЛМАШЛАБ ЭКИШ ТИЗИМЛАРИДА ТУПРОҚ АГРОКИМЁВИЙ ХОССАЛАРИНИНГ ЎЗГАРИШИ

This article presents the results of research on the effect of soy seedling thickness and fertilization norms on soil agrochemical properties in Soy: cotton crop rotation systems.

Қишлоқ хўжалиги, умуман ишлаб чиқариш ёки тадқиқотларда экинларни меъёрида ўсиши, ривожланиши ва юқори ҳосил беришида тупроқда озиқа моддалар миқдори муҳим омил ҳисобланади. Озиқа моддаларнинг тупроқда қай даража таъминланганлиги деҳқончилик маданиятига узвий боғлиқдир.

Тупроқнинг органик моддаси турли жонивор ва микрорганизмлар, ўсимликлар қолдиғидан ҳамда бошқа чиқиндилардан ташкил топган. Озиқа моддалар асоси органик қолдиқлар ҳисобланади. Ўсимликларнинг қолдиғисиз органик модда, органик моддасиз тупроқ бўлмайди. Ҳамма тупроқлар таркибида турли миқдорда органик моддалар мавжуд.

Тупроқнинг органик қисми таркибининг таҳминан 85% ни гумус, ўсимлик қолдиғи эса 10% ни ташкил этиб, қолган қисми тупроқ фауна ва флорасидан таркиб топган бўлади. Тупроқ таркибига ўтадиган органик моддаларнинг ҳаммаси келгусида парчаланади. Бу жараён натижасида, тупроқ озиқа моддалар билан тўйинади. Лекин, унинг бир қисми чириши натижасида микробиомассага, органик модданинг бир қисми эса гумус фракциясига ўтади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Қашқадарё вилоятининг чўл минтақаси тақирибнан тупроқлари шароитида алмашлаб экишнинг соя:фўза тизимида экинларнинг тупроқни агрокимёвий хоссаларига таъсирини ўрганиш мақсадида тажрибалар олиб борилди. Тажриба 11 вариант, 3 қайтарикда жойлаширилди. Тажриба 90 см қатор оралиғида экилиб, ҳар бир вариант узунлиги 30 метр бўлиб, 108 м² да жойлашган. Ҳисоб-китоб ишлари фенологик кузатувлари олиб бориладиган ҳисобий майдон 54 м², умумий майдони 0,39 га ни ташкил этди.

Тадқиқотларда «Дала тажрибаларни ўтказиш услубларига» услубий қўлланмаси асосида 2017-2019 йилларда алмашлаб экишнинг соя:фўза тизимида соянинг маъдан ўғитларнинг N₁₀₀P₁₂₀K₁₀₀ ва N₇₅P₁₀₀K₇₅ кг/га меъёрлари фонада 185; 222; 270; 370 ва 555 минт/га кўчат қалинлигида етиширилган соядан сўнг фўза парваришланди.

Дастлаб тажриба даласининг агрокимёвий тавсифини ўрганиш мақсадида тупроқ таҳлиллари ўтказилди. Тупроқ намуналари дастлаб конверт усулида даланинг беш нуқтасидан, амал даври охирида эса варианtlар бўйича тупроқнинг ҳайдов (0-30 см) ва ҳайдовости (30-50 см) қатламларидан олинди. Маълумотлар 1-жадвалда келтирилган.

Олинган маълумотларга қараганда, тадқиқотлар ўтказилган далаларнинг 0-30 см тупроқ қатламида гумус миқдори мавсум бошида ўртача 0,780%, умумий азот 0,074%, фосфор 0,152% ни ташкил этган бўлса, 30-50 см қатламда ушбу кўрсаткичлар, гумус 0,654%, азот 0,054%, фосфор 0,115% га тенг бўлди. Озиқа элементларини ҳаракатчан шакллари бўйича олинган маълумотларда тупроқнинг ҳайдов қатламида нитратли азот миқдори 19,66 мг/кг ни, ҳайдовости қатламида эса 10,93 мг/кг ни, ҳаракатчан фосфор тегишлича 15,3 мг/кг ва 9,1 мг/кг га тенг бўлганлиги аниқланган бўлса, алмашинувчи калий миқдори эса тупроқнинг 0-30 см қатламида 218 мг/кг ни, 30-50 см қатламида 163 мг/кг ни ташкил этди.

Демак, соя:фўза алмашлаб экиш тизимларида тажриба даласи гумус, азот ва фосфор билан кам, калий билан эса ўртача таъминланган.

Мавсум охирига келиб озиқа элементларининг камайганлиги кузатилди. Тупроқнинг 0-30 см қатламида назорат вариантда гумус 0,064% га, умумий азот 0,003%, фосфор 0,006% га камайганлиги кузатилган бўлса, ҳаракатчан шаклларида ҳам шу қонуният кузатилди. Унга кўра, нитратли азот 3,04, ҳаракатчан фосфор 1,80 мг/кг га алмашинувчи калий эса 33,0 мг/га камайганлиги аниқланди.

Ушбу ҳолат соя қўлланилган ҳар иккала ўғитлаш меъёрларида ҳам кўчат қалинлиги гектарига 185-222 минг туп қолдирилган вариантларда ҳам кузатилди.

Кўчат қалинлиги 277 мингдан 555 минг тупгача қолдириб парваришланган вариантларда эса нитратли азот 0,86-0,16 мг/кг, 0,2-0,9 мг/кг ва алмашинувчи калий 1-5 мг/кг гача ортганлиги кузатилди. Энг юқори кўрсаткич гектарига 370 минг туп кўчат қалинлигига маъдан ўғитлар N₁₀₀P₁₂₀K₁₀₀

Турли кўчат қалинлиги ва маъдан ўғитлар меъёрларида парваришиланган соянинг тупроқда озиқа моддаларга таъсири.

| Тажриба варианлари | | | Тупроқ катламлари, см | Умумий формаси, % | | | Ҳаракатчан формаси, мг/кг | | | |
|---|--|--------------------------------------|-----------------------|-------------------|-------|-------|---------------------------|-------------------------------|------------------|--|
| № | Маъдан ўғитлар меъёри, кг/га | Соянинг кўчат қалинлиги, минг туп/га | | Гумус | N | P | N-NO ₃ | P ₂ O ₅ | K ₂ O | |
| 2017 йил, куз (соя экишдан олдин) | | | | | | | | | | |
| Мавсум бошида, ўртача 30-50 0,654 | | | 0-30 | 0,780 | 0,074 | 0,152 | 19,24 | 15,3 | 218 | |
| | | | | 0,054 | 0,115 | 10,93 | 9,1 | 163 | | |
| 2019 йил, куз (ѓўзанинг амал даври охири) | | | | | | | | | | |
| 1 | Ғўза: N ₂₀₀ P ₁₄₀ K ₁₀₀ | 158 | 0-30 | 0,716 | 0,071 | 0,146 | 16,20 | 13,5 | 185 | |
| | | | 30-50 | 0,576 | 0,051 | 0,108 | 8,42 | 6,7 | 149 | |
| 2 | Соя: N ₁₀₀ P ₁₂₀ K ₁₀₀ | 185 | 0-30 | 0,728 | 0,071 | 0,147 | 17,08 | 14,0 | 204 | |
| | | | 30-50 | 0,577 | 0,052 | 0,108 | 8,50 | 6,6 | 152 | |
| 3 | | 222 | 0-30 | 0,749 | 0,073 | 0,147 | 18,60 | 15,1 | 207 | |
| | | | 30-50 | 0,620 | 0,053 | 0,111 | 9,42 | 7,7 | 154 | |
| 4 | | 277 | 0-30 | 0,799 | 0,074 | 0,150 | 19,14 | 15,5 | 216 | |
| | | | 30-50 | 0,631 | 0,054 | 0,113 | 10,22 | 9,0 | 161 | |
| 5 | | 370 | 0-30 | 0,816 | 0,076 | 0,153 | 20,10 | 16,2 | 223 | |
| | | | 30-50 | 0,658 | 0,057 | 0,118 | 11,12 | 9,6 | 168 | |
| 6 | | 555 | 0-30 | 0,808 | 0,075 | 0,151 | 19,40 | 15,6 | 219 | |
| | | | 30-50 | 0,651 | 0,056 | 0,115 | 10,60 | 9,5 | 163 | |
| 7 | Соя: N ₇₅ P ₁₀₀ K ₇₅ | 185 | 0-30 | 0,720 | 0,070 | 0,144 | 16,70 | 13,4 | 196 | |
| | | | 30-50 | 0,571 | 0,050 | 0,100 | 8,13 | 6,4 | 148 | |
| 8 | | 222 | 0-30 | 0,738 | 0,071 | 0,148 | 17,82 | 14,2 | 200 | |
| | | | 30-50 | 0,614 | 0,050 | 0,110 | 9,60 | 7,2 | 149 | |
| 9 | | 277 | 0-30 | 0,776 | 0,072 | 0,151 | 18,72 | 14,7 | 212 | |
| | | | 30-50 | 0,612 | 0,053 | 0,113 | 9,86 | 8,2 | 156 | |
| 10 | | 370 | 0-30 | 0,809 | 0,074 | 0,152 | 19,47 | 15,6 | 220 | |
| | | | 30-50 | 0,650 | 0,055 | 0,116 | 10,82 | 9,2 | 165 | |
| 11 | | 555 | 0-30 | 0,801 | 0,073 | 0,150 | 18,65 | 15,3 | 217 | |
| | | | 30-50 | 0,653 | 0,054 | 0,116 | 10,00 | 8,7 | 161 | |

кг/га меъёрда кўпланилган вариантда аниқланди. Ушбу ҳолатни ўсимликларнинг ўзидан ўсимлик қолдиқларини кўпроқ қолдиргандиги ва шу билан бирга илдизида туганак бактериялар орқали ҳавода эркин азотни ўзлаштириши билан боғлаш мумкин. Демак, соя учун тақирисимон тупроқларда кўчат қалинлиги гектарига 370 минг туп ҳамда, маъдан ўғитлар N₁₀₀P₁₂₀K₁₀₀ кг/га меъёри мақбул ва шунда

ўсимликлар меъёрида ўсиб ривожланади, деб хулоса қилиш мумкин.

Назокат ҚАХОРОВА,
мустақил изланувчи,
Қарши муҳандислик-иктисодиёт институти,
Холмурод БОЗОРОВ,
китта илмий ходим, қ./х.ф.ф.д.,
ПСУЕАИТИ.

АДАБИЁТЛАР

- Кудрин А.С. Химизм сероземов. // Почвоведение. Москва, 1947. №8. С. 46-80.
- Прянишников Д. Н. Избранные сочинение. Т. -М.: Колос, 1952. 124 с.
- Дала тажрибаларини ўтказиш услублари. Тошкент. ЎзПИТИ 2007.148 б.

УДК: 633.2.2

ИССЛЕДОВАНИЕ

ПРОБЛЕМЫ ОХРАНЫ ТРУДА И БЕЗОПАСНОСТИ В СТРОИТЕЛЬНОЙ ОТРАСЛИ

The purpose of this article discusses current issues of ensuring labor safety and protecting the health of workers in the construction industry.
The analysis of relevant information is highlighted the main areas of work in the field of improving the efficiency of labor protection.

Вопросы охраны здоровья и безопасности всегда были главной проблемой в строительной отрасли. Строительство всегда было одним из наиболее опасных факторов, влияющих на здоровье человека и критерии безопасности, особенно в

развивающихся странах. Несмотря на программы, реализуемые государственными органами и меры, введенные в самих компаниях, количество строительных аварий по-прежнему остается тревожным высоким. В развивающихся странах правил




Рис. 1. – Диаграмма 1. Процентное соотношение числа травм и причин травматизма в строительной отрасли

безопасности, как правило, не существует; если они даже есть, регулирование в этом отношении слабо представлено. К сожалению, некоторые отрасли стройиндустрии особенно страдают от недостаточной безопасности. Любые рамки существующих профессиональных заболеваний имеют фрагментарный характер и применяются неправильно, что делает строительные объекты еще более опасными. Можно даже утверждать, что соответствующие нормы устарели и неактуальны в повседневной практике строительства.

Основной целью данного исследования является определение важности интеграции улучшения охраны здоровья персонала и стандартов безопасности в строительстве.

Для достижения указанной выше цели было проведено исследование деятельности ряда строительных компаний, по следующим критериям:

- оценка здоровья и безопасности в строительной отрасли, описание общих проблем, обстоятельства, при которых произошли зарегистрированные аварии;
- обзор законодательства в области здравоохранения и безопасности с особым упором на обновление действующего свода правил, определяющий уровень интеграция мер повышения производительности труда и охраны здоровья;
- влияние глобализации и культуры, проблемы в развивающихся странах и здоровья, показатели безопасности работ;
- улучшение методов интеграции здоровья и безопасности при управлении строительными проектами и выявление факторов деградации и регресса в области охраны труда и безопасности на строительной площадке;
- отбор лучших практических руководств по охране труда в строительной отрасли.

В результате анализа выяснилось, что причины аварийности работ и вред здоровью оказывается связан не только с нарушениями технологии строительного производства и мерами по защите персонала, но и с ошибками на стадии проекта. В значительной мере потенциал той базы по охране труда в строительной отрасли, который был накоплен в прошлые годы к настоящему времени растрячен. Работы на строительных площадках ведутся со значительными нарушениями, когда безопасность приносится в ущерб экономии и ускорению процесса строительства, т.е. попыткам повышения инвестиционной привлекательности и эффективности компании в ущерб безопасности ее сотрудников.

Нарушения трудовой дисциплины, выявленные в ходе исследования, сводились в основном к низкой квалификации рабочих, не понимавших причин и последствий при отступлении от регламента действий.

Данные приведены в диаграмме 2 (рис.2).




Рис. 2. – Диаграмма 2. Процентное соотношение числа травм и нарушений установленного в соответствии с действующим законодательством документооборота

Нарушения администраций технологий и регламентов, чаще всего, были вызваны убеждением в избыточности мер безопасности и наличии некоего умозрительного «допуска», который обеспечивает безнаказанное отступление от норм.

При этом интересен, также, показатель соответствия документооборота строительных компаний, имевших зарегистрированные случаи травматизма, и реальной защищенности работников отрасли.

Очевидно, что соблюдение норм трудового законодательства и защиты здоровья персонала строительных компаний все еще не находится в тесной связи с реальным соблюдением требований и регламентов, установленных законом – 25 % травм, в том числе связанных с нарушением администрацией существующих норм организации и проведения работ, при единичных формальных нарушениях в документальном сопровождении строительного производства.

Существующие тенденции показывают не только пренебрежение безопасностью работ, но и крайне низкую сознательность работников и работодателей. Очевидно, что в настоящее время строительная отрасль нуждается в проведении большой работы по прививанию всем сторонам трудовых отношений культуры ведения работ и культуры соблюдения норм и требований в области охраны труда и безопасности.

Эта методологическая проблема должна быть решена на уровне отрасли в целом, чтобы каждый работник и работодатель понимал, что сохранение жизни и здоровья персонала на строительной площадке такое же обязательное условие ведения культурной деятельности, как и поддержание инвестиционного облика фирмы, качественных показателей производительности и качества труда, соблюдения сроков работ.

Нилуфар ХАМРАБАЕВА,
к.т.н., доцент,
Ташкентский архитектурно-строительный институт,
Покизахон МУСЛИМОВА,
ассисент, ТГТУ.

ЛИТЕРАТУРА

1. Манжилевская С.Е., Шилов А.В., Чубарова К.В. Организационный инжиниринг // Инженерный вестник Дона, 2015, №3
2. Fil O.A. Project Cost Management //Materials of the XI International scientific and practical conference, «Trends of modern science», - 2015. Volume 5. Economic science. Sheffield. Science and education - pp. 92-96.
3. Сулейманов С.С., Хамрабаева Н.А. Прогнозирование последствий разрушительных землетрясений в городском районе //Вестник ТГТУ, №1-2. –Ташкент, 2011– С. 178-183.
4. Сулейманов С.С., Хамрабаева Н.А. К разработке технических решений по уменьшению масштабов сейсмического риска в городском районе. XV Международная научно-практическая конференция «Безопасность техносферы» (охрана труда, защита в ЧС, БЖД, экология, материаловедение демпфирующих сплавов, общетехнические вопросы, экономические и юридические аспекты БЖД). – Москва.: НИТУ МИСиС, 2013. – Т. 1. – С.171-180.

COVID-19 ПАНДЕМИЯСИ ДАВРИДА ҚОРАМОЛЧИЛИК ТАРМОГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АСОСИДА ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

В статье рассматриваются вопросы обеспечения продовольственной безопасности населения за счет увеличения производства мясомолочной продукции на основе развития животноводства в животноводстве страны в период глобальной пандемии COVID-19. Даны научные советы и практические рекомендации.

The article discusses the issues of ensuring food security of the population by increasing the production of meat and dairy products based on the development of animal husbandry in the country's livestock sector during the global COVID-19 pandemic. Scientific advice and practical recommendations are given.

Бугунги кунда жаҳонда тус олаётган глобал хавф-хатарлардан бири сифатида COVID-19 коронавирус пандемиясининг кенг тарқалиши барча давлатларни бирдек хавотирга солди. Пандемия шароитида мамлакат аҳолисини ижтимоий муҳофаза қилиш билан бирга уларнинг кундалик эҳтиёжи бўлган озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масалалари глобал тарзда ўз ечимини кутаётган долзарб вазифалардан бири сифатида кўтарилди.

Глобал тус олаётган COVID-19 коронавирус пандемияси хавфининг ортиб бориши жаҳон қишлоқ хўжалигига маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш масаласини кўндаланг қилиб кўймоқда. Шу жиҳатдан, аҳолини бевосита қишлоқ хўжалиги корхоналари, хусусан, фермер ва дехқон хўжаликлари томонидан қорамолчилик маҳсулотлари етиштириш ҳажмини оширишни долзарб масала сифатида белгилаб берди.

COVID-19 пандемиясининг глобал даражада қишлоқ хўжалигига етказиши мумкин бўлган зарарини олдиндан баҳолаш қийин. Шу боис, жаҳоннинг турли мамлакатларида озиқ-овқат маҳсулотлари етишмовчилги ёки озиқ-овқат захирасининг камайиб бориш ҳолати сезилмоқда. Бугунги кунда озиқ-овқат хавфсизлигининг асосий таъминоти бўлган бўғдор, шоли ва маккажӯҳори ҳамда гўшт ва сут маҳсулотларининг ҳам нархлари ўсиб бормоқда. Глобал миқёсида озиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг бекарорлиги аҳолига бирдек озиқ-овқат хавфининг ортиб бораётганига хавф туғидари.

Республикамида қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқларидан бири бўлган қорамолчилик тармоғини тубдан ривожлантириш ва ушбу тармоқ томонидан етиштирилаётган маҳсулотлар ҳажмини ошириш борасида хукуматимиз томонидан испоҳотлар амалга ошириб келинмоқда. Қорамолчилик тармоғида олиб борилган испоҳотлар натижасида чорва молларининг бош сонининг кўпайishi ва уларни етиштириш асосан хусусий тартибида дехқон хўжаликлари томонидан амалга ошириб келинмоқда.

Бугунги кунда қорамолчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлирида ҳам чорва молларининг бош сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Шунингдек, худудларда ушбу соҳани ривожлантириш ва наслдор қорамолларни хорижий давлатлардан олиб келиш учун фермер хўжаликларига кенг кўллами имтиёзлар яратиб берилмоқда. Бирок, бугунги кунда қорамолчилик хўжаликларини самарали ташкил этиш каби масалалар етарли даражада ўз ечимини топганича йўқ.

Дарҳақиқат, бугунги кунга келиб, қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ривожланишидаги асосий эътибор фермер хўжаликларига қаратилмоқда, шу жумладан, чорвачилик тармоғида қорамолчиликни кенг ривожлантиришда республикамизнинг барча худудларида қорамолчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларини ташкил этиш ва уларга имтиёзли кредитлар ва

субсидиялар ажратиш, наслдор қорамолларни харид қилиш боз тўловлари бўйича преференциялар тақдим этиш ҳамда озуқа базасини кенгайтириш учун ер ажратиш масалаларида ўзига хос муаммолар учраб турибди.

Шу жиҳатдан, ҳудудларимиз салоҳиятидан тўғри фойдаланган ҳолда чорвачилик тармоғидаги хўжаликларининг озуқа базасини кенгайтиришлари учун қаерга нима экиш, қайси турдаги чорва турини етиштириш ва кўпайтириш ҳамда кўшилган қиймат занжирини яратиш орқали аҳоли эҳтиёжларини таъминлаш учун бозорларда гўшт ва сут маҳсулотларини етказиб бериш ҳажмини кўпайтириш, шунингдек, нархлар барқарорлигини таъминлаш орқали даромад манбаини ошириш каби чора-тадбирларни тўғри режалаштириш мақсадга мувофиқидир.

Ўзбекистон аграр секторида дехқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришда қишлоқ хўжалиги корхоналарининг роли ортиб бормоқда. Хусусан, чорвачилик тармоғида қорамолчиликка ихтисослашган хўжаликларнинг маҳсулот ишлаб чиқариш кўлами ортиб бормоқда ва бу эса бевосита аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда бош омил ҳисобланади.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигига 2019 йилнинг якунлари бўйича барча тоифадаги қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан 2 465,0 минг тонна гўшт тирик вазнда ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,4 фоизга кўп ишлаб чиқаришга эришилган. Қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан, яъни гўшт ишлаб чиқаришнинг энг кўп салмоғи – деярли 92 фоизи дехқон хўжаликлари ҳиссасига тўғри келмоқда.

Маълумот сифатида таъкидлаб ўтиш жоизки, 2010-2019 йиллар бўйича таҳлиллар шуну кўрсатмоқдаки, 2010 йилда етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг умумий ҳажмида етиштирилган чорвачилик маҳсулотлари 41,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2019 йил якунлари бўйича бу кўрсаткич деярли 8 баробарга оргтан, жами яратилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 48,2 фоизини ташкил этган.

2020 йилнинг 6 ой мобайнida чорвачилик маҳсулотлари ҳажми ўсиш тенденциясини сақлаган ҳолда жорий йилда яратилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 58,0 фоизини ташкил этган.

Таҳлиллардан хулоса қилиш мумкинки, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва чорва молларини боқиш учун барча тоифадаги хўжаликларга қуляй шарт-шароитларни яратиб бериш, уларга узоқ муддатли ва имтиёзли кредитлаш механизмини жорий этиш, яйловлардан фойдаланиш бўйича давлат томонидан кенг имкониятлар яратиб берилиши соҳанинг янада барқарор ривожланишига олиб келади.

Пандемия шароитида чорвачилик тармоғини ривожлантириш тизими самарали йўлга кўйилмаслиги аҳолини

гўшт ва сут маҳсулотлари билан таъминлай олмаслик ёки озиқ-овқат етишмовчилиги ҳамда тўйиб овқатланмаслик ҳолатларини юзага келтиради. Айтиш жоизки, коронавирус пандемиясининг бугунги кунда қишлоқ хўжалигида ахолининг бандлик даражасига, қишлоқ хўжалигида эса агротехник тадбирларининг ўз вақтида бажарилмаслигига ҳам маълум бир даражада ўзининг салбий таъсирини ўтказа олди.

3-расм. Чорвачилик тармоқларида гўшт ва сут маҳсулотларини етиштириш ҳажми динамикаси (тонна).



Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида. stat.uz

Чорвачилик тармоқларида гўшт ва сут маҳсулотлари етиштириш билан боғлиқ маълумотларга назар ташлайдиган бўлсак, 2011 йилда 1564198 тонна гўшт маҳсулотлари етиштирилган бўлса, 2019 йил якунларига кўра 2473618 тонна гўшт етиштирилган бўлиб, ўртача 9 йилда 1,5 мартаға ўсган. Бу ҳолатни эса ижобий баҳолаш қийин, сабаби аҳоли сони йилдан-йилга ошиб бораётган бир пайтда гўшт маҳсулотларига бўлган эҳтиёж ошиб бормоқда. 2020 йилнинг олти ойида гўшт ва сут маҳсулотлари етиштириш ҳажми пасайғанлигини кўриш мумкин.

Хорижий тажрибаларга таянган ҳолда шуни айтиш жоизки, бугунги кунда чорвачилик тармоғида қорамолчиликка ихтисослашган хўжаликларда етиштирилаётган чорва молларининг гўшт ва сут маҳсулдорлигини оширишнинг асосий омили сифатида соҳада стратегик дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда самарали лойиҳаларни амалга ошириш, қорамолчиликда инновацион услублардан фойдаланиш, чорвачиликда кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда соҳани автоматлаштириш ва техник-технологик такомиллаштиришини ҳам талаф этади.

Қишлоқ хўжалигига чорвачилик тармоғининг асосий бўғинларидан бири қорамолчилик бўлиб, мамлакатимиз аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари, хусусан гўшт, сут ва қайта ишлаш саноатини эса тери хомашё маҳсулотлари билан таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Қишлоқ хўжалигига қорамолчиликни ривожлантириша дастлаб, қишлоқ хўжалиги ва унга хизмат кўрсатувчи корхоналар ўртасидаги ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий муносабатларни такомиллаштириш зарур. Айниқса, қорамолчиликнинг иқтисодий жиҳатдан самарали фаолият юритишида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши учун зарур бўлган хомашёларни етказиб берувчи барча турдаги корхоналар билан қишлоқ хўжалиги корхоналари ўртасидаги муносабатларни такомиллаштириш талаб этилади.

Хулоса ва таклифлар: Юқоридаги таъкидлаб ўтилган муаммоларни ҳал қилиш бўйича қуидаги тавсияларни келтириб ўтиш жоиздир:

Қишлоқ хўжалигига қорамолчиликни ҳар томонлама устувор ривожлантиришнинг ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий механизмлари қуидаги муаммоларни бартараф этишга қаратилиши мақсадга мувофиқидр:

– пандемия шароитида аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида қишлоқ хўжалигига истиқболи давлат дастурларини жорий этиш;

– пандемия шароитида аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини олдини олиш мақсадида чорвачилик хўжаликларига имтиёзлар бериш;

– қишлоқ хўжалигига қорамолчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларнинг рақобатбардошлигини ошириш асосида гўшт маҳсулотлари нархининг мувозанатини сақлаш;

– қишлоқ хўжалигига чорвачилик тармоғи хўжаликларининг инфратузилмасини яхшилаш ҳамда озиқ-овқат, хомашё ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорини самарали бошқариши ташкил этиш;

– қишлоқ хўжалигига қорамолчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларнинг ҳуқуқий муҳофазасини таъминлаш.

Юқорида келтирилган манбалардан хулоса қилиш мумкини, коронавирус пандемияси шароитида мамлакатнинг асосий мақсади пандемияни таъсирини бартараф этиш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда иштирок этиувчи чорвачилик тармоғида хўжалик юритувчи субъектларга имтиёзли кредитларни тақдим этиш асосида рағбатлантириш орқали инқирознинг олдини олишида муҳим замин яратади.

Азизбек РАХИМОВ,
и.ф.н., ТДАУ докторант.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 январдаги «Чорвачилик тармоғини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони. (20.03.2020).
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 176-сонли қарори. (23.03.2020).
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида коронавирус инфекцияси кенг тарқалишининг олдини олишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори. (26.03.2020).
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш даврида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш ва иқтисодиёт тармоқлари фаолият кўрсатишнинг барқарорлигини таъминлаш тўғрисида”ги фармони. (03.04.2020).
6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари. mf.uz
7. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. stat.uz.

ХУРМАТИ ВА ҲИММАТИ БАЛАНД ИНСОН



Ҳаётини эзгу амалларга бахшида этиб, ўз меҳнати билан юрт ободлиги ва эл фаровонлигига ҳисса кўшган, ўнлаб шогирдлар ва юзлаб издошларни камол топтирган инсонлар муносиб қадр топади, обрў орттиради.

Фидойилиги, жонкуярлиги, хайрли аъмоллари, серҳимматлиги билан танилган дўстимиз ва биродаримиз Раҳимберди Бўриев ҳам ўзининг мазмунли ҳаёт йўли билан қадр топган инсонлардан десак, асло муболага бўлмайди. Қутлуғ 70 ёшини қаршилаётган бу инсоннинг ҳаёт йўли ва меҳнат фаолияти ёш авлод учун ҳақиқий ибрат мактабидир.

1973 йил Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтини битирган Раҳимберди Бўриев меҳнат фаолиятини мамлакатимиз пахта саноати соҳасининг илк қалдирғоч корхоналаридан бири Чиноз пахта тозалаш заводида оддий смена бошлиқлигидан бошлаган.

Билим ва малакасини ишлаб чиқаришни модернизациялашга, меҳнат унумдорлигини оширишга сафарбар қилган ёш мутахассис тезда ишчан ва ташаббускор ходим сифатида танилди. 1980 йилдан мазкур заводда бош муҳандис, 1983 йилдан директор лавозимларида фаолият юритиб, ташкилотчи ва омилкор раҳбар сифатида ўзини намоён этди. Фан-техника ютуқлари ва янги технологияларни жорий қилиш ҳисобига корхонанинг ишлаб чиқариш кувватлари ҳамда иқтисодий самара-дорлиги ошди, маҳсулот турлари кенгайди, сифати яхшиланди.

1988 йилдан бошлаб Жиззах вилояти, 1992 йилдан эса Тошкент вилояти “Пахта-саноат” ишлаб чиқариш бирлашмаларида бош директор лавозимларида ишлаган даврида пахта хомашёсини дастлабки қайта ишлаш тизимини такомиллаштириш, ундан олинадиган маҳсулотларнинг сифат ва миқдор кўрсаткичларини яхшилаш,

Одам умрини кўзгуга қиёслашади. Зеро, ҳар бир инсон ҳаёти давомида амалга оширган ишлари унда яққол намоён бўлиб, холис баҳоланади ва эътироф этилади.

соҳа самарадорлиги ва маҳсулот етиштирувчилар моддий манфаатдорлигини ошириш борасида эътиборга молик натижаларга эришиди.

1997 йилдан Ўзбекистон Республикаси “Сифат” маркази раҳбарлиги лавозимида фаолият юритиб, жаҳон бозорида ўзбек пахтасининг муносиб ўрин егаллаши, пахта толасининг сифат кўрсаткичларини баҳолашнинг янги тизимини яратиш, соҳада ишлаётган мутахассисларнинг касбий малакасини ошириш орқали пахта толаси экспортидан миллий даромадимиз ўсишига ҳисса кўшди.

2002 йилдан Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги бош директори этиб тайинланди. Бу даврда мамлакатимизнинг жаҳон бозорига интеграциялашуви, иқтисодиётнинг барча тармоқларида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар бўйича мавжуд меъёрларнинг ҳалқаро стандартларга мувофиқлаштирилуви долзарб вазифалардан бирига айланган эди.

Унинг олти йиллик фаолияти давомида бу муҳим йўналишда изчиллик ва сабитқадамлик билан иш юритилиб, меъёрий-хуқуқий база ислоҳ қилинди, мамлакатимиз экспорт салоҳиятини янада ошириш омиллари яратилди.

2008 йилдан бошлаб “Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати” уюшмаси раиси лавозимида ишлаган даврида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг қўшимча қиймат занжирини яратиш борасида кўплаб лойиҳалар амалга оширилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, қадоқлаш ва сақлаш инфраструктураси кенгайди ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмлари сезиларли даражада ошди. Илгари факат хомашё етказиб берган мамлакатимизнинг жаҳон бозоридаги имиджи ўзгарди.

2011 йилдан “Пахтасаноат илмий маркази” очиқ акциядорлик жамияти бош директори ўринбосари, 2015

йилдан мазкур жамиятнинг Малака ошириш маркази раҳбари лавозимларида меҳнат қилиб, техника фанлари номзоди сифатида ўзининг илмий салоҳияти ва бой тажрибасини соҳадаги испоҳотлар самарадорлигини оширишга қаратди. Соҳа бошқаруви тизимини ҳамда ишлаб чиқариш жараёнларини ахборотлаштириш ва такомиллаштириш, ходимларнинг замонавий техника ва технологиялар бўйича касбий малакасини ошириш борасида муайян натижаларга эришилди.

Раҳимберди Бўриев ўзининг қарийб ярим асрлик меҳнат фаолияти давомида мамлакатимиз иқтисодиёти ва унинг муҳим тармоғи – аграр соҳа, жумладан, қишлоқ хўжалиги ва ҳудудларини ривожлантириш, юрт ободлиги ва ҳалқ фаровонлиги йўлида фидокорона меҳнат қилиб, элга танилди. Жонкуяр раҳбар ва меҳрибон устоз, самимий дўст ва бағрикенг инсон сифатида ҳурмат қозонди.

Буюк мутафакир шоир, ҳазрат Мир Алишер Навоий: “Кишининг улуғлиги унинг ҳимматидан билинади. Инсоннинг ҳиммати эса унинг қийматини белгилайди”, деган. Биримизга ака, биримизга ука, яна биримизга дўст бўлган қадрдонимиз ана шундай ҳиммати ва ҳурмати баланд инсонлардан эканлиги бизга ифтихор бағишлайди.

Файзли ва ибратли оила сифатида Бўриевлар хонадони уни билган, яқиндан танинган кишилар учун намуна-дир. Умр йўлдоши Башорат янга билан ўғил ва қизларни камолга етказди, эл корига камарбаста қилди.

Бугун аҳил оиласи оғушида умргузаронлик қилиб келаётган биродаримиз Раҳимберди Бўриевга тан-сиҳатлик, узоқ умр ва барча эзгу ниятларимизни тилаб қоламиз.

Бир гуруҳ дўстлари ва биродарлари.

ЖУРНАЛИМИЗ 115 ЁШДА

Ўзбекистон матбуоти сермазмун ва аҳолининг маънавий дунёқарашини бойитишга хизмат қилувчи қўплаб даврий нашрларга эга. Улар орасида бугунги кунда "Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги" ("Сельское и водное хозяйство Узбекистана") номи билан чоп этилаётган журналинизмнинг ўзига хос ўрни бор. Журнал саҳифаларида аграп соҳани ислоҳ қилиш борасида эришилаётган ютуқлар, янги илмий изланишлар, технологиялар ҳақида ҳикоя қилувчи мақолалар, шунингдек, илмий-тадқиқот материаллари чоп этилмоқда. Мозийга қайтиб иш юритиш хайдриди, деган ақидага амал қилиб, журналинизм тарихига бир назар ташлаймиз.

"Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги" журналиниң илк манбаи Туркистон Қишлоқ хўжалиги жамиятининг нашри ҳисобланниб, 1906 йилдан нашр этила бошлаган "Туркестанское сельское хозяйство" журналиди. Бунга асос Туркистон Қишлоқ хўжалиги жамиятининг 1905 йилги мажлиси баённомаси ҳисобланади. Мазкур баённомада маҳаллий аҳоли ҳамда қишлоқ меҳнаткашлари, мутахассислар учун ойлик газета ва журналлар, адабиётлар нашр килишини ўйлга кўйиш масаласи қайд этиб ўтилган.

Масалан, Туркистон Қишлоқ хўжалиги жамиятининг 1905 йил 17 декабрдаги йиғилишида ўлка қишлоқ хўжалигидаги ишларни яхшилаш, аграп соҳадаги илмий-тадқиқотларни кучайтириш масаласи кўриб чиқилади. Йиғилишида илмий изланишларни амалиётга татбиқ этиш, шунингдек, ноширлик фаолиятини ўйлга кўйиш масаласи ҳам муҳокама қилинган. Маҳаллий аҳоли ва ўлкада ишлаётган мутахассислар учун эски ўзбек ва рус тилларида журнал ҳамда адабиётлар нашр этиш лозимлиги таъкидланган. Мажлис аҳли 1906 йилдан "Туркестанское сельское хозяйство" журналини нашр этиш лозим деб топган.

Шундай қилиб, 1906 йилдан "Туркестанское сельское хозяйство" журнали нашр қилина бошлиди. Журналининг илк сонида таҳририятнинг кўйидаги мурожаати чоп этилган:

"Туркистон Қишлоқ хўжалиги жамияти ташкил этилган дастлабки ўили ҳамда фаолият дастурини ишлаб чиққан вақтдаёқ аҳолига қишлоқ хўжалиги ёрдами кўрсатишни ўз жамоатчилик фаолиятининг ўта муҳим ажralмас қисми эканлигини эътироф этган эди. Шундай экан, қишлоқ хўжалигининг ҳали очилмаган қурралари кўплиги боис аҳоли билан қишлоқ хўжалиги жамияти ўртасида яқин мулоқотни ўйлга кўшиш, ҳамто, бунинг учун энг кулай ўйлларни топиш лозим. Шуни унумаслик керакки, мулоқот учун энг яхши восита бу қишлоқ хўжалиги журналидаги мақолалар бўлиб, дехқончилик ишларини тўғри ўйлга кўшишда муҳим аҳамиятга

эгадир. Бунинг учун уларни маҳаллий аҳоли тилига ўзириш даркор.

Кам сонли адабий ҳодимлар билан 2-4 босма табоқда журнал нашр этишига жазм қилган Қишлоқ хўжалиги жамияти бир томондан журнал ўз ўрнини топиши ва имкон қадар кўп миқдорда нашр қилинишидан манфаатдордир. Зоро, олимларнинг сермашақат ишлари имкониятни яхшилайди, журнални мазмунан бойитади, иккинчи томондан дехқонларнинг интеллектуал салоҳиятини кўтаришига хизмат қилади..."



Журналинг илк сони

"Туркестанское сельское хозяйство" журнали Туркистон ўлкаси қишлоқ хўжалиги ҳаётининг кўпгина жабҳаларини қамраб олган бўлиб, 1906 йилнинг январида 1-2-сони нашр этилган.

"Туркестанское сельское хозяйство" журнали 1918 йилгача мунтазам чоп этиб келинди. Тарихий манбаларга кўра, журналинизмнинг нашр этила бошлаган вақти 1922 йилдан эмас, балки 1906 йилдан бошланган эканлигини яна бир бор таъкидлаб ўтмоқчимиз.

Туркистон Қишлоқ хўжалиги жамиятиning раҳбари, академик Р.Р.Шредер журнал фаолиятида алоҳида ўрин тутган. Журналинг мақола ва хабарлари кўрсаткичини тузиб чиқкан машҳур библиограф Е.К.Беттер журнал фаолиятига катта баҳо бериб: "У Ўрта Осиёдан ташқарида ҳам маълум бўлиб, XX аср бошида фаолият юритган Россия агрономия жамияти унинг билан ҳисоблашар, бу тоифадаги маҳаллий журналларнинг энг мавқеи баланди ҳисобланар эди" деб ёзган эди.

"Туркестанские ведомости" газетаси "Туркестанское сельское хозяйство" журналиниң мундарижаси билан ўкувчиларни мунтазам таништириб борган.

Журнал саҳифалари мазмун жиҳатдан анча бой бўлиб, имкон қадар қишлоқ хўжалигидаги, хусусан ер, суғориш ишлари, пахтачилик, илакчилик, боғдорчилик соҳасидаги янгиликлар билан аҳолини таништириб бориш билан бир вақтда Туркистон Қишлоқ хўжалиги жамияти фаолиятини ҳам ёритиб келган.


Унинг саҳифаларида Туркистонга XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида қишлоқ хўжалик экинларининг янги турлари кириб келганлиги ҳақида қизиқарли маълумотлар ёритилган.

Журнал таҳририятига Туркистон ўлкасининг турли жойларидан хабарлар келар, уларнинг асосий қисмида қишлоқ хўжалиги йили якунлари ва бошқа қизиқарли маълумотлар қамраб олинар эди. Таҳририята ўкувчилар амалий характерга эга саволлар билан мурожаат қилишар, ўғитлар, қишлоқ хўжалиги техникалари, уруғларни қаердан олиш мумкинлигини сўрашарди. Буларга имконият доирасида жавоблар, кўп ҳолларда ўйлланмалар берилган. Журнал 1909 йилнинг апрелида Ростов-Донда бўлиб ўтган кўргазмада ўз экспонатлари билан муваффақиятли қатнашгани учун «Кичик олтин медаль» билан мукофотланган.

Хуллас, "Туркестанское сельское хозяйство" журнали XX аср бошида Туркистонда қишлоқ хўжалигига оид билимларни ёишига ҳамда аҳолига матбуот

орқали экинлардан мўл ҳосил олишга ёрдам беришга ҳаракат қилган. Унинг саҳифаларидан ҳалқ ҳўжалигиниг турли жабҳаларига оид қизиқарли маълумотлар топиш мумкин. Бу журнал ўша даврдаги қишлоқ ҳўжалиги масалалари тарихини ўрганишда муҳим манбалардан бири бўлиб хизмат қиласди.

1921 йилга келиб, икки ҳафтада бир марта чиқадиган “Ирригация, Сельское хозяйство, Животноводство” журналини нашр этиш ҳақида Туркистон АССР Ер ишлари Ҳалқ Комиссарлиги ва Умумер ишлари Туркистон Марказий Кўмитаси бюросининг баённомаси қабул қилинди. Журнал саҳифаларида қишлоқ ҳўжалиги соҳасининг барча тармоқларида ишларни жадаллаштириш ҳамда ривожлантиришга доир меъёрий ҳўжокатлар, илмий-амалий мақолалар, тавсиялар чоп этилган. Журнал, айрим сабабларга кўра, қўшма сон тарзида босилган. Факат 1922 йил октябрь ойидан бошлаб “Ирригация, Сельское хозяйство, Животноводство”, “Туркестанское сельское хозяйство” журналлари негизида ўзбек типида “Туркистон қишлоқ ҳўжалиги” журнали чоп этилган.



Архивда сақланаётган ҳўжокатларда қайд қилинишича, маҳаллий матбуот нашрларининг моддий ахволи ёмон бўлган. Ҳусусан, Туркистон қишлоқ ҳўжалиги жамияти раҳбари Р. Шредернинг Туркистон ўлкаси Ер ишлари ва давлат мулки бошқармасига ёзган хати бунга мисол бўла олади. Шунга қарамай, баъзи ташкилотлар кўмидига ҳамда турли мазмундаги эълонлар, рекламалар ҳисобига журнал, рисола, илмий тавсиялар чоп этиб келган.

“Туркестанское сельское хозяйство” журнали ўкувчиларни вилоятларда тузишган “Агроном ташкилоти” фаолияти, сабзавот экинлари, механизация, экинларда учрайдиган турли касалликларга қарши курашиш чоралари ва қишлоқ ҳўжалиги соҳасига оид ишлар бўйича ўтказиладиган тадбирлар, янгиликлар билан ҳам танишишиб борган.

Журнал саҳифаларида зааркундаларга қарши курашиш, агротехника тадбирларини тўғри олиб бориш ҳақидаги илмий изланишлар ва адабиётлар

рўйхати, шунингдек, савдо-саноат бўлими томонидан озиқ-овқат маҳсулотлари, уруғликлар, кўччатлар ва бошқа маҳсулотлар баҳоси ҳамда етказиб бериш тўғрисидаги ахборот-маълумотлар мунтазам чоп этилган. Туркистон қишлоқ ҳўжалиги жамиятининг Туркистон ўлкаси Ер ишлари ва давлат мулки бошқармасига тақдим этган ҳисоботлари, турли мазмундаги мурожаатларида (1917 йил) ўша даврдаги мұхит ва аграр соҳадаги ахволни ҳисобга олган ҳолда маҳаллий аҳоли ҳамда дехқонлар учун рисолалар нашр этиш зарурлиги таъкидланган.


Туркистон ўлкаси Ер ишлари ва давлат мулки бошқармаси ўлкада қишлоқ ҳўжалиги ирригация, сув ҳўжаликлари, ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш мақсадида таҳминан 1914 йили ўзбек тилида “Дехқон” журнали кейинроқ “Камбағал дехқон” газетасини чоп этиш ҳақида қарори қабул қилинган.

“Дехқон” журнали “Туркестанское сельское хозяйство” журнали таҳририяти ихтиёрида бўлиб, унга Туркистон ўлкаси Ер ишлари ва Давлат мулки бошқармасининг катта мутахассиси А. Новиков масъул мухаррир этиб тайинланган. Журнал ойда 1 марта, китоб форматида 8 варагда, 1/8 босма та-боқда нашр этилган. Журналнинг асосий вазифаси маҳаллий аҳолига қишлоқ ҳўжалиги ишларини юритишнинг энг самарали усулларини тарғиб қилишдан иборат бўлган. Пахта этиштириши кўпайтириш, боғдорчилик, узумчилик соҳаларини мустаҳкамлаш, дала ва томорқачилик, чорвачилик соҳасида илғор усуспарни татбиқ этиш бўйича мақолалар, тавсиялар чоп этган. Шунингдек, қишлоқ ҳўжалиги экинлари, чорва моллари зараркунданда ва касалликларига қарши курашишга доир амалий тавсиялар ёритилган. Пахта, ғалла ва бошқа экинлар селекцияси ва уруғчилигига доир илғор тажрибалар ҳақида хикоялар, фойдали маслаҳатлар бериб борилган.

Ўлқада механизация ва суғориш тармоқларини тартибга солиш, янгилирни очиш борасида бажариладиган ишлар кўлами айтарли яхши бўлмаган. Ўша даврдаги мутахассислар қишлоқ ва сув ҳўжалигини ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш ишларини олиб боришган. Мазкур ишларнинг боришини кенг оммага етказиш борасида туркум мақолалар берилган. Буни журнал саҳифаларида чоп этилган мақолалар ҳам тасдиқлаб турибди.

Ўша йилларда қишлоқ ҳўжалиги учун маҳаллий аҳоли вакилларидан мутахассислар тайёрлаш, уларни ўқи-

тиш, малакасини ошириш борасида ҳам муайян ишлар йўлга қўйилган. Шу мақсадда Ҳалқ Маорифи Комиссарлиги томонидан мунтазам равишида қишлоқ ҳўжалигининг турли йўналишида мутахассислар тайёрлашга ихтисослашган билим юртлари очилган.



Шу ўринда таъкидлаш кераки, “Ўзбекистон қишлоқ ва сув ҳўжалиги” журналининг таъсис этилган вақти “1922 йил октябрь” деб кўрсатилиб келинмоқда. Аслида 1906 йилда ташкил этилган “Туркестанское сельское хозяйство” журнали буғунги “Ўзбекистон қишлоқ ва сув ҳўжалиги” нашрнинг тамал тошини кўйган деб айтишимизга асос бўла олади. Тўғри, Чор Россиясининг Туркистондаги мустамлакачилик сиёсатида ўлкани хомашё базасига айлантириш мақсади мавжуд эди. Лекин қишлоқ ҳўжалиги мутахассисларининг ўша даврдаги соҳани ривожлантириш ва қишлоқ аҳолисига ёрдам бериш мақсадидаги саъй-ҳаракатарини инкор этиб бўлмайди.

Мутахассислар маҳаллий аҳолига аграр соҳада ёрдам кўрсатиш учун энг яхши восита сифатида матбуотдан фойдаланганлар. Бу вазифани “Туркестанское сельское хозяйство” журнали ўтаган.

Ўзбекистон қомусий нашрларида кептирилишича буғунги “Ўзбекистон қишлоқ ва сув ҳўжалиги” журнали “Колхозчи” газетасининг (1921 йилларда нашр қилинган) нашрни сифатида “Янги қишлоқ” номи билан нашр этилган журналнинг давомчиси деб қайд қилинган. Бизнинг фикримизча, бу асосли эмас. Чунки изланишларимиз давомида аниқланишича, “Янги қишлоқ” журнали 1928 йилдан бошлаб қисқа муддат нашр қилинган.

Хуллас, тарихий манбаларга таянган ҳолда айтиш мумкинки, “Ўзбекистон қишлоқ ва сув ҳўжалиги” журналининг ташкил топиш вақтини “Туркестанское сельское хозяйство” журнали чоп этила бошлаган йилдан, яъни 1906 йилдан деб белгилаш лозим.

Маъмуржон КОМИЛОВ,
“Ўзбекистон қишлоқ ва сув ҳўжалиги” журнали меҳнат фахрийи.

ЎЗИНГГА ЭМАС, СЎЗИНГГА БЕЗАК БЕР



БИТИКЛАР

Газета-журналларнинг саргайган саҳифаларини
варақлар эканман, ўтмишга сафар қилгандек бўламан,
хотира булоғидан ичган сувларим кучи билан
яна олдинга интиlamан.

Одам болаликда орзулар,
қариганда эса хотиралар билан яшар экан.

Дунёда инсоннинг қалбидан-да чукурроқ нарса бўлмаса
не ажаб?

Ўтмишнинг ўтинидан келажакнинг кемаси барпо бўлади.

Эркин одамдангина эркин фикр кутиш мумкин.

Бахти бўлай десанг — ёшлиқни қувонч билан кузат,
кексаликни қутоқ очиб кутиб ол.

Доно ақлини чархлайди, нодон — қиличини.

Ёмонни мақтаб, яхшини ёмонлагандан қоч.

Гўдак душманингни фарзанди бўлса ҳам
унга ёмонлик тилама.

Донога ошна, билимга ташна бўл.

Ёлғончи дудуқланмай гапиради.

Яхши китобни мутолаа қилиш покланиш билан тенг.

Донолар ҳикматларига қулоқ тутишнинг эрта-кечи
бўлмайди, бироқ уларга амал қилишда кечикиш мумкин.

Ёш боланинг қалби оппоқ қофозга ўхшайди,
нимани ёзсанг шуни ўқийсан.

Имонли одам ҳеч нимаси қолмаганда ҳам
имонсиздан юқори туради.

Кейинчалик тонадиган сўз айтма,
кечирим сўраладиган иш қилма.

Нодон билан сұхбат қургандан кўра,
доно билан сукут сақлаган яхши.

Касбдошларимиз ижодидан

Бу сўзлар журналист
Махмудхон Тоировнинг
каламига мансубdir. Журналимиз
саҳифаларида мазкур
касбдошимизнинг ижодидан
илгари ҳам намуналар берган эдик.
Бугунги кунда ҳам журналимиз
ҳаётida фаол иштирок этаётган
мехнат фахрийси Махмудхон
аканинг ижодидан мухбир ахли
байрами муносабати билан яна
бир қатор битикларни чоп этишини
жоиз деб топдик.

Таҳририят.

Ўзбек аёлининг алласи бор экан Алпомишлар
туғилаверади.

Ёшлиқда тор кўйлак ҳам кенг кўринарди, қарилукда кенг
кўйлак ҳам тор кўринар экан. Ёшлиқда узоқ йўл ҳам яқин
кўринарди, қарилукда яқин манзил ҳам узоқ кўринар
екан. Ёшлиқда қанча гурунглашсанг ҳам оздек эди,
қарилукда бир оғиз сўз ҳам кўпдек туюлар экан...

Эрни хотин, хотинни эса унинг орзу-ҳаваслари
бошқарди.

Ёшлигига тошни толқон қиларди, қариганда толқон ҳам
тош бўлиб туюлади.

Нодондан доно маслаҳат кутма.

Хаёл қаерларга етакламайди дейсан. Айниқса, хом хаёл.

Ўқитувчи, устозларни чўлга сув улашаётган дарёга
ўхшатим келади.

Оқ нарсада қора, қора нарсада
оқ доғларни излашдан ўзингни тий.

Юзи хунук одамдан эмас, фикри бузуқ одамдан қоч.

Маънавий қашшоқлик –
моддий қашшоқликка олиб келиши мумкин.

Энг олий мактаб – ҳаёт мактаби,
энг узун йўл – ҳаёт йўли.

Таълим олаётганда таслим бўлма.

Мағлубиятни кўрмаган – ғалабанинг қадрига етмас.

Фан ривожлангани сари илмга эҳтиёж ошиб бораверади.

Мақтовни бошқадан, танқидни ўзингдан бошла.

Сўзинг — ҳаракатга, ҳаракатинг эса — яхшиликка
бошласин.

ЖУРНАЛИСТ

Менинг касби-корим шу бир сўзда ҳал,
Гоҳ заиф, гоҳ мағрур жааранглар бу ном.
У менинг қўксимда осиглик медаль,
У менинг қалбимда жўш урган илҳом.
Журналист деб атанг мени, дўстларим!

Мен учун шу бир сўз энг олий туйғу,
Минг бир машаққат-ла топган ёрлиғим.
У мени тунлари тарк этган уйқу,
У менинг бойлигим, бутун борлигим.
Журналист деб атанг мени, дўстларим!

Душманга жангчи-ла мен кафсан бичдим,
Қаламим найзадек санчдим бағрига.
Гагарин-ла бирга космосга учдим,
Кончи билан кирдим ернинг қаърига.
Журналист деб атанг мени, дўстларим!

Тўю маъракада ҳамиша борман,
Баъзида тўрдаман, баъзан пойгаҳда.
Элимга ҳамнафас кичик дастёрман,
Кўлидан тутаман бирор тойғандан.
Журналист деб атанг мени, дўстларим!

Шифокорга ўхшаб кетаман бироз,
“Тез ёрдам” сингари доим йўлдаман.
Минг бир касаллиқдан этаман халос,
Қоғоз, қалам тутиб доим кўлда ман.
Журналист деб атанг мени, дўстларим!

ДУНЁНИНГ ИШИ

Дунёнинг ишлари аёндир кундай,
Яхшилик бир ёну бир ён ёмонлик.
Хўкм ҳам ўқилар минг йилки шундай:
Ёвузга — ўлиму мардга омонлик.

Таёкнинг иккита учидай аниқ,
Шундай ақидалар омон бормикан?
Чунки, бугун сира кўрмадим мантиқ —
Нега гул экканлар термоқда тикан?

Сўзларимни тинглаб, агар бирор зот,
Нима ҳам қиласдим, бадбин, деб айтса.
Лекин, ўзи чунон айларди фарёд,
Яхшилик қисло ёмонлик қайтса!



Кимдир бигиз қилас қўлин панадан,
Кимдир кувватлайди ўшани пинҳон.
Ҳар кун туғилгандай минг бор онадан,
Ҳар кун мени кутар минг бир имтиҳон.
Журналист деб атанг мени, дўстларим!

Тиним ҳам билмайман баъзан кун бўйи,
Ортда қолмайин деб катта карвондан.
Яна ухломайман бутун тун бўйи,
Ҳазар қилиб баъзан думлик инсондан.
Журналист деб атанг мени, дўстларим!

Шофёр тунда қоқар уйим зулфини,
Елдек югураман редакцияга.
Сўнг очиб сўрайман қалбим қулфини,
“Номерга” деган сўз урап мияга.
Журналист деб атанг мени, дўстларим!

Маъдан изловчига ўхшайман гоҳо,
Балки униқидан оғир меҳнатим.
Ҳамиша машаққат бўлса ҳам ҳамроҳ
“Хурмат тахтаси”да кўринмас отим.
Журналист деб атанг мени, дўстларим!

Майли, дилдагисин айтмасин ҳамма,
Ўзига қиласин, майлига, сирдош.
Фикрингда туғилди қандай муаммо?
Фақат сен қалбингни очгин, замондош.
Журналист деб атанг мени, дўстларим!

Суръат ОРИПОВ



БАХТ

Нима ҳам қиласдик, одам боласи
Турфа хислатларга эмас бегона.
Бир шоирга фарҳ сочин толаси —
Ҳамон қоп-қораки, баҳтдан нишона.

Осуда ҳаётни, тинчликни ёниб
Куйлашдан ҳеч қачон толмадим, дейди.
Олган унвонларин санайди қониб,
Уйғун домладан ҳам қолмадим, дейди.

Яна бир танишим носир ва ношир,
У ҳам ўз баҳтини мақташга мойил:
Менга берилмади, дейди, минг шукур,
Миркарим Осимни қақшатган ўн йил!

Сирожиддин РАУФ

“Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги” журнали
таҳририяти барча журналистларни, ижод аҳлини
касб байрами билан самимий муборакбод этади.
Ижод хирмонингиз бундан-да баракали бўлишига
тилақдошмиз!

O'ZBEKISTON QISHLOQ VA SUV XO'JALIGI

аграр-иқтисодий,
илмий-оммабон журнал

СЕЛЬСКОЕ И ВОДНОЕ ХОЗЯЙСТВО УЗБЕКИСТАНА

аграрно-экономический,
научно-популярный журнал

МУАССИСЛАР:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ҲҮЖАЛИГИ ВА СУВ
ҲҮЖАЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАРИ

Бош муҳаррир:

Тоҳир ДОЛИЕВ

Таҳрир ҳайъати:

Шуҳрат ФАНИЕВ
Жамшид ХОДЖАЕВ
Шавкат ХАМРАЕВ
Шуҳрат ТЕШАЕВ
Азимжон НАЗАРОВ
Баҳодир ТОЖИЕВ
Равшан МАМУТОВ
Аброл ВАХОБОВ
Баҳром НОРҚОБИЛОВ
Низомиддин БАКИРОВ
Ботиржон СУЛАЙМОНОВ
Ўқтам УМУРЗОҚОВ
Равшанбек СИДДИҚОВ
Мирзиёд МИРСАИДОВ
Бахтиёр КАРИМОВ
Ибрагим ЭРГАШЕВ

2021 йил,
№6. Июнь

Журнал 1906 йил
январдан чиқа бошлигани.

Обуна индекси:
якка обуначилар учун – 894
ташкилотлар учун – 895

МУНДАРИЖА

| | | |
|---|---|----|
| Р.ҚАРШИЕВ. | Тежамкор сугориш технологияларини қўллаш – давр талаби..... | 1 |
| Ихтиро кўп бўлса, мушкул осонлашади | 2 | |
| Гуллар кўсакка айланмоқда..... | 3 | |
| М.ТОШБОЛТАЕВ. | Фалла ўрими ва пешма-пеш шудгор | 5 |
| М.САТТАРОВ, М.ЭРГАШЕВ. | Такрорий экин сифатида шоли етиштириш..... | 7 |
| Ҳ.АБДУЛЛАЕВА, А.ҚОСИМОВ, А.ПАРДАБОЕВ, Д.АЙТБАЕВА. | | |
| Боғни боксанг бол берар | 8 | |
| Ф.ҚИРҒИЗБОЕВ, А.МИРЗАЕВ, Р.НИЗОМОВ, Ф.РАСУЛОВ. | Такрорий экинлар – кўшимча даромад | 9 |
| Е.ТОРЕНИЯЗОВ, Р.ЮСУПОВ, Қ.ШАМУРАТОВ. | Қовун пашаси – ҳосил күшандаси... 11 | |
| М.АБДУХАКИМОВА. | Оролбўй минтақаси ва экология | 12 |
| Д.ХУСАИНОВ. | Ёшларга эътибор – келажакка эътибор..... | 14 |
| С.ТОРЕШОВ. | Янгича ишлаш, янги солнномалар..... | 15 |
| Ш.НОРМУРОДОВ. | Томчидা акс этаётган барака | 16 |
| | Тупроғи муқаддас ватаним..... | 17 |
| | Эртаси ёргу, келажаги порлок одамлар | 18 |
| Ш.ЖАББАРОВА. | Ипакка ипакдай меҳр керак | 19 |
| Х.КАРИМОВ. | Паҳтакорда “Пекинча ўрдак” парваришиланади..... | 20 |
| Р.ТОЖАЛИЕВА. | Излаган имкон топар | 21 |
| | Сабр, ирода, кувонч..... | 22 |
| | Келажакни кўзлаётган мулқорлар | 23 |
| Ш.ХОЛТЎРАЕВ, Қ.МУХАММАДИЕВ. | Чўл худудларида ўрмончиликни ривожлантириш илмий маркази ташкил этилди..... | 24 |
| Т.АЛЛАМБЕРГЕНОВ, М.АБЗАЛОВ, И.ҚУРБАНБАЕВ, С.АБДУШУКИРОВА, А.АМАНОВ, О.ЭРГАШЕВ, П.ҚАЙНАРОВ. | Соянинг янги “Хотира” ва “Эҳтиёж” навлари | 25 |
| А.НУРЫМБЕТОВА, Н.РЕЙМОВ. | Продуктивность кукурузы в зависимости от доз минеральных удобрений | 26 |
| О.ШОДМОНҚУЛОВ. | Юртимизнинг данакли мевалари | 27 |
| И.ЭРГАШЕВ, Ф.ОБЛОҚУЛОВ. | Картошка навларининг ҳосилдорлиги..... | 28 |
| А.УБАЙДИЛАЕВ, Р.МУРАДОВ. | Томат ўсимлигини етиштириш усуслари | 29 |
| А.ТУРАКУЛОВ, Н.АБДУМАЛИКОВА. | Ноањанавий сабзавот – тиканли артишокнинг озуқабоплик ва шифобаҳшлик хусусиятлари | 30 |
| Т.ХОЛМЎМИНОВ. | Ширин қалампир етиштириш технологиясининг асосий элементлари | 31 |
| С.МИСИРОВА, Н.МЕЛАНОВА, И.ҚУРБОНОВ, М.ХАЙДАРОВА. | Орхидея гулини in vitro усадла етиштириш технологиясини ишлаб чиқиши | 33 |
| Б.АКРОМОВ. | Пиёз ва саримсокпиеёнин заарловчи зааркундалар | 35 |
| С.АВАЗОВ, Г.АБДУЛЛАЕВА. | Андикон вилояти шароитида соя ўсимликларидан ажратилиган замбуруғ турлари ва уларнинг систематик таҳлили..... | 36 |
| С.АМЕТОВА. | Қорақалпогистоннинг шўрланган тупроқлари шароитида япон софораси дараҳти уруғларининг унуб чиқишига ва ўсишига гетераауксин стимуляторининг таъсири | 37 |
| Н.ҚАХОРОВА, Х.БОЗОРОВ. | Соя-ғўза алмашлаб экиш тизимларида тупроқ агрокимёвий хоссаларининг ўзгариши | 38 |
| Н.ХАМРАБАЕВА, П.МУСЛИМОВА. | Проблемы охраны труда и безопасности в строительной отрасли | 39 |
| А.РАХИМОВ. | Covid-19 пандемияси даврида қорамолчилик тармоғини ривожлантириш асосида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш | 41 |
| | Хурмати ва химмати баланд инсон | 43 |
| М.КОМИЛОВ. | Журналимиз 115 ёшда | 44 |
| | Битиклар | 46 |
| | Журналист | 47 |

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва
ахборот агентлигига 2019 йил 10 январда
0158-рақам билан қайта рўйхатга олинган.

Манзилимиз: 100004, Тошкент ш.,
Шайхонтохур т., А. Навоий к., 44-уй.

Тел: +998 71 242-13-54,
+998 71 249-13-54.

www.qxjurnal.uz
E-mail: uzqx_jurnal@mail.ru,
Telegram: qxjurnal_uz

© «O'zbekiston qishloq va suv xo'jaligi»

Босмахона топширилди: 2021 йил 31 май.
Босиша рухсат этилди: 2021 йил 31 май. Қоғоз
бичими 60x84 1/8. Офсет усулида оғозига
чоп этилди. Шартли босма табори 4,2. Нашр хисоб
табори 5,0. Буюртма №6. Нусхаси 1300 дона.

«HIOL MEDIA» МЧЖ матбаа
бўлимида чоп этилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Учтепа тумани,
Шараф ва Тўқимачи кўчалари кесишуви.

Навбатчи муҳаррир: А. ТОИРОВ
Дизайнер: У. МАМАЖОНОВ

**“О‘РМОНЧА КАПЕРС” МЧЖ КОВУЛДАН
ТАЙЁРЛАНГАН “ЗОЛОТО ВОСТОКА”
БРЕНДИДАГИ ЮҚОРИ СИФАТЛИ,
ЭКОЛОГИК ТОЗА, ХАЛҚАРО АНДОЗАЛАРГА
МОС КОНСЕРВАЛАНГАН МАҲСУЛОТЛАРНИ
ТАКЛИФ ЭТАДИ.**

**Корхона чекланмаган микдорда
ковул ғунчаларини сотиб олади.
Тадбиркорлар ўзаро манфаатли
ҳамкорликка таклиф этилади.**



+998 90 181 00 76
+998 90 185 00 76

**Мурожаат учун манзил:
Жizzах вилояти, Фориш тумани,
Хонбанди шаҳарчаси.**

МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.



Chorvador.uz

ЭНГ ЯХШИ ЧОРВАДОРЛАРГА




Резина ётоқлар



УТТ аппарати



Сут совутиш ва сақлаш танклари



Чорвачилик комплексларини лойиҳалаштириш



Сигир елинини дезинфекция қилиш
ва ускуналарни ювиш воситалари



Чорвачилик ускуналари ва эҳтиёт қисмлари

Озуқа тайёрлаш ва тарқатиш техникалари



Сигир соғиши ускунаси ва заллари

Тошкент ш., Аҳмад Дониш 22.
төл. (71) 226 65 96; +998 91 192 07 55;
+998 97 444 00 16; +998 94 647 10 03.
E-mail: chorvador@chorvador.uz
www.chorvador.uz